




6 / 89

ФАН ВА ТУРМУШ



Ёлғизгина уммонини


Сахро этган юртгинам.



ТАБИАТ ВА ИНСОН

● Бўстонлиқ районининг бокира табиатини асраш учун кураш бутун Ўзбекистон замини заҳарланишининг олдини олиш учун кураш тимсолига айланиб кетди дейиш мумкин...

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси капролакташ ишлаб чиқаришдаги заҳарли чиқиндиларни суратда кўриб турганингиз мана шу жарликка



ташлайди. Бинобарин, бу ерни ёпиш, заҳарли чиқиндилар учун экологик жиҳатдан хавфсиз жой топиш зарур. Мазкур корхона чиқиндиларидан фойдаланиш бўйича ЎзССР ФА Химия институтида ҳамда Тошкент автомобиль ва йўллар институтида ишлаб чиқилган технологияни жорий этишни тезлаштириш вазифалари ЎзССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети, Тошкент область санитария-эпидемиология станцияси, ЎзССР Фанлар академияси зиммасига юклатилган.

Ушбу саҳифадаги суратларда ЎзССР ФА Химия институтида атроф-муҳитни асраш йўлида олиб борилаётган тадқиқотлардан лавҳалар кўриб турибсиз. Юқорида — пестицидлар токсикологияси лабораториясининг кичик илмий ходими Раъно Дўстхўжаева «Ҳаёт» номли янги дефолиантнинг бир ҳужайрали сувўтларга таъсирини ўрганмоқда. Пастда — экологик химия лабораториясининг кичик илмий ходими Феруза Қулабдуллаева атроф-муҳитдаги объектларда пестицидлар бор-йўқлигини «Милхром» суюқлик хроматографида аниқлаш усули устида излашни олиб бормоқда.

С. ДАВИДОВ суратлари

БОШ МУҲАРРИР

Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ

Аҳмадали АСҚАРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Камол БОБОМУРОДОВ

Галина МАТВИЕВСКАЯ

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ

(масъул котиб)

Уктам ПРАТОВ

Уткир РАСУЛОВ

Асом РАФИҚОВ

Зокиржон САЛИМОВ

Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ

Елқин ТУРАҚУЛОВ

Нурислом ТУХЛИЕВ

Раҳим УСМОНОВ

Файзулла УСМОНОВ

Комил ХОЛМУҲАМЕДОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Шабот ХУЖАЕВ

Эркин ЮСУПОВ

БЎЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:

Рустам ОБИДОВ

Оқилхон ОДИЛХОНОВ

Саидмурод ХУЖАЕВ

Муҳаррир

Маҳфуза АСАДУЛЛАЕВА

БУ СОНДА

Рафиқов А.	
АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ОРОЛ!	2
Ҳикматов О., Каримов Р.	
ДАРОМАД ВА БУРОМАД	4
Раҳматов Н.	
МАҚСАД: ЭЗГУЛИК	6
Маматқулов М.	
УПҚОН	6
Жумабоев Т.	
САМАРҚАНД ҲАВОСИ МУСАФФОМИ	8
Нуруллаева Г., Тўраев Б., Иватов И., Хўжаев С.	
«ҲОЗИР СЕН ДУНЕГА БОР ГАПИНГНИ АЙТ»	10
Пратов У.	
КАКТУС	14
Набиев М.	
ДОЛЧИН	14
Мирзашарипов М.	
ОЛМА — ДАРМОН	15
«ТИЛ БИЛАН ЭЛ — ЖОН БИЛАН ТАН» журналхонлар муҳокамасида	16
Қодиров Э.	
ЕМИШЛИ ЗАЕМЛАР	18
Хожайов Т.	
«БИТТА УЧОҚ — БИТТА ОИЛА»	19
Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф Ҳожи ўғли, Обидов Р.	
ИСЛОМ — ИЛМ ДЕМАКДИР	20
Нурмухамедов Ҳ.	
ФИРИБГАРЛИК НА ҚИЛСИН	24
Аҳмедов А.	
ВОЛЬТЕР ВА УЛУҒБЕК	28
Жуманиёзов Р.	
МАШҚИНИ ОЛИНГ	30

МУҚОВАДА

1-БЕТ. Муқовада нисбатан яқинда ҳам сувга тўлиб, мавжланиб турган Орол тасвирланган. Пастда эса қандайдир 25 йил мобайнида денгиздан қолган қум акс этган. Ўзбекистоннинг чўллари кўп, уммони битта. Елғизгина шу уммонимиз ҳам нахотки пешонамизга сизмаса! Уни сақлаб қолиш учун кейинги вақтларда нима ишлар қилинапти, қандай режалар бор! «Аҳволлар қалай, Орол!» номли мақолада ана шу ҳақда ҳикоя этилади.

КЕЛГУСИ СОНДА

● АҲОЛИ УСИШИНИ БОШҚАРИБ БУЛАДИМИ? ● ПАХТАЧИЛИКДАН ЭЪТИМОД ҚАЙТМАСИН ● БУ ЙИЛ ҚОЗОНИМИЗГА НИМАЛАР ТУШАДИ ● ЖИНОЯТЧИЛАР ОЗАРИШ УРНИГА ТОБОРА КУПАЙИБ БОРМОҚДА. ● УРТА ОСИЕ РОССИЯГА ИХТИЕРИЯ ҚУШИЛГАНМИ ЕКИ БОСИБ ОЛИНГАНМИ? ● АЛЛЕРГИЯНИНГ ДАВОСИ БОР ● УЗ БОЛАСИНИНГ ҚОТИЛЛАРИ ● ЭҲТИЕТ БУЛИНГ: ҚИЗИЛ ЧИРОҚ ● ҚЎЛ ТЕГИЗМАЙ ДАВОЛАШ.

АХВОЛ ҚАЛАЙ, ОРОЛ?

ОРОЛ... ўрнида чексиз қумлоқ, шўрхоқ ва тошлоқ чўллар ўзаро тутшиб кетиши мумкин бўлган улкан, ғоятда ноёб мовий кўл-денгиз. Минг йиллар давомида гоҳ тошиб, гоҳ бир оз чекиниб, мавжланиб, қирғоқларига шўх тўлқинлар урилиб турар эди. Эндиликда Амударё ва Сирдарёдан келаётган сувнинг миқдори камайгани сари денгиз қирғоғидан узоқлашиб бормоқда, тўлқинлар сўнмоқда, соҳиллари қумлоқ ва шўрхоқка айланмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирги кунда Оролнинг сатҳи 14 метргача пасайди, сув ҳажми 370 куб километргача камайди (ёки аввалги ҳажмининг 35 процентини ташкил қилади), майдонининг учдан бир қисмидан кўпроғи қурди, сувининг шўрлиги сал кам уч барабар ошиб, ҳар литрида 28—29 граммга етди. Бунинг оқибатида денгизда балиқ ёки бошқа жонзотнинг яшаши учун имконият бутунлай йўқолди. Денгиз сатҳи йилига ўртача (унга қўйилаётган сувнинг миқдорига қараб) 50—90 сантиметргача пасайиб бормоқда. Аҳвол шу зайлда давом этаверса, унинг яқин келажақда қуриб, Орол чўлига айланиши турган гап. Яқинлашиб келаётган бу даҳшатли фалокат ҳозирда ҳамани чуқур ўйга толдирмоқда. Турли соҳадаги кишилар Оролни қандай қутқариб қолиш мумкин, деган саволни ўртага қўйиб, денгиз касасига сув юборишнинг турли йўларини ва сув манбаларини излашмоқда.

Баъзилар Каспий денгизидан, яна бировлар Сибирь дарёларидан Оролга томон улкан канал қазиб, сув олиб келиш, яна Урта Осиёдаги учдан сув олборларини очиб юборишни тавсия қилса, бошқалар тоғлардаги музликларни эритиш ёки Сарез кўлининг сувини тушириш, Қорақум ва Қизилқумда вужудга келган кўпгина йирик кўлларнинг сувини денгиз томонга оқишиш ва бошқа таклифларни ўртага қўйишмоқда.

Оролни сақлаб қолиш масаласи бўйича олимларда ҳозирча турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар Кичик денгизни (Қоратуп яриморали ва Кўкорол билан денгизнинг шимолий қирғоқлари ораллигидаги қисми одатда шундай дейилади) Қоратуп яриморали — Кўкорол — Берг бўғози орқали махсус кўтарма қуриб, Катта денгиздан ажратишни таклиф қилдилар. 1988 йилда Кичик денгиз Катта денгиздан ажралди. Сирдарё суви Кичик денгизга йўналтирилса, бу жойда сув ҳавзаси вужудга келади. Бироқ ҳосил бўлган ҳавзанинг суви шўрлаб кетмаслиги учун Берг ва Кўкоролни Қоратуп яриморалидан ажратиб турган бўғозларда махсус каналлар қурилса, маълум миқдордаги сув Катта денгизга чиқиб туради. Бунинг натижасида эса ҳавзанинг шўрлиги камайиб боради.

Сатҳи 20 метрга қадар пасайиши оқибатида Катта денгизнинг чуқурроқ ғарбий ва саёзроқ шарқий қисмларга ажралиб кетиши кутилмоқда. Шунинг ҳисобга олиб, олимлар денгизнинг ғарбий қисмининг сақлаб қолиш зарурлигини ўқтиришмоқда. Гап шундаки, унинг бу қисми 69 метрга қадар чуқур бўлиб Устюрт платосининг шарқий жарлигига туташган. Агарда Қуланд яриморали, Возрождение, Комсомол, Константин, Беллинсгаузен, Лазарев ороллари ва Мўйноқ яриморали меридиан бўйича махсус дамбалар билан туташтирилса, денгизнинг ғарбий қисмида катта кўл вужудга келади.

Ғарбий кўлга мунтазам равишда йилига 20 куб километр ҳажмда сув юбориб турилса, сатҳини 40 метр мутлақ балиқчиликка сақлаш мумкин, бунда унинг акваторияси 10 миң квадрат километрни, сувининг шўрлиги 15—20 йилдан сўнг ҳар литрида 18—20 граммни ташкил қилади. Қуланд яриморали билан Комсомол ороли ораллигида махсус канал қазилиб, сувнинг маълум қисми шарқий кўлга чиқариб турилса, ғарбий кўлнинг шўрлик даражаси

тобора камайиб, кейинги аср ўрталарида 5—6 граммга етади.

Кичик денгиз ва ғарбий кўлдан оқиб чиқадиган сувлар ҳисобига Оролнинг ўрта қисмида яна бир кўл вужудга келади. Бу кўл унчалик чуқур бўлмай (1—3 метр) буғланиш жараёнида сувнинг шўрлик даражаси ортиб боради (ҳар литрида 200—300 грамм ва ундан зиёд), кўл ости ва атрофи яланг ош туздан иборат бўлади.


Орол денгизини уч қисмга ажратган ҳолда сақлашда (агарда марказий қисмида вужудга келадиган шўр кўлнинг майдонини ҳисобга олмасак) жами майдони 16 миң квадрат километрни ташкил қилади, бу эса 1961 йилга қадар бўлган денгиз сатҳининг 24,2 процентига тенгдир. Лекин денгизнинг қолган қисми шўрхоқликнинг ўзидангина иборат бўлади ва шамол ҳамда шўрланиш ҳодисаларининг маконига айланади, маълум вақтга қадар тевааракатрофга туз, чанг ва қум зарралари ёғилиб туришини куттиш мумкин.


Ана шу мудҳиш аҳволнинг олдини олиш мақсадида кўпгина олимлар ва мутахассислар денгиз сатҳини, унинг ҳавзасидаги мавжуд сувнинг кўламини назарда тутиб, биринчи навбатда, энг кичик мутлақ балиқчиликка сақлаб қолиш лозим, деган таклифни ўртага қўйишмоқда. Бунинг учун Оролнинг сатҳини камида 33,5 метр мутлақ балиқчиликка сақлаб қолиш зарур, яъни Оролга ҳар йили камида 20 куб километр сув мунтазам тушишига эришиши керак. Бу миқдор эса шу балиқчиликдаги денгиз касасидан буғланувчи сув ҳажмига тенг.


Орол сатҳини 33,5 метр мутлақ балиқчиликка сақлаш билан унинг майдони 23 миң квадрат километрни (аввалги майдонининг тахминан 35 проценти), сувининг ҳажми 170 куб километрни (аввалги ҳажмининг 16 проценти) ташкил этади. Бу ҳолда денгиз сатҳининг катта қисми (ҳар ҳолда аввалги акваториянинг учдан бир қисмидан мўлроғи сақланиб қолишига эришилади) сув билан банд бўлиши турли ноҳус ҳодисаларнинг олдини олишга имкон беради.


Хўш, Орол ҳавзасида унга ҳар йили 20 куб километр сув юбориш имконияти мавжудми! Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, шунча ҳажмда сув топилишига ишонч бор. Эндиликда Урта Осиё дарёларининг гидрологик режимида серсувлик босқичи бошланди, бинобарин, халқ хўжалиги учун сарф қилинаётган миқдордан ортиқ сув албатта Оролга юборилиши лозим. Ҳисобларга қараганда, бу миқдордаги сув камида 10 куб километрни ташкил қилади, 1987 йили шу тарзда тежалган 10, бултур 23 куб километр сув Оролга юборилди, бу йил эса худди ўтган йилдагидек камида 20 куб километр сув денгизга қўйилиши кутилмоқда. Бу, албатта, денгиз касасидаги буғланиш миқдорини анча камайтиради, масалан, бултур Катта денгизга Амударё орқали 16 куб километр сув қўйилиши тўғрисида (бу орада Сирдарё орқали 7 куб километр сув Кичик денгизга қўйилди) денгиз сатҳи ярим метр пасайди, холос, ваҳоланки, 1986 йили бу кўрсаткич Оролга сув қўйилмагани сабабли 0,9 метрга етган эди. Гап шундаки, дарёларда халқ хўжалиги эҳтиёжларидан ортиқча бўлган барча тонфадаги сувларнинг ўзанлар орқали денгизга юбориб турилиши унга анча мадад беради.

Денгизга қўйиладиган сувнинг иккинчи бир манбаи ботиқларга юборилаётган зовур сувлари ҳисобланади. Сарикамиш ботиғига йилига ўртача 5 куб километр сув бежорга буғланиш учун юборилмоқда, тўғри, ҳозирда Сарикамиш кўли балиқ овлашда маълум ўрин тутаяди, лекин ботиққа 1,5 куб километр сув юборган ҳолда, қолган 3,5 куб километр суви Оролга юбориш мумкинлиги бундан 10 йил муқаддам асослаб берилган эди. Қўйи Амударё этакла-



 Оролнинг 1961—1986 йиллар мобайнида қуриб қолган қисми.

 Денгиз савзланиши ҳозирги суръатларда давом этаверса, 2000 йилга бориб мана шу жойлар ҳам қуруқликка айланиши хавфи бор.

 Орол шу кўринишда кичрайиб қолмасин десан, кескин чора-тадбирлар кўрмоғимиз лозим.

рида бундан ташқари, яна 2,5 куб километр зовур суви мавжуд, бинобарин, жами 6 куб километр сувни денгизга узатса, худди шу тарзда Қуйи Сырдарё этакларида камида 2 куб километр зовур сувини денгизга юборса бўлади. Оролбўйинининг ўзидаёқ жами 8 куб километр зовур суви мавжуд.

Шоли майдонларини қисқартириш ва қолган жойларда шולי ўсиши учун зарур бўлган биологик сув нормаси миқдориди экин майдонларига сув бериш орқали камида 5 куб километр сувни иқтисод қилиш мумкинлиги олимлар ўртасида тасдиқланмоқда. Шу нарсани эътиборда тутиш керакки, айниқса Қуйи Амударёда сувни ортиқча сарфлаган ҳолда шолдан олинаётган ҳосил чўғи 1,5—2 баравар кам, бинобарин, агар ҳосилдорликни шунча марта оширишга эришилса, камроқ сув сарфлаш ва экин майдонларини қисқартириш туфайли ялпи ҳосилни янада кўпайтириш мумкин.

Демак, денгизга биринчи навбатда юбориладиган сув миқдорини табиий сув оқими (камида 10 куб километр), зовур сувлари [8] ва шולי майдонини қисқартириш ҳисобига [5] — жами 23 куб километр ҳажмда тўпласа бўлади. Шунча миқдорда сувни денгизга 1995 йилга қадар мунтазам тушиб туришига эришиш унинг сатҳи тезлик билан пасайиб кетишининг олдини олган бўлур эди.

Кейинги босқичда [2000—2002 йилга қадар] Оролга юбориш мумкин бўлган сувнинг ҳажмини асосан Урта Осиёдаги эски суғориш тармоқларини янги лойиҳа асосида қайта қуриш натижасида тежаб қолинадиган сув ҳисобига кўпайтириш мумкин. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ана шу йўл билан Ўзбекистоннинг эскидан суғориб келинаётган қисмидаги ирригация каналларини таъмирлаш эвазигаёқ йилига 10—11 куб километр сувни тежаб, денгизга юбориш мумкин. Чунки бу ирригация шохобчалари асосан 60-йилларга қадар қурилган бўлиб, самараси 0,5 дан сал ошнқроқ, агарда шу кўрсаткич 0,80—0,85 га қадар оширилса, кўпгина сувни тежаш мумкин. Ўзбекистонда каналларнинг ўртача самаралилиги ҳозирда 0,64 га тенг, бинобарин, 36 процент сув заминга шиммилиб, буғланиб кетмоқда.

Ҳозирда мавжуд бўлган эгат оралаб суғориш усули анчагина сув ерга шиммилиб кетишига олиб келаяпти. Мутахассисларнинг аниқлашича, ҳар гектар майдонда ўртача 2,4; суғориш шохобчаларидан эса 4,9 минг куб метр сув

заминга сингиб кетмоқда. Гап шундаки, ирригация тармоқларидаги шимилиш ҳажмини камайтириш билан бирга суғоришни механизациялаш ва келажакда автоматлаштириш жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонда механизациялашган суғориш майдони атиги 390 минг гектарни ташкил қилгани ҳолда, 3,7 миллион гектар ерда алмисоқдан қолган эгат оралаб ёки бостириб суғориш усулларидан фойдаланилмоқда. Агар барча майдонларда эластик ва қаттиқ, шунингдек муқим суғориш қувурлари, томчилаб ва тупроқ остидан суғориш усуллари кенг татбиқ қилинса, ҳар гектар майдонда сувнинг фойдаланилмаган қисми 1,4; суғориш тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда 0,6 минг куб метрга қадар камаяди. Бу эса республика миқёсида камида 9—10 куб километр сувни тежаб қолиш имконини беради. Бинобарин, суғориш ва ерларнинг ҳолатини яхшилаш тармоқларини қайта қуриш, суғоришни янада такомиллаштириш туфайли камида 20 куб километр сувни тежаб қолиш имкони вужудга келади. Ниҳоятда мураккаб ва кўп маблағ талаб қилувчи бу тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб борилади ва янги аср бошида ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Агар бундан буён янги ерларни суғориш ва суғориш тармоқларини қуриш бутунлай тўхтатилса, аср бошида қатъий равишда камида 20 куб километр сувни Оролга юборишга эришилади. Биринчи босқичда амалга оширилладиган ишлар камида 23 куб километр сувни денгизга юбориш мумкинлигини кўрсатган эди, агар бунга иккинчи босқичда тежаладиган 20 куб километр сувни жамласак, йилига мунтазам 40 куб километрдан мўлроқ обихаётни Оролга юборишга эришар эдик. Бу эса унинг сатҳини 40 метр мутлақ баландликдан юқорида сақлаш имконини беради. Шунча миқдорда сув юбориш қийин, албатта, камида 30—35 куб километр сув бериш эса ҳақиқатга яқинроқ деб ўйлаймиз. Шунча сув Орол косасига тушиб турса ҳам, унинг сатҳини 40 метр баландликда, яъни 1988 йилдаги сатҳида сақлай оламиз.

Орол сатҳининг узлуксиз пасайиб бориши оқибатида қуриган қисмининг майдони тўхтовсиз кенгаймоқда. Натижада жанубий ва шарқий қисмларда шўрхок ва қумликдан иборат янги чўл пайдо бўлаётир. Чўлдан Амударё ва Сырдарё дельталарига томон иссиқ шамол, туз ва қум аралаш чанг-тўзон ёпирилмоқда. Бундай нохуш аҳволнинг олдини олиш мақсадида дельталар денгизнинг қуриган қисмига яқинроқ жойларда сув ҳавзалари бунёд этиш зарурлиги тақлиф этилмоқда. Ажибой, Мўйноқ, Рибацикий, Жилтирбас қўлтиқлари ўрнида бир-бири билан боғлиқ сув ҳавзалари барпо қилиш юқорида кўрсатиб ўтилган нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга ҳамда ўлкада қулайроқ экологик вазият вужудга келишига имкон беради. Сув ҳавзалари балиқчилик, ондатрачилик, нутриячилик ва бошқа тармоқларни ривожлантиришга шароит яратади. Уларнинг атрофида пайдо бўладиган қалин қамишзор қумликлар ўрнида фитомелиорация усули билан бунёд этиладиган саксовулзорлар ва юлғунзорлар денгизнинг қуриган қисмида келадиган шамол аралаш қуюнларнинг йўлида ғов бўлади.

Орол денгизини сақлаб қолиш масаласи моҳиятан унга қўйилаётган сувнинг миқдорига боғлиқ, қанчалик кўп сув қўйилиб турса, сатҳи шунчалик баландда сақланади. Шундай экан, унинг акваторияси икки қисмга бўлиниб кетмаслигини назарда тутган ҳолда аср охирларига қадар [1996—1998 йиллар] унга камида 20, кейинчалик эса янада кўпроқ сув мунтазам тушиб туришига эришиш асосий вазифа бўлмоғи лозим. Акс ҳолда денгиз сатҳи аср бошига етмасданоқ икки қисмга ажралиб кетиши кутилмоқда. Бу эса янги Орол чўли пайдо бўлиши ва унинг Қорақум, Қизилқум ҳамда Устиюрт чўллари билан бирлашиб кетиши хавфини туғдиради. Албатта, бунга йўл қўймаслик лозим, олим ва мутахассисларнинг кенг кўламадаги ёрдами асосида ўз вақтида бу хатарнинг олди олинишига ишончимиз комил. Келажак авлодга шўрхок ва қумликдан иборат чўлни эмас, балки мовий ва сермавж Оролни (сатҳи кичрайган ҳолда бўлса ҳам) қолдиришга ҳамма тилакдош.

Асомиддин РАФИҚОВ,
ЎзССР ФА География бўлимининг лаборатория
мудир, география фанлари доктори.

ДАРОМАД ВА БУРОМАД

Халқимизда «даромадга яраша буромад» нақли бор. Лекин заминдан нефть, газ, олтин, мрамор, яна талай маъдан бойликлари қазиб олинаётган, халқи қоракўл, пилла, каноп, том маъноси билан олтинга тенг миллион-миллион тонна пахта етиштираётган [уни ҳатто шулхасигача бериб юбораётган] бир ўлка нечун нечор иқтисодий аҳволга тушиб қолди, нечун давлатдан қарз ва боқиманда ҳисобланаётир! Ақли расо одам бунга ишонмаслиги аниқ. Чорва боқиладиган яйловлар, боғ-роғлар, сабзавот етиштириладиган далаларнинг олдинги ўн йилликларга нисбатан кескин камайиб кетгани касрига халқимиз расомади билан тўйиб овқат емаяпти, болаларимиз оғзига мева-чева тегмай қолди. Халқни бу фоживий аҳволга солиб, шўрини қуритаётган пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилмас экан, халқнинг боши касалдан чиқмайди, болалар ўлими камаймайди, майиб-мажруҳ, ногирон болалар туғилaveraди.

Энди, мана бу далилларга аҳамият беринг-а! «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1988 йил 11-сонига В. Осминин жуда галати далилларни келтирди: Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бошқа районларга олиб кетиладиган ана шу хом ашё [пахта толаси] базасида у ерларда 65 миллиард сўмликдан зиёдроқ ялпи ижтимоий маҳсулот ва тахминан 25 миллиард сўмлик миллий даромад яратилади». Бу — биргина пахтадан олинаётган бойлик! Яқинда замонамиз алломаси Чингиз Айтматов «Правда» [2 апрель] газетаси мухбирининг саволларига жавоб бера туриб, шундай ажойиб бир фикрни айтди: «Ҳозирга қадар биздан аксари маҳсулотларимиз хом ашё сифатида, нари борса ниммаҳсулот сифатида олиб кетилади. Жуда ҳам қимматбаҳо бўлган майин жунни олиб кўрайлик. Республикамиз бу қимматбаҳо хом ашёни етказиш бўйича Иттифоқда учинчи ўринда туради. Табиий хом ашёдан тайёрланган маҳсулотларнинг қиймати ҳар доим кўтарилиб бормоқда. Яхши костюм учун бир килограмм жун кетади, магазинда у 200 сўмгача нархда сотилади. Биз эса бир килограмм жунни бор-йўғи 8—10 сўмга, деярли текинга сотамиз».

Хўш, пахта бизга қанчага тушади-ю, биз уни қанчага сотялмиз!

Яна В. Осминин мақоласидан парча келтирамиз: «Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, 1 центнер дон етиштириш учун бевосита меҳнат сарфи 1,6 киши-соатни, 1 центнер пахта етиштиришда эса 36 киши-соатни ташкил этади... харид нархлари атиги 4—5 баравар тафовут қилади. Кейинги 15 йил ичида минерал ўғитлар, техника, ёқилғи-мойлаш материаллари нархи 1,6 баравар ошгани ҳолда хом ашё нархи атиги 12 процент ошди». Хўш, энди бу ёғи қанчага тушди! Бу аҳволда пахтакор колхоз-совхозлар қачон

Аҳоли турмуш даражасини белгилловчи асосий кўрсаткич — бу унинг даромадидир. Республикада жон бошига аниқ даромадининг ўсиши бутуниттифоқ даражасидан анча паст. Агар Иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 1987 йили 1980 йилга нисбатан 116 процентни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон ССРда 104 процент атрофида эди.

Аниқ даромадларнинг аҳоли жон бошига ўсиш даражаси

	1985	1986	1987
СССР	111	114	116
ЎзССР	107	107	104

Республика халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 1987 йили Иттифоқ даражасига нисбатан 84 процентга тенг, колхозчиларнинг даромадлари эса бу кўрсаткичдан анча паст бўлди.

қаддини ростлайди-ю, кун тигида кунига 14—16 соатлаб ишлайдиган деҳқон қачон меҳнатига яраша ҳақ олади! Сир эмаски, кўп жойда деҳқонлар ойнага бор-йўғи 30—50 сўм маош олади. Бу, нари борса, бир ой нон пули бўлади, холос.

Ҳамма нарсанинг нархи ошса ошяптики, лекин пахтанинг харид нархи ҳамон ўзгаринсиз турибди. Нарх сиёсати ўзгармас экан, пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилмас экан, нафақат ўзбек пахтакорининг, балки республиканинг ҳам иқтисодий аҳволи ўнгланиши қийин бўлади.

Тўғри, республикадаги партия ва ҳукумат раҳбарлари Иттифоқ миқёсидаги давлат ташкилотларида бизнинг пахта-тағамиз асосида ишлаётган корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлардан оладиган даромадининг бир қисмини Ўзбекистонга ўтказиш тўғрисида келишувга эришибди. Бу тахминан қўшимча 2,5 миллиард сўм даромад демакдир. Қизиғи [аниқроғи, ачинарлиси] шундаки, республикамиз ўз даромади, ўз пулини марказдан ялиниб-ёлвориб ундириб олса.

Энди, бошқа бойликларимиздан олинаётган ҳадсиз даромадлардан ҳам қонуний улушимизни талаб қилиш вақти етмадимикан! Республика экономикасининг кемтик томонлари шунчалик кўпки, икки-уч беш йиллик давомида умумиттифоқ фондига бериладиган улушимиз миқдорини қисман камайтириб, халқ соғлиғини мустаҳкамлаш, болалар ўлимига барҳам бериш, мактаб қурилиши ва уни замонавий ашёлар билан жиҳозлаш, Орол бўйидаги фоживали аҳволни яхшилаш, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан боғлиқ [қоғоз, босмаҳона учун машиналар, ёзув машиналари, иш юритувчиларни тайёрлаш ва ҳ. к.] масалаларни ҳал этишга, энг муҳими — аҳолини хилма-хил тўйимли, арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга сарф этиш ниҳоятда зарур эканлигини вақтнинг ўзи тақозо этмоқда.

Кейинги вақтларда ўзбек тилига давлат мақоimini бериш, пахта яккаҳоқимлигини бартараф этиш каби долзарб муаммолар ҳақида сўз борар экан, айрим раҳбарларимиз энди бошқача йўл тутиб, ортиқча эҳтиросга, ҳиссиётга берилмаслик тўғрисида тез-тез насиҳат қиладиган бўлиб қолишди.

Маъқул, эҳтиросларга берилмай рақамларга мурожаат қила қолайлик. Тўғри, рақамлар тилсиз бўлади, лекин улар унсиз сўзлаши ҳам мумкин. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада Ўзбекистон ССРнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари СССРга қиёсан келтирилади. Мазкур қиёсларни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. ҲИҚМАТОВ ва иқтисод фанлари номзоди Р. КАРИМОВлар редакциянинг илтимосига мувофиқ тайёрлашган.

Ижтимоий истеъмол фондидан республикамиз аҳолисига берилган пул ёрдами ва имтиёзлар мамлакат кўрсаткичининг 64,3 процентига тенг. 1970 йилда эса бу кўрсаткич 72,6 процентни ташкил этган эди. Республикада аҳоли ўсиши ниҳоятда жадаллашиб кетганлиги туфайли бу ҳол катта тафовут туғдирди. Бунинг сабабларидан бири, энг аввало, республика ташқарисидан кўплаб кишиларнинг оқиб келаётганлиги, яъни миграция натижасидир. Шу ўринда, республиканинг ўзида меҳнат ресурси ортиқча бўлишига қарамай, ҳамон четдан ишчи кучларини жалб қилавериш салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар эканлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Иккинчи сабаб шундаки, бир ишловчининг қарамоғидаги боқимандалар сони кўп.

Республика корхоналарини хўжалик ҳисобига ўтказиш, қишлоқ хўжалигида ижара, айтиқса оилавий пудратнинг жорий этилиши, кооператив ҳаракатнинг ривожланиши аҳоли даромадларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Уй-жой таъминоти аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлардан биридир. Республикада эса бу таъминот ниҳоятда ачинарли аҳволда. Ўзбекистонда уй-жой аҳоли жон бошига ўртача 11,3 квадрат метр (кв. м.), шаҳарларда — 11,1 кв. м., қишлоқ жойларда — 11,4 кв. м. дан тўғри келмоқда.

СССРда эса 1987 йили шаҳарда 15,2, қишлоқ жойларда 16,6 кв. метрдан тўғри келган. Бу санитария нормалари талабларига 74—68 процент жавоб беради, деган гап. Уртача рақам ҳам мавжуд. Сир эмас, кимдир кам оиласи билан дангиллама уйда туради, яна бир бечора 5—6 боласи билан каталакдек хонада кун кечиради. Қолаверса, қишлоқлардаги хонадонлар шаҳардагидек шарт-шароитларга эга эмаслиги ҳаммага маълум.

Республикада аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш хизмати ниҳоятда ачинарли аҳволда эканлиги эндиликда барчага аён. Шу ўринда айрим рақамларни келтириш ўринли бўлур эди. «Орол-88» экспедицияси қатнашчилари келтирган рақамлар олдинлари матбуотда эълон қилинган бўлса-да, айримларини айтиб ўтмай бўлмайди. Масалан, болалар ўлими бўйича республикамиз Африканинг энг қолоқ мамлакатлари даражасига тушиб қолди. (ҚҚАССР-да ҳар минг боладан 112 нафари, республика бўйича 48 нафари, СССРда эса 12 нафар бола нобуд бўлмоқда).

Болалар муассасалари — ясли ва боғчалар қурилиши ҳам ночор аҳволда. 1987 йили республикадаги болалар муассасаларига 7 ёшгача бўлган жами болаларнинг атиги 34,5 проценти жалб этилганди. Рақамларга диққат беринг-а!

Иттифоқ бўйича ҳам аҳвол қониқарли эмас, болаларнинг 58 процентигина ясли-боғчаларга бориш имконига эга. Республикада умуман болалар муассасалари қурилишига ғамхўрлик бўлмаганлиги оқибатида, маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олин-

маслиги, ёхуд келажак авлод тақдирига жон куйдирадиган бирон ташкилот йўқлиги оқибатида ўзбек болалари ҳамон кўча чангитиб юришга мажбур. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Болалар фондининг Ўзбекистон бўлими бу соҳага мутасаддилик ва ғамхўрлик қиладиган вақт етиб келди.

Аҳолининг турмуш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда, ачинарлиси шундаки, бу кўрсаткич йил сайин камайиб бораётир. Агар 1980 йили аҳолининг турмуш даражаси Иттифоқ миқёсидаги нисбатан 61,3 процентни ташкил этган бўлса, 1987 йили бу кўрсаткич 57,6 процентга тушиб қолди. Бунинг сабаби республикада асосий соҳа бўлмиш қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги паст даражада эканлиги билан изоҳланади.

Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи қониқарсиз аҳволда эканлиги ҳаммага маълум. СССР бўйича гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ўтган йиллари 50 процентгача кўтарилган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда аранг 31 процентга етган. Ҳозир матбуотдан маълумки, гўшт ўрта ҳисобда СССРда йилига 68 килограммдан истеъмол қилинаётган бир вақтда, Ўзбекистон бўйича бу рақам 28 килограмм, қишлоқларда эса 7—8 килограммдан иборат. Гўшт бўлмаганига яраша тухум, балиқ, қанд ҳам деярли йўқ даражада. Аҳолини картошка билан таъминлаш эса фоживий аҳволда: 1965 йили жами талабнинг 25 проценти, 1987 йили эса аранг ярми қондирилди, холос.

СССР ва ЎзССРнинг халқ хўжалиги соҳаларида ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг ўртача оиллик иш ҳақи. Колхозчиларнинг ўртача оиллик иш ҳақи.

	1980		1985		1986		1987		Фарқи	
	СССР	ЎзССР	СССР	ЎзССР	СССР	ЎзССР	СССР	ЎзССР	1970	1987
	Барча халқ хўжалиги	168,9	155,5	190,1	164,2	195,6	165,9	202,9	169,7	94,2
Саноат	185,4	166,7	210,6	178,9	215,7	179,7	221,0	180,4		
Қишлоқ хўжалиги	149,2	150,9	192,1	154,6	192,0	158,2	196,0	162,4		
Транспорт	199,9	185,9	220,3	192,8	228,1	192,2	238,0	197,4		
Қурилиш	202,3	205,4	236,6	219,5	244,6	218,7	255,0	220,8		
Колхозчиларнинг ўртача оиллик иш ҳақи	118,5	130,0	153,4	130,1	163,0	129,7	170,2	132,1	122,8	77,8

Иқтисодий истеъмол фондидан аҳолига берилган тўлов ва имтиёзлар

	1987 йилга нисбатан				
	1970	1980	1985	1986	1987
Аҳоли жон бошига, сум					
СССР	263	441	530	554	575
ЎзССР	191	910	357	365	370
ЎзССРнинг СССРга нисбатан фарқи (процент), тўлов ва имтиёзлар жами	72,6	70,3	67,3	65,8	64,3
СССР, млрд. сум	63,9	117,0	147,0	155,0	162,5
ЎзССР, млн. сум	2290,0	4943,2	6503,5	6836,3	7144,9

СССР ва ЎзССРда соғлиқни сақлаш системаси ўсишининг асосий кўрсаткичлари

	1970	1980	1985	1986	1987
10 минг аҳоли ҳисобига барча касбдаги врачлар сони					
СССР	27,4	37,5	42,0	42,7	43,6
ЎзССР	23,1	28,5	33,5	34,1	34,7
10 минг аҳоли ҳисобига касалхоналардаги уринлар сони					
СССР	109	125	130	130	131
ЎзССР	102	113	121	121	120

Бу жадваллардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда ишлаб чиқариш унумдорлиги анча пасайиб кетган, айниқса енгил саноат, озиқ-овқат ва пахта тозалаш саноати кўпроқ бўлган областларда бу кўрсаткич бирмунча камайган. Бунинг асосий сабаби шундаки, мазкур соҳа фаолиятининг кўрсаткичлари кўп жиҳатдан республикада пахта-нинг ривожланиши билан боғлиқ экан.

Республикамизда рўй берган бу аҳволни яхшилаш борасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати қатор тадбирларни амалга оширишга кириш-

ган. Бу тадбир ва режаларнинг рўёбга чиқишида аввало республика меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилишлари лозим бўлади. Айни вақтда кечиктириб бўлмайдиган муаммо шуки, халқим тўйимли озиқ-овқат билан таъминлашда оқилонга иш тутилишини назардан қочирмаслик зарур.

Жадвалда келтирилган барча рақамлар «СССР в цифрах в 1987 г.», «Народное хозяйство СССР в 1987 г.» «Узбекская ССР в цифрах в 1987 г.», «Народное хозяйство СССР в 1987 г.», «Народное хозяйство УзССР 1987 г.», китобларидан олинган.

Инсоф билан айтганда, табиатнинг ҳозирги ҳолати тасаввуримиздагидан анча ташвишли. Биз, жумладан, Орол денгизи қуриётганини, ўрмон ва тўқайлар кесилаётганини, нодир ҳайвонлар қирилиб кетаётганини кўраемиз, эшитаемиз. Аммо нафас олаётган ҳавомизнинг таркибида нималар борлигини ёхуд ичаётган сувимиз, дастурхонимиздаги неъматлар таркибида қандай моддалар борлигини илғаёлмаймиз. Ваҳоланки, ҳаво, сув ва тупроқнинг заҳарланаётгани энг ташвишли ҳолдир.

Сиз агар Тошкент, Самарқанд, Навоий, Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Фарғона, Олмалиқ сингари шаҳарларда бўлсангиз, шуни билиб қўйингки, нафас олаётганингизда кўплаб углевод оксиди, олтингургурт гази, азот оксиди, турли чанглари ютишга маҳкум этиласиз. Мазкур шаҳарларнинг ҳаво-санитария талабларига мутлақо жавоб бермайди. Биз тилга олган заҳарли моддалар, ўз навбатида, турфа кассалликларга сабаб бўлади.

Республикамиз бўйича ҳар йили ҳаво бағрига пуркалаётган ана шундай зарарли моддалар миқдори 4 миллион тоннага яқинлашиб қолди. Бу ташвишли рақам республикамизда яшайдиган ҳар бир кишини ҳушёр торти-

МАҚСАД:

риши, курашга даъват этиши керак, албатта.

СССР Медбиопром, шунингдек Нефть саноати ва Газ саноати министрликларига қарашли бир талай заводларнинг тозалаш иншоотлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Очигини айтганда, республикамизда ҳозиргача бирорта экологик тоза корхона йўқ. Бу эса, айни вақтда, экологик маданиятнинг пастлигидан далолатдир.

Она табиат тирик мавжудот учун ато этган зилол сувлар мансаби томон оққан сари ифлосланиб кетаётганлиги ташвишли ҳол. Чирчиқ, Зарафшон, Амударё, Сирдарё ва бошқа дарёлар суви таркибида нитрит, нефть маҳсулотлари, гексахлорат, фенол, крем сингари моддалар анчагина. Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасининг ўзигина ҳар йили Чирчиқ дарёсига 242 миллион куб метр ифлос сув ташлайди. Ўғит ва рангли металлургия саноати министрликларига қарашли бир талай заводлар ҳам она табиатимизнинг, зилол сувларимизнинг ғораткорлари бўлиб қоляпти.

Кўпгина жойларда ер ости сувлари заҳарланганлигини кўриб тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар қалай, ер устидаги сувни филтрлаб, хлорлаб, андак эпаккага келтириш мумкин-у, аммо ер ости


сувларини заҳарлаш авлодларимиз олдидаги жиноятдир. Чунки биз уни қайта тозалаш имконига эга эмасмиз ва келажак авлод бу бедодлигимиз учун бизни ҳеч қачон кечирмайди.

Дохиймиз В. И. Ленин Улуғ Октябр социалистик революциясидан кейин биринчи бўлиб Ер ҳақидаги Декретга имзо чекканди. Орада бир йил ўтган, бевосита унинг раҳнамолигида Ўрмон ҳақида Декрет эълон қилинди. Ваҳоланки, у пайтларда табиат бу қадар аёвсизлик билан топталмаган эди. Демак, дохий аввалдан буни ҳис қилган ва ташвишга тушган. Бизнинг табиатга бўлган ҳозирги муносабатимиз худди ана шундай ленинча қондаларнинг бузилишидан бошқа нарса эмас. Сўнги йигирма-йигирма беш йил ичида республикамизнинг йирик шаҳарларида бир қанча минерал ўғит заводлари, химиявий корхоналар қурилганини калтабинликдан бошқа яна нима деб аташ мумкин?

Табиат муҳофазаси аллақандай маҳаллий муаммо эмас, балки инсониятнинг умумий ташвишидир. Нафақат бизда, балки бошқа ўлкаларда ҳам табиатни муҳофаза қилиш муаммоси кун тартибидagi энг долзарб масалага айланиб бормоқда. Шундай экан, бу борадаги кучларни бирлаштириш,



ТАБИАТ ВА ИНСОН



ЎШҚОН

Тошкент ҳалқа йўлидан ўтиб, ғарбга томон юрилса, Қорақамиш сойига чиқилади. Қадимий бу сой соз тупроқли ер юзасини чуқур ўйиб, илон изи шаклида катта жарлик ҳосил қилган. Унинг остида оқаётган сув жуда лойқа ва ифлосланган. Соё водийсининг баъзи жойларида сув сатҳидан турли баландликда поғонали майдончалар учрайди, айрим ерларида эса соё суви соз тупроқни ўйиб, тик «қоя»лар ҳосил қилган. Теварак-атрофдаги ерлар экинзор билан банд, баъзи пастлик жойлар эса ахлатхонага айлантирилган. Соё ёнбағирлари ниҳоятда тик ва анча чуқурлигидан, сув бўйига бемалол тушиш қийин. Соҳилнинг баъзи жойларигина унга келиб қўйилаётган катта-катта ариқлар билан кўндаланг кесилган. Ана шундай нишоблашган ерлар орқали сув бўйига тушиш мумкин.

Қорақамиш соёи бўйлаб экинзор ичидан юрсангиз, ҳар ер-ҳар ерда қудуқсимон чуқурликларга дуч келасиз. Эҳтиётсизлик қилган киши уларни сезмай ичига тушиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Арқон ёки нарвонсиз ундан чиқиш амримаҳол. Одатда, бунақанги чуқурликларнинг пастки қисми аста торая бориб, киши сиғмайдиган тешикларга айланади. Баъзиларининг ички қисми кенгайиб, жар томонга кўндаланг йўлак ҳосил қилади. Улар тешик ғорни эслатади. Чуқурликлар ҳосил бўлган соз тупроқ бошқа тоғ жинсларига нисбатан анча юмшоқ, емирилувчан ва бузилувчан эканлигидан уларнинг қиёфаси тез ўзгариб туради, остидаги кўндаланг йўлакларнинг устки қисми вақт ўтиши билан ўпирилиб тушади, шу алпозда жар ҳосил бўлади. Бинобарин, бундай чуқурликлар ичида узоқроқ бўлиш ҳаёт учун анча хавфлидир.

Шу тарзда муттасил жарликлар ҳосил бўлиши оқибатида Қорақамиш соёи бўйидаги экин майдони йил сайин камаё бориб, суғориладиган унумдор майдонларнинг анчагина қисми яроқсиз ҳолга келмоқда.

Бундай ҳодисаларни республикамизнинг кўпгина районларида кузатиш мумкин. Хўш, республикамиз экин май-

ЭЗГУЛИК

одамларни ҳушёрликка даъват этиш заруратдир.

Ҳоҳида айрим олим ёки раҳбарлар билан атроф муҳит муҳофазаси ҳақида баҳс юритганингизда улар бунга халқ хўжалигини рўқач қилиб кўрсатишади. Айнан халқ хўжалигини ривожлантириш учун инсоният экологик вазиятни издан чиқаришга мажбур бўлаётганини гапиришади. Атроф муҳитни заҳарлаётган корхоналар ишини тўхтатиш масаласи кўндаланг бўлганда ҳам бу завод ёки фабрика кунига фалон минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришини вақт қилишади. Кўпгина мутасаддилар, идора ва бошқармаларнинг раҳбарлари ҳам масалага худди ана шу нуқтаи назардан қарашга кўникиб қолишган. «Экология»нинг ҳам, «экономика»нинг ҳам мағзида «ўз маскани» деган мазмун бор. Бас, шундай экан, энг аввал ўз уйимизни сақлаб қолишимиз ва кейин уни тартибга солишимиз керак. Тагин бир мисол: фараз қилайлик, дастурхон тўкин, лекин ҳаво, сувнинг ифлослиги сабаб бўлиб, жигарингиз хаста ёки болангиз аллергия касалига мубтало. Йўқ, бундай тўкинликдан кўра, бир бурда нон-у, бир коса зилол сув ва она табиат ато этган соғлом вужуд афзал инсонга!

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ходимлари зиммасига она табиат муҳофазасини биринчи ўринга кўтариш ва бутун жамоатчиликини ана шу курашга сафарбар этишдек эзгу вазифа юклатилган.

Комитет ҳузурида ҳавони, сув бойликларини муҳофаза қилиш, ҳайвонот ҳамда ўсимликлар оламини кўриқлаш, экспертиза, фан-техника тараққиёти ва тарғибот бошқармалари, яна бир талай бўлимлар ишлаб турибди. Жами областларда ҳам шундай бўлимларимиз мавжуд. Лекин дастлабки пайтданоқ бу борада муаммолар жуда кўплигига ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, ўн йиллар давомида топталган табиатни ўз ҳолига келтириш учун озмунча вақт керакми?

Республикамизда табиатни муҳофаза қилишнинг 2005 йилгача бўлган илмий режалари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу даврда ҳаво ва сувдаги ифлосликларни бир ярим-икки ҳисса камайтириш мўлжалланган. Лекин бу эзгу режаларни амалга ошириш учун олимларимизнинг доимий мададлари зарур. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасалари табиий бойликларни қайта ўрганиш бўйича катта ҳажмдаги тадқиқот ишлари ўтказишлари керак. Шу йўсин-

даги энг катта муаммолардан бири беичиқит усулни жорий этишдир. Кўпгина корхоналар ҳақиқатан ҳам, чиқиндини қайта ишлаш бўйича тавсияларга эга эмас. Аввало фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини яхшилаш, уларнинг ўзаро манфаатдорлигини ошириш ва табиат бағрига ташланаётган чиқиндилардан фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Шу билан бирга бизда чиқиндини қайта ишлаш усуллари жуда ибтидоий аҳволда. Бир қанча илмий тавсиялар ишлаб чиқаришга дадил жорий этилмаётганлигини ҳам Давлат комитети ўрганади ва уларни жорий этишда фаол ҳисса қўшади.

Олимларимиз қуёш, шамол энергиясидан фойдаланиш, юсак самара берадиган филтёр, ускуналар ишлаб чиқариш масалаларини биринчи ўринга қўйишлари керак, албатта.

Табиат муаммолари табиатнинг ўзидек кенг ва серқирра. Бир мақолада уларнинг барини қамраб олиш қийин. Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети бу муаммоларни бартараф этишда бундан кейин ҳам фанимиз намояндаларига суянади.

Нусрат РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг бўлим мудир.

донларида нега бундай жараёнлар содир бўляпти, уларнинг олдини олиш мумкинми?

Ер қуррасининг кўпгина районларида учрайдиган бунақанги табиий ҳодиса фақат экинзорларгагина эмас, балки саноат ва граждон объектларига, суғориш иншоотларига, автомобиль ва темир йўлларга, дарё водийларидаги тўғонларга жиддий зарар етказиши, вайронгарчиликларга сабаб бўлади. Масалан, АҚШнинг Айдахо штатида Титон тўғони 1976 йили қуриб битказилганидан кейин орада бир неча ой ўтгач, ўпирилиш натижасида чуққан, оқибатда 800 квадрат километрдан зиёд майдон сув остида қолган, 11 киши ҳалок бўлган, 25 мингдан кўпроқ аҳоли эвакуация қилинган. Фалокат 400 миллион доллар зиён келтирган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кони зиён бўлган бундай табиий жараён кўпдан буён мутахассислар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Бу борада илк бор машҳур немис олими Ф. Рихтгофен ўтган асрнинг иккинчи яримларида Хитой ерларида иш олиб борган. Россияда бу жараённи биринчи марта ўрганган академик А. П. Павлов уни суффозия деб аташни таклиф қилган эдики, бу атама тагидан кавлаш, ўйиш деган маънони англатади.

Сўз юритилаётган жараён ўлкамизда ҳам қадимдан маълум бўлиб, ота-боболаримиз уни ўпқон деб аташган.

Улка табиий бойликларидан кенг кўламда фойдаланиш, кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш 20-йиллар охириларида бошлаб авж олди. Турли гидротехник иншоот ва суғориш системалари ишга туширилди. Бу тадбирлар, ўз навбатида, ўпқонлар келиб чиқишига, уларнинг кучайишига олиб келдики, бундан халқ хўжалиги катта зарар кўра бошлади. Бир қанча олимлар Тошкент атрофи ва республикамизнинг бошқа районларида бундай жараённинг тарқалиши ва келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, унинг олдини олиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқишди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўплаб каналлар қазиб, сув оқизила

бошлангандан сўнг, биринчи йилиёқ канал қирғоқлари ва ўзанларида ўпқон содир бўлиб, каналлардаги сув атрофга уриб кета бошлади. Сув ўзи билан катта ҳажмдаги увиган ва уқаланган тупроқни олиб кетиб, канал ости ва қирғоқларида чуқурликлар ҳосил қилди. Шу боисдан айниқса тоғ ёнбағирларида қурилган каналлардан ўн йиллаб бемалол фойдаланиш имкони бўлмади.

Ўрта Осиёнинг тоғ олди пасттекисликларида кенг тарқалган соз тупроқларда ўпқон кўп учрайди. Бинобарин, «ўпқон — соз тупроқнинг доимий йўлдоши» дейилиши бежиз эмас. Чунки бу тоғ жинслари юмшоқ, серговак, таркибида сувда тез эрийдиган тузлар кўп. Бундан ташқари, уларни ҳаво ҳароратининг йил ва сутка мобайнида ўзгариб туриши, шунингдек дарахтлар илдизининг таъсири туфайли вужудга келган ёриқлар ҳар томонга кесиб ўтган, уларни ер остида яшовчи ҳашарот ва ҳайвонлар кенгайтириб, ин қуришган. Соз тупроқли ерларга тушадиган ёғин-сочин, эриган қор, оқар сувлар бу жинсларда ҳосил бўлган турли катта-кичикликдаги ёриқлар ва ер остида ўшайдиган ҳайвонот инлари орқали ўтиб, жинс таркибидаги тузларни эритади, жинс зарраларини ювиб кетади. Оқибатда ер юзасида турли катталиқда қудуқсимон чуқурликлар, ер остида эса форсимон бўшлиқлар ҳосил бўлади, кейинчалик мазкур бўшлиқларнинг шипи ўпирилиб, ер юзаси ўнқир-чўнқир бўлиб қолади, жарлар вужудга келади. Натижада, бундай жойларга қурилган иморат, иншоотлар бузилади, экинзор кемтик бўлиб қолади.

Бироқ соз тупроқли ҳамма ерда ҳам ўпқон ҳосил



ТАБИАТ ЭЪЗОҒА
МУҚТОМ

САМАРҚАНД

ҲАВОСИ МУСАФФОМИ?

РЕСПУБЛИКАМИЗДА экологик вазият ниҳоятда ачинарли аҳволда эканлиги эндиликда ҳаммага маълум. Орол муаммоси, пахта экиладиган районларда турли юқумли касалликларнинг кўпайгани, болалар ўлими бутун жамоатчилигим ташвишга солмоқда. Лекин, шаҳарларимизда ҳам аҳвол дуруст эмас. Чунинчи, Тошкент воҳасининг Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари, табиатимиз дурдонаси бўлмиш Фарғона шаҳри sanoat корхоналарининг оқава сувлари, ҳавога чиқараётган захарли дудлари, ташландиқ чиқитлари боис ўз кўрки, сўлимлигини йўқотаётганлиги ҳаммани ташвиш ва изтиробга солмоқда. Самарқандлик муаллифимиз юборган ушбу мақолада мана шу муаммолар хусусида сўз юритилган.

САМАРҚАНД Урта Осиёдаги энг қадимги шаҳарлардан биридир. У милoddан олдинги IV асрда таркиб топган; Зарафшон водийсининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, дарёнинг каттагина қисми шу шаҳар бўйлаб оқади. Майдони 51,9 квадрат километр. Ҳозирги вақтда шаҳар чегараси Зарафшон дарёси қайири ва шимоли-шарқда Чўпонота баландлигига бориб туташган.

Самарқанд жуда қадимдан ҳавоси тоза, табиати сўлим бир диёр сифатида донг таратган. Масалан, хитойлик сайёҳ Сюань Цзянь VII асрнинг 30-йилларида Самарқандда бўлиб, бу юртининг тупроғи унумдор, шаҳар ва унинг ат-

бўлавермайди. Бунинг учун ёриқлар ва ер остида яшовчи ҳайвонлар ини орқали кирган сувнинг ҳаракатланиши, шунингдек майдаланган жинс зарралари ювилиб кетиши учун соз тупроқли экин майдони ҳар томондан ариқ ва сойликлар билан кесилган бўлиши зарур. Шунга кўра ўпқон дарё водийлари ёнбағирларида, тоғ олди районларидаги канал бўйларида ҳамда сув омборлари соҳилларида айниқса кенг тарқалган. Дарвоқе, республикамиз ва унга ёндош районлардаги аҳоли пунктлари ҳамда экинзорларнинг асосий қисми дарё бўйларида ва канал атрофларида жойлашган. Бинобарин, бу офат ҳар вақт уларга катта зиён келтириб туради.

Шуни таъкидлаш керакки, ўпқонлар инсониятнинг муҳандислик фаолияти натижасида ўзлаштирилган жойларда айниқса фаоллашади. Шунинг учун ўпқон янги ерларни ўзлаштириш мақсадида барпо этилган сув иншоотлари бўйлаб кенг тарқалган. Ахир республикамиздаги суғориш шохобчаларининг деярли ҳаммаси соз тупроқли ерларни кесиб ўтган, қолаверса, сув омборларининг қирғоқлари ҳам соз тупроқлардан иборат. Мабодо бундай иншоотлар барпо этилмаганида бу районларнинг кўп қисмида, табиийки ўпқон ҳосил бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Далилларга мурожаат қилайлик. Фарғона водийсининг шарқий, яъни Қирғизистонга қарашли қисмида Уттиз Одир суғориш иншооти қурилгунга қадар ўпқон рўй бериши учун табиий омил бўлмаган. Лекин иншоот ишга туширилган дастлабки йилиёқ унинг қирғоқлари ва ўзанида ўпқон ҳосил бўлиш жараёни ривожланиб, ҳар бир километр масофада икки-уч ўпирилиш кўзга ташлана бошлаган. Тўрт

рофи узумзор ва боғлар билан бурканган деб таърифлайди. Умуман, Самарқандда яшаган ва бу ерга саёҳат қилган жуда кўп тарихчи, географ олимлар уни ер юзидаги энг муҳташам, энг сўлим, энг обод юрт сифатида олқишлаганлар.

Ҳа, Самарқанд шаҳри сўлим табиати ва ўзига хос мейморчилик санъати, муҳташам иморатлари билан ҳануз минглаб сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Лекин бу шаҳар ҳам асримизда юзага келган муаммолардан ҳоли эмас.

Масалан, сўнгги йилларда шаҳримизда кўплаб sanoat корхоналари қурилди, унинг кўчаларида турли-туман автомобиллар пайдо бўлди. Натижада Самарқанд ҳавоси ўзгара бошлади ва унинг таркибида киши организми учун зарарли ва захарли моддалар (аммиак, водород пероксид, хлор, сероводород, карбонат ангидрид ва ҳоказо) борлиги аниқланди. Бу моддалардан айримлари соф ҳавони сиқиб чиқара бошлади. Самарқанд давлат университети географ олимлари ҳар бир квадрат километр майдонга йилига тахминан 493 тонна чанг ўтиришини аниқлашди. Бу ҳавонинг нормал ҳолатига нисбатан икки ҳисса кўп демакдир. Кузатишлар вақтида биз ўз диққатимизни шаҳар ичида жойлашган пахта тозалаш ва бетон қоришмалари корхоналарига қаратдик.

Пахта тозалаш заводи ҳовлисида бир куб метр ҳаво таркибида 3,9 миллиграмм чанг учрайди. Бу эса нормадаги нисбатан анча кўпдир. Бетон қоришмалари корхонаси майдони ва унинг атрофи ҳавоси ниҳоятда оғир аҳволда.

Маълумки, ёзда ҳаво иссиқ ва қуруқ бўлади, шу боис ҳавога чанг кўп кўтарилади. Қуруқ фаслларда шаҳар кўча-



Қорақамиш сойи бўйида экинни суғоришдан ортган сувнинг оқизиб юборилиши натижасида ҳосил бўлган ўпқон.

ларининг ўз вақтида супирилмаслиги ва вақти-вақти билан сув сепиб турилмаслиги ҳам чангнинг кўтарилишига олиб келади. Масалан, шаҳарда ёз ва куз ойларида 987 километрли кўчага сув сепилиши керак бўлгани ҳолда, бори-йўғи 340 километрга сув сепилади, холос. Самарқанд шаҳри ҳавоси таркибида санат корхоналари чиқараётган ҳар хил заҳарли газлар миқдори ҳам ортмоқда.

Шаҳар ҳавосининг ифлосланишида автотранспорт ҳиссаси ҳам катта. Ҳозир уларнинг сони 50 мингдан ошиб кетган. Бир автомобиль суткада 1 килограммга яқин тунли газ чиқаради. Шу газнинг 5 грами карбонат ангидрид, 0,7 грами аммиакли бирикмалар, ис газы, водород сульфид ва альдегидлардан иборат. Газнинг қолгани эса тутундир. Шаҳар ҳавоси ҳар суткада қарийб 90 тонна карбонат ангидрид газы, 11,2 тонна бошқа хил газлар (ис газы, аммиак бирикмалари, водород сульфид, альдегидлар), симоб ва бензин буғи билан ифлосланади. Шаҳар ҳавоси таркибида, айниқса карбонат ангидрид газининг миқдори ҳаддан зиёд ортиб бораёпти. Самарқанд Давлат медицина институти мутахассис олимларининг кузатишларига кўра, шаҳар ҳавосининг ифлосланиши оқибатида қуёшдан келадиган ультрабинафша нурларнинг миқдори шаҳар ташқарисидагига нисбатан 31,7 процентга камайган.

Аҳоли атеросклероз, юрак-томир касалликлари, сурункали бронхит, ўпка раки, бронхит астма, асаб хасталикларига дучор бўлмоқда. Кишилар организмнинг номувофиқ таъсирларга, юқумли вирусларга қаршилиги, табиий иммунитетни сусайиши оқибатида аллергия касалликлари пайдо бўлмоқда.

Шундай экан, шаҳар ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш учун қандай тадбир-чораларни амалга ошириш керак? Энг аввал шаҳар ҳавосини ифлослантираётган корхоналарни чанг ва газ тутқич мосламалар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятини назорат остига олиш зарур. Автомобилларни газ асосида ишлашга ўтказиш ишларини янада кенгайтириш, шаҳар кўчалари ҳавосини мусаффолаштириш тадбирларини кўриш лозим. Область марказий гидрометеорология станцияси ходимларининг кузатишлари шунки кўрсатдики, шаҳарда йил давомида эсадиган шамолнинг 34 фоизи шарқий, 27 фоизи жануби-шарқий, 18 фоизи ғарбий ва шимоли-ғарбий йўналишда эсади. Лойиҳачиларимиз шаҳарда янги қурилишлар олиб бораётганда шунки назарда тутиб, янги кўчаларни шарқий ва жануби-шарқий йўналиш бўйлаб жойлаштира мақсадга

мувофиқ бўларди. Шунингдек шаҳарни кўкаламзорлаштириш, янги боғ, гулзор ва хиёбонлар бунёд этиш зарур. Зеро бир квадрат километр майдондаги дарахтзор ҳар суткада 12 килограммдан 120 килограммгача карбонат ангидрид газини ютиб, ҳавони мусаффо қилиб беради. Ҳозирги вақтда шаҳарнинг турли қисмларида умумий майдони 30 гектаргача бўлган бир қанча оромгоҳ ва хиёбонлар мавжуд. Лекин аҳоли жон бошига тақсимланса 2—2,5 квадрат метрни ташкил қилади, холос.

Шаҳар ҳавосининг мусаффо бўлишида сувнинг аҳамияти каттадир. Чунки сув мўл жойда боғлар кўпаяди, ҳаво салқин бўлади, натижада чанг-тўзон кўтарилмайди.

Шаҳримизнинг гўзаллигини оширган, унинг ҳавосини юмшатган омиллардан бири, шаҳар бўйлаб оқиб ўтган Шавдар, Сиёб, Чашма, Обираҳмат, Обимашад, Хўжаарик, Жарарик, Дамариклардир. Улар ёқасига экилган дарахтлар шаҳарнинг кўркига кўрк қўшган, салқини ёзнинг жазирама иссиғида одамларга малҳамдек таъсир қилган.

Ҳозирги кунда ўша ариқлар ачинарли аҳволда. Уларнинг айримлари тагига цементланиб, ҳар хил чиқиндилар билан тўлган, ариқ ёқасидаги дарахтлар қурий бошлаган. Баъзи ариқлар канализация воситасига айланиб қолгани кишини ачинтиради.

Масалан, Обимашад ариғи ёқасида жойлашган Самарқанд кўн заводи ариқдан суткасига 3600 куб метр сув олади ва унинг уч минг куб метрини ифлослантириб чиқариб юборади. Шу тариқа Обимашад водород сульфид ва аммиак бирикмаларига тўйиниб бормоқда. Боз устига шу ариқ ёқасидаги машина ювиш станцияларининг оқаваси ҳам қўшилади. Ҳозирги вақтда Обимашад сувида чўмилиш ҳам хавфли бўлиб қолган.

Шаҳар ҳавосини мусаффо тутиш учун аҳоли орасида, корхоналарнинг раҳбарлари ва мутасаддилари орасида, мактабда кенг кўламда тарғибот ишлари олиб бориш, ҳаво ва сув ифлосланишининг инсон саломатлиги учун нақадар хавфли эканлигини тушунтириш лозим. Умуман шаҳар ва область табиатни муҳофаза қилиш бўлиmlари ишини фаоллаштириш керак. Яна муҳим вазифалардан бири — аҳолини атроф муҳитни кўз қорачиғидек асраш руҳида тарбиялаш.

Тошпўлат ЖУМАОБОВ,
география фанлари номзоди,
Самарқанд давлат университетининг доценти.

йил мобайнида суғориш иншоотининг 33,9 километрлик масофасида шу аллозда 79 та катта-катта ўпирилишлар бўлган. Оқибатда канал қирғоқларининг талайгина қисми бузилиб кетган. Буни бартараф қилиш учун каттагина маблағ сарфлашга тўғри келди.

Ўзбекистон ҳамда қўшни республикаларда барпо этилган деярли ҳамма, хоҳ қадимги (Бўзсув, Зах, Даргом ва ҳоказо), хоҳ бизнинг давримиздаги (Киров номли, Жанубий Мирзачўл, Нарпай, Катта Фарғона, Аму-Қоракўл, Аму-Бухоро, Паркент, Катта Наманган ва бошқалар) каналларнинг соҳиллари ва сув омборлари (Чорвоқ, Чордара, Туябўғиз, Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Куйимзор, Қайроққум ва ҳоказо) атрофларида ўпқон ҳосил бўлиш жараёни ҳар хил миқёс ва тезликда ривожланмоқда. Чунки ана шу канал ва сув омборлари қурилган жойларнинг замини соз тупроқдан тузилган. Бу ерларда ўпқонларнинг тезкор ривожланишига асосий сабаб суғориш иншоотлари атрофида турли ташкилотлар томонидан барпо этилган дам олиш зоналарида оқар сувдан режасиз фойдаланиш, шунингдек экин майдонларини бебилиска суғоришдир. Ўпқон вужудга келиши учун ҳамма омиллар мавжуд ерларда (дарё террасаларида, канал ва сув омборлари атрофида) суғоришдан ортган сув тўғри келган томонга оқизиб юборилмаётгани, бу табиатнинг ғорат бўлиши учун айни муддаодир. Бундан ташқари, сув омборларининг сатҳи йил мобайнида 18—20 метрдан то 60—90 метргача ўзгариб туради: ёз кунлари суғоришга сув жадал сарфланганда, сув сатҳи пасайиб кетади. Бу ҳам, ўз навбатида, сув омборлари атрофида ўпқонларнинг ҳосил бўлишига

олиб келади. Масалан, Оҳангарон водийсида барпо этилган Туябўғиз сув омбори сув сатҳининг ҳар йили ўзгариб туриши ва шу ерда яшайдиган аҳолининг оқар сувдан бартариб фойдаланиши натижасида ўнг соҳилида эми 0,5—1,0 метрдан то 5—8 метргача, чуқурлиги 1—2 метрли кўплаб ўпқонлар ҳосил бўлган, бинобарин деҳқончиликда фойдаланилаётган анчагина ерлар яроқсиз ҳолга келган.

Табиатнинг бундай офати экинзорларга зиён етказмаслиги учун нима қилиш керак?

Аввало, ўпқон вужудга келиши ва ривожланиши учун қулай шароит мавжуд ерларда, яъни дарё террасалари поғоналарида, канал ва сув омборлари қирғоқларида 150—200 метр кенгликдаги майдонларда қурилиш ишлари олиб бормаслик керак. Бу ерларда спорт майдончалари, дам олиш зоналари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, экинзорларни суғоришдан ортган сувни оқизиб юбориш учун нов қувур ётқизиб ёки махсус ариқ қазиб, ости цементланиши, хуллас сув ўтмаслик чораларини кўриш керак. Бунақада ҳам сув тежалади, ҳам ўпқон ҳосил бўлишининг олди олинади.

Қолаверса, дарё террасалари поғоналарини сунъий равишда нишоблантириш ва дов-дарахт экиш зарур. Бу ўпқон ривожланишининг олдини олишда ёрдам беради, айни вақтда нишобланган ерлардан экин майдонлари сифатида фойдаланиш мумкин.

Мурод МАМАТҚУЛОВ,
география фанлари доктори,
ТошДУ профессори.

«ҲОЗИР СЕН ДУНЁГА

ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ

ШАХС, ЖАМИЯТ ва ҚАЙТА ҚУРИШ мавзудаги бугунги суҳбатда шахс, унинг жамиятдаги ўрни, вазифалари, ўзбек киши — шахснинг маънавий, ижтимоий-социал жиҳатлардан камолотга эришувига нималар тўсқинлик қилаётгани ва уларни қандай бартараф этиш мумкинлиги, ҳозирги қайта қуриш жараёнида шахс фаоллигини ошириш зарурлиги ва бошқа муаммолар ҳақида турли фикр ва мулоҳазалар айтилган. Суҳбатда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти

лауреати, таниқли шоира Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА, Тошкент Давлат университетининг доценти, фалсафа фанлари номзоди Бахтиёр Тўраев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисод институтининг етакчи илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди Ирисев ИВАТОВ қатнашадилар. Суҳбат мутасаддис — журналнинг ижтимоий фанлар бўлими муҳаррири Саидмурод Хўжаев. Журналхонларимиздан бу суҳбат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини юборишларини сўраймиз.

С. Хўжаев: Бугунги кунимиз ҳақида сўз юритар эканмиз «қайта қуриш», «ошкоралик», «демократия» каби кенг маъноли тушунчаларни санаб ўтиш расм бўлганлигини матбуот саҳифаларида кузатиш мумкин. Бу тушунчалар ҳали қоғозда ҳам, амалда ҳам тасарруфда бўлмаган бир пайтда, яъни бундан бир неча йил муқаддам сеvimли шоиримиз Муҳаммад Солиҳ «Саҳарда» номли шеърда шундай сатрларни битган эди:

Фалак виждон каби тозадир шу пайт,
Шоир ҳаёлидай кенгаймиш олам —
Ҳозир сен дунёга бор гапингни айт,
Сўзла, юрагингни очиб лангу ланг.
Гапир, дунё сенга қилгай эътибор,
У холис, шу дамда, одил шоҳ янглиг —
Ҳозир бир лаҳзалик марҳамати бор,
Ҳозир шафқати бор унинг бир тонглик.

Мана, «Шахс ким?» деган, суҳбатимиз дебочасида пайдо бўлган дастлабки саволга жавоб. «Дунёга бор гапини» сўзлай биладиган одам — шахс. Эл-юртнинг қайғусини ариладиган, юкини енгил қиладиган, жамият, халқ олдида турган ҳаёт-мамонт муаммоларни ҳал этишда керак бўлса жонини ҳам берадиган киши — шахс.

Б. Тўраев: Дарҳақиқат, шундай. Шахс — ижтимоий муносабатлар мажмуасидир, деган марксча таърифнинг замирига разм солсак, жамиятдаги муносабатларда қатнашмайдиган, ундан ташқарида турган киши шахс бўла олмайди, деган фикрга келамиз. Шахсни жамият вояга етказди, чунки жамиятдаги тартиб-қоидалар, жамиятнинг орзу-умидлари инсон маънавий дунёсининг шаклланишига, унинг ахлоқий, ҳуқуқий ва дунёқараш нуқтаи назаридан тарбияланишига таъсир кўрсатади. Шу туфайли жамиятга хос барча ижобий ва салбий жиҳатлар ҳар бир шахсда у ёки бу даражада ўз аксини топади.

Жамиятдан ажралган ҳолда яшаётган кишилар шу жамиятда яшаётган кишиларга нисбатан ақлий ва маънавий жиҳатдан орқада қолганлиги тарихий мисоллардан маълум. Мен бу ўринда Бобурнинг набираси шоҳ Акбар ўтказган бир тажрибани эслатиб ўтмоқчиман. У турли миллат ва элатларга мансуб бир гуруҳ гўдакларни ота-онасидан ажратиб олиб, алоҳида шароитда боқишни буюради. Бу билан у динга эътиқод ёки тиллашув инсонга азалдан берилганми ёки кейинчалик, оила ва жамиятда тарбия орқали вужудга келадими, деган саволга жавоб излайди. Гўдакларни соқов эналар боқишга киришади. Бир неча йил ўтгач, бу болаларда тил ҳам, тафаккур ҳам, диний эътиқод ҳам шаклланмаганлигининг гувоҳи бўлишади...

Г. НУРУЛЛАЕВА: Қизиқ бир боғланиш: одам савияси кўп жиҳатдан у яшаётган жамиятга боғлиқ. Жамият тараққиёти эса айни пайтда ундаги одамлар савияси билан белгиланади. Демак, жамият ва шахс — бир бутун организм. Бири бирини яратади, бири бирини тўлдиради, бойитади, олға ҳаракатлантиради. Шу маънода «Бир жангчи жанг майдонида аскар эмас» деган гапга унчалик қўшилгим келмайди. Биргина Сталин нималар қилмади. Биргина Брежнев нималар қилмади. Улар бутун партия фаолиятини узоқ йиллар мобайнида белгилаб, йўналтириб турганлигидан эндиликда ҳеч ким кўз юмолмайди. Бутун бошли партиядо яққаҳокимлиқ ҳукм сургани жамиятимизни тангликлар чоҳи ёқасига келтириб қўйганди.

Курашчан, беором, муросасиз кишилар, ШАХСлар қаерда эди, дерлар. Таъқибда, қийновда, сургунда, суд курсисиди... Давлат аппаратининг ҳамма механизмлари — адлия, милиция, хавфсизлик комитети, матбуот назорати ва бошқалар яққаҳокимлиқка хизмат қилди. Зиёлиларининг энг сараларидан бирин-бирин маҳрум бўлаверган халқ дардини ичига ютиб яшади. Адолат ўрнини риё, ҳақиқат ўрнини ёлгон, виждон ўрнини лўттибозликлар эгаллай кетди. Ватанпарварлик таъқибларга учради. Адолатпарварлик бадном этилди. Андишасизлик, маданиятсизлик, ўқувсизлик, худбинлик шоҳсупага кўтарила бошлади. Бузилишга мойил бу йилларни биз биргина сўз билан — ТУРҒУНЛИК ЙИЛЛАРИ деб атадик.

И. ИВАТОВ: Ўтмишга назар ташласак, XIX ва XX асрдаги шахслар, уларнинг жамиятга бўлган муносабати ўртасидаги фарқнинг катталигини кўрамиз. Ўтган асрда яшаган бобокалонимиз билан бизнинг ўртамаздаги фарқ ер билан осмонча. У замонлар билан бугунги кунни қиёслаб бўлмайди. Буни ҳамма билади. Лекин ўтган йиллар мобайнида миллий масалада катта хатоликларга йўл қўйилди. Доҳий В. И. Лениннинг миллий масаладаги кўрсатмалари қўпол равишда бузилди, рус, украин халқидан бошқа халқлар майда миллат вакиллари деб қаралди. Охир-оқибатда аҳвол шу даражага етиб келдики, Ўзбекистонда туғилиб ўсган ўзбек минбарда ўз она тилида сўзласа ёки миллий урф-одатларига амал қилиб, бирон маърака ўтказса, ёки қатнашса, ёхуд ёқлаб чиқса, унга миллатчи деган олдиндан тайёрлаб қўйилган тамға ёпиштирилди. Айрим ҳолларда Ўзбекистон ўзбеклар учун бегона бўлиб қолди. Масалан, олий ўқув юртларида ўзбекларнинг салмоғи ортиқ бўлса, кимлардир буни дарҳол маҳаллийчилик, миллатчилик, қариндош-уруғчиликка олиб бориб тақади. Россиядаги олий ўқув юртларида русларнинг салмоғи ортиқ ва бу табиий ҳол, шундай бўлиши керак. Ўзбекистон ССР бўлган-

БОР ГАПИНГНИ АЙТ»



Бахтиёр ТУРАЕВ.



Гулчехра НУРУЛЛАЕВА.



Ирисвег ИВАТОВ.

дан кейин ўзбеклар ҳам асосан шу ерда ўқимай, қаерда ўқиши керак эди?

Б. ТУРАЕВ: Велосипедни қайта кашф қилиш, деган ибора бор. Жамиятнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган шахсни ҳам вақтда, ҳам фазода чегаралаб қўйиш турғунликка олиб келади. Вақтда чегаралаш — шахсни ўз ўтмишини ўрганишдан маҳрум қилиб, ҳозирги замон билан чеклаб қўйиш, демакдир. Абу Райҳон Беруний ишлаб чиққан ва Ернинг радиусини ўлчашда фойдаланилган тригонометрик усул 600 йилдан сўнг инглиз астрономи В. Снеллиус томонидан триангуляция усули сифатида қайта кашф этилди. Фазода чегаралаш — жамият аъзолари ўртасидаги алоқаларни маълум давлат доирасида чеклаб қўйиш дегани. Бунга қадимги даврда юксак даражада тараққий этган Хитойда, эришган ютуқларини (масалан, ипак етиштиришни) бошқа халқлар ўзлаштириб олмасин деб Буюк Хитой девори билан Чин империясининг чегаралаб қўйилиши, ўрта асрларга келиб Хитойнинг тараққиёти бошқа халқлар тараққиётидан орқада қолишига олиб келганлиги ёрқин мисол бўлади. Мамлакатимизда ҳам ана шундай чегаралар мавжуд эди. Бу социализм тараққиётига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Ҳозирги пайтда ҳам мавжуд бўлган бюрократик аппарат ана шундай «чегаралар»ни яшашнинг устаси. Оқибатда бизнинг жамиятимизда ҳам ШАХСНИНГ ЖАМИЯТДАН БЕГОНАЛАШИШИ рўй берди. Аслида, кишининг ўз меҳнат маҳсулотидан бегоналашиши социализмга хос бўлмаслиги керак. Лекин бюрократизм авж олган воқелигимизда ишчи ўзи яратган бойликнинг, жамият бойликларининг беҳуда соврилишига лоқайд қараш кўпчиликка сир эмас-ку? Бундай бегоналашиш шахсни тарихдан (яъни вақтдан) ва бошқа давлатлардан (яъни фазодан, бу — географик жиҳатдан) чегараланишининг оқибати сифатида у ожиз мурватга, итоаткор ижрочига, буйруқни бажарувчи роботга айланиб қолишига олиб келди. Роботга айланган шахслар тобора ижодий фикр юритишдан маҳрум бўла бошлади, оқибатда, ҳар қандай буйруқни ҳам ўйламасдан адо этаверадиган, ўз хатти-ҳаракатининг оқибатига бефарқ қарайдиган, жиндек масъулиятни ҳам ўз зиммасига олмайдиган кишилар тоифаси пайдо бўлди. Бундай кишиларда ВАТАН, ХАЛҚ ТАҚДИРИ, АВЛОДЛАР ОЛДИДА ЖАВОБГАРЛИК ҳисси яхши ривожланмаган бўлади. Чунки уларнинг манфаатлари жуда тор мақсадларга: шахсий бойлик, обрў-эътибор, амал орттиришгагина йўналтирилган бўлади. Буларга эга бўлишнинг энг тўғри йўли эса, уларнинг назарида, вазифаларни итоаткорлик билан, кам-кўстсиз бажариш. Оқибатда содир бўладиган салбий ҳодисаларга эса улар жавобгар эмас, жавобгарлик ўз эгасини излаб, барча мансаб пиллапоя-

ларидан кўтарилиб тушади, лекин ҳеч бир кишининг зиммасига тушмайди. Бундай тоифадаги шахслар ўз мавқеини, амал ва обрўсини йўқотмаслик учун, халқ ва эртанги куннинг манфаатларига зид бўлса ҳам, буйруқларни «аъло» даражада бажаришга интилади.

Г. НУРУЛЛАЕВА: Шундай манфаатпараст қулларнинг, роботларнинг буйруқни «аъло» даражада бажаргани мана қандай оқибатларга олиб келди.

Оролимиз асл сатҳининг ҳозирда олтимиш фоизи қолган. Қорақалпоқнинг сеvimли ёзувчиси Т. Қаипберганиянинг ёзишича, шу кунларда денгизга тушаётган сувга нисбатан буғланаётган сув миқдори икки баравар кўп. Республикамызда деҳқончилик учун қулай ерлар ҳозир 2 миллион 90 минг гектар. Шу пайтга қадар 2 миллион 200 минг гектар ерга пахта экиб келинган. Боғ-роғлар инқилобга қадар бўлганига нисбатан юз баробар камайиб кетган. Ўзбекистон болалар ўлими жиҳатидан жаҳонда энг олдинги ўринда. Арманистонда табиий офат — zilзила туфайли 55 минг киши ҳалок бўлди, бизда ҳар йили 33000 бола нобуд бўляпти. Йигитларимизнинг 35 фоизи нимжон, жисмоний жиҳатдан ҳарбий хизматга яроқсиз. Бир куб метр тахта 150 сўм турса, бир центнер пахтага 70 сўм тўланади. Иттифоқ бўйича аҳоли жон бошига 60—70 килограммдан гўшт тўғри келса, бизнинг қишлоқларда бу рақам 7—8 килограммни ташкил этади. Республика экологияси муаммолари билан шуғулланаётган жонкуяр ёзувчи Дадахон Нурийнинг шаҳодат беришича, Иттифоқ химия заводларининг 16 фоизи Ўзбекистонда... (Бу рақамлар узоқ йиллар махфий сақланган, ошкоралик туфайлигина юзга чиққан статистик маълумотларнинг атиги бир қисми, холос.) Даҳшат, нақадар даҳшат!

Жамиятнинг бундай турғунлик, хўжасизлик ҳолида узоқ яшаш, табиийки, мумкин эмас эди. Шундай экан, унинг тақдири учун курашадиган чин маънодаги ШАХСлар яна майдонга келди. Бу — давр эҳтиёжи эди. Иттифоқимизда миқёси жиҳатидан инқилобга тенг ҚАЙТА ҚУРИШ бошланди. Унинг шиори — ОШКОРАЛИК. Унинг суянчи — ХАЛҚ.

Баъзан: «Халқ ўзи нима? Қаёққа бошласанг кетаверадиган тўда-да» қабилдаги беандиша сўзларни ҳатто масъул одамлар оғзидан эшитиб, ёқа ушлайман. Бундайларни жамият илмидан беҳабар саводсизлар, деб атагим келади. Улар — жамият иллати, фожиаси.

СССР халқ депутатлиги сайловлар арафасида халқнинг кимлиги айниқса билинди. У ўзига суянч бўла оладиган одамларни сайлашни истарди. Аини пайтда эскича ишлаш услуби қон-қонига сингиб кетганлар ҳам бўш келишмади. Улар ўзларига мақбуллар номзодини қўйишга интилишди. Босмаҳоналарда чиройли ҳарфлар билан

босилган ташвиқот варақалари тарқатилди. Халқ эса ўзи севган номзоди исм-фамилиясини қўлда ёзиб, жамоат жойларига осиб қўйди. «Бизнинг номзодимиз — Муҳаммад Солиҳ» каби қўлёзмалардаги ташвиқот сўзларини Тошкент кўчаларида ўқиб, рост, кўзларимга ёш келди. Халқ ўз ҳақиқий жонкуярларини таниганидан, улар ҳақида бор овоз билан гапира бошлаганидан бахтиёрлик кўнглимни тўлқинлантириб юборди. Надоматлар бўлсинки, халқ севган шоир Евгений Евтушенко каби Муҳаммад Солиҳ ҳам округ сайлов йиғилишида тушириб қолдирилди. Халқ ўзи истаган номзодини сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ахир Муҳаммад Солиҳдай кишилар депутат бўлиб сайланишса, шахс сифатида ёниб турган юракларини жамият ривожига бахшида этадилар-ку!

Улкан ёзувчи Чингиз Айтматов қайта қуриш йилларидаги жамиятимизни эркин қанотли қушга ўхшатади. Қуш қанот қоқади, лекин учолмайди. Негаки, унинг қанотлари озод бўлгани билан оёқлари ҳали турғунлик кишанларида.

И. ИВАТОВ: Мени иқтисодчи сифатида ўзбек халқининг моддий аҳволи ўйлантиради. Сабр-қаноатли бўлиш, мўмин-қобил бўлиш халқимизнинг қон-қонига ўтиб кетган экан. Ерга солинаётган беҳисоб химиявий дорилар туфайли қанчадан-қанча кишиларимизнинг сариқ касаллигига чалинаётгани, қишлоқ жойларда ва ҳатто пойтахтимиз Тошкентда ўзбек оилалари эрта-индин босиб тушай деб турган уйларда яшаётгани (Эски шаҳарда 140 мингдан ортиқ аҳоли шундай шароитда кун кечирмоқда), гўшт, сут, сут маҳсулотларини истеъмол этишда Иттифоқда сўнгги ўринларда туришимиз, картошка каби сабзавот маҳсулотларининг кейинги йилларда аҳоли эҳтиёжини муттасил қондирмаётгани — буларнинг барчаси пахта яккаҳоқимлиги туфайли эмасми? Пахта учун олинаётган ойлик рўзғорнинг бир учини кўтаришга ҳам етмайди, 40—50 сўм атрофидир. Бироқ, Ўзбекистонда ўртача иш ҳақи 170 сўмдан юқори деб айтилади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо кимдир 500 сўм олади, кимдир 50 сўм олади. Албатта, катта ойликни камчилик олади. Шунинг учун ҳам ўртчасини ҳаммага нисбатан ишлатиш нотўғри. Нима, ўртачадан юқори ойлик олаётганлар бундан ортиғини кам олаётганларга бўлишиб бераёптими? Йўқ, албатта. Қишлоқ жойлардаги аҳволни хаспўшлашни мен мана шу «ўртача» сўзининг ишлатилишидан деб биламан. Шу туфайли, ҳамма яхши яшаяпти, муаммолар йўқ, деб қаралади. Шундай шароитда шахс камолоти ҳақида сўз бўлиши мумкинми?

Сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорларидаги нарх-навоининг осмондалигидан ёқа ушлайсиз. Қўл учиди, арзимас пул олган деҳқон рўзғорини қандай қилиб тебратиши керак? Албатта, ёрдамчи хўжалигидан олинанидан даромад ҳисобига-да. Бундай имкониятга қишлоқ аҳлининг ҳаммаси ҳам эга эмас. Остонасида пахта денгизи «тўлқинланиб» турган бўлса, деҳқон ерни қаердан олади? Бозорларимиздаги қимматчилик, маҳсулотларнинг эҳтиёждан камлиги — пахта яккаҳоқимлиги келтираётган иқтисодий зарарни ҳар биримизга кундай равшан қилиб кўрсатиб турган жиҳатлардандир.

Ўзбек халқининг Иттифоқимиздаги бошқа халқларга қараганда анча ночор аҳволда яшашига сабаб пахтага хом ашё сифатида қаралиб, унга жуда оз ҳақ тўланишидандир. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи бизда бутунлай сир сақланади. Агар сир сақланмаса, меҳнатда тобланган, тиниб-тинчимас ўзбек халқини «боқиманда» деб аташмаган бўларди.

Шулар ҳақида ўйларканман, хаёлим узоқларга кетади. Болтиқбўйи республикалари халқларининг Ўзбекистонда яшашини бир зум хаёлан тасаввур қилгим келди... Йўқ, бу ўйларимдан ўзим ҳам кўрқиб кетдим. Улар бизнинг шароитда лоақал бир мавсумга ҳам бардош беролмаган бўларди. Бу — табиий. Қолаверса, турмуш даражаси бизникидан 5—6 баробар юқори. Хўш, яна қандай тенглик ҳақида сўз юритиш керак? Гап шундаки, бу республикалардаги ШАХСлар билан биздаги ШАХСларнинг миллий ғурурияти, маънавий, ҳуқуқий онги ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Соддароқ қилиб айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиш у ёқда турсин, бошимизга ёғила-

ётган «боқиманда», «қарздор» деган тўхмат тошларидан ҳам ўзимизни ҳимоя этолмаяпмиз.

Б. ТУРАЕВ: Ўзбек халқи инқилобдан кейинги 72 йил мобайнида шижоатли меҳнат туфайли бир қатор ютуқларга эришди, бирмунча инқирозни ҳам бошдан кечирмоқда. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқариш шароитида инсон шахсининг фақат ижрочилигига айлан-тириб қўйилгани, маънавий қадриятларни эъзозлай олмаслик, ўтмишидан ажратиб қўйилганлик, ижодий фикр юритувчилар, маданиятни ривожлантиришга интилувчи кишилар билан муросасизлик — инқирозга сабаб бўлган омиллардандир. Бундай фикр юритувчилар ижрочилар билан «қуюшқон»дан чиқиб кетишарди. Ижрочиларнинг наздида ватанпарварлик — миллатчилик, маҳаллийчилик ҳисобланарди; ҳар қандай миллийликдан ташқарида бўлган номиллий қиёфа — интернационалист деб айтилди. Миллийликсиз эса интернационализм бўлиши мумкин эмас. Миллийликдан ажралган интернационализм сохта интернационализмдир.

Бундан ташқари, жамиятда шахс онгининг иккиланиши рўй берди. Бу шундай ҳодисаки, унда шахс турли муносабатларда ўзининг турлича қиёфасини намойиш этади. Аниқроғи, шахс ўзини социал кўрсатмаларга мослашга (гарчи унинг ўзи бу кўрсатмаларнинг хатолигини билиб турса ҳам) интилади. Бундай муносабатда шахс ўзининг мустақил нуқтаи назарини ифода этишдан кўра, ундан қандай нуқтаи назарни талаб қилаётганликларини англашга интилади. Бу шароитда бир инсон онгида гўёки иккита шахс яшаётгандай: бири — расмий муносабатларда, иккинчиси — норасмий муносабатларда қатнашади. Биринчи шахс кўпроқ унинг жамиятдаги мавқеининг ошишига ёрдам беради. Иккинчи, яширинган, фаол ҳаракатдан маҳрум қилинган ҳақиқий шахс эса кўпроқ инсоний муносабатларини бошқаради. Айримларда биринчи шахс иккинчи шахсни тўла енгган бўлади. Бундай одамлар буйруқ ва кўрсатмаларсиз яшай олмайдиган шахслардир. Шахс онгининг иккиланиши жамоатчилик фикрининг сўйсайишига, халқ бирлигининг заифлашуви, кишилар ўртасида ўзаро самимиятнинг йўқолишига олиб келади. Баъзан бирор киши билан дилдан суҳбатлашсангиз, унинг ажойиб фикрларига таҳсин ўқийсиз, шу кишининг мажлисда ёки матбуотда айтган гаплари эса энсангизни қотиради. Кечаги гапининг аксини айтгани ғазабингизни келтиради. Бу айнан шу, шахси иккиланган одамдир.

Ҳуқмрон сиёсат жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаса, ҳақиқий ижтимоий вазият билан қизиқмаса, воқеликдаги объектив вазиятларни ҳисобга олманган ҳолда қарорлар чиқариб, ижро этишга юбораверса, сўз билан ишнинг бирлиги бузилса, бундай шароитда, шубҳасиз, онгининг иккиланиши кучаяди. Иккиланган онга эга бўлган шахсларни бошқариш эса жуда мураккабдир. Бундай одамларни А. П. Чеховнинг «Буқаламун» ҳикояси қаҳрамонига ўхшатиш мумкин.

Г. НУРУЛЛАЕВА: Бир ижодкор сифатида мени фикрлари турғунлик кишанларида бўлган шахслар қийнайди. Улар: «Пахта яккаҳоқимлиги — бизнинг кулфатимиз, ишимиздаги иллат, у худди ўргимчак каби тўрлари билан бутун қишлоқ хўжалигимизни чирмаб олиб, ривожланишига йўл қўймапти» дея минбарларда ошқора сўзлайдилар. Лекин пахта яккаҳоқимлигини йўқотиш борасида бевосита амалий ишларга келганда халқ хўжалигининг қарор топган структурасини, республиканинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ўрнини, интернационал бурчимизни рўқач қиладилар. Гўё пахта майдонларини камайтириб, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ўтиш қисқа муддат ичиди мумкин бўлмаган иш эмиш. Шунинг учун ҳам республикада пахта 1995 йилгача беш миллион тоннадан камаймаслиги шарт экан, демак, яна 6 йилдан кўпроқ вақт аҳвол сира ўзгармас экан-да?

Ажабо, у ҳолда пахта яккаҳоқимлиги бизнинг кулфатимиз, дейишдан қандай маъно бор? Модомики, кулфат бўлган, ундан тезликда қутулиш, пахта миқдорини, олимларимиз айтётганларидай, тўрт миллионга тушириш чораларини излаш ҳам қарз, ҳам фарз эмасми?! Наҳотки, интернационал бурчимиз емирилаётган соғлигимиз, қури-

ётган Оролимиз, заҳарланаётган ҳаво-тупроғимиз, ҳаётдан бевақт кўз юмаётган болажонларимиз ҳисобига бўлса?! Мен бундай интернационализмни тушуна олмайман.

Жамият учун йиллар, асрлар мобайнида ҳуқуқ, бурч мажмуалари ишлаб чиқилади, синовлардан ўтказилади, энг мақбуллари қонунлаштирилади. Турғунлик йилларининг улкан фожиаларидан бири, назаримда, шундай бўлдики, истаган раҳбар истаган қонунни истаганча буза берди, уни ўз қарашларига мослади. Охир-оқибатда ҳатто дахлсиз Конституциямиз моддалари ҳам ҳуқуқларимизни ҳимоя этишга ожизлик қилди. Назаримда, ҳамон ожизлик қилаётгандай. Хусусан, Конституциямизда сўз эркинлиги, митинг-намоёишлар эркинлиги ҳақида махсус модда бор. Амалда эса маҳаллий раҳбарлар томонидан бу ҳуқуқни чеклайдиган кўрсатма-фармойишлар кетма-кет чиқиб турибди. Лоқақал Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг «Ўзбекистон ССР пойтахти — Тошкент шаҳрининг марказий майдон ва кўчаларида оммавий тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармойишини олайлик. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Тошкент шаҳар совети ижроия комитети айрим норасмий гуруҳларнинг... марказий майдон ва кўчаларда турли ижозат берилмаган оммавий тадбир ва йиғилишлар ўтказишга уринаётганликларини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблайди».

Бунга асос сифатида шу йил 19 мартда В. И. Ленин номили майдонда ўзбек тилига давлат мақоми берилишига бағишланган, тартиб сақланган ҳолда ўтказилган кўп минг кишилиқ халқ намоёиши тилга олинади. Мен фармойишни ўқий туриб, Конституцияда битилган ҳуқуқларимни эслайман. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 20-моддасидаги шу сўзларни овоз чиқариб ўқийман: «Ҳар бир инсон тинч йиғилишлар ва уюшмаларда қатнашиш эркинлиги ҳуқуқига эга».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган бу декларацияга СССР ҳам имзо чеккан. Демак, давлат органларимиз унинг сўнгги моддаси — «Ушбу Декларациядаги ҳеч нарса бирон-бир давлатга, шахслар гуруҳига ёки айрим шахсларга мазкур декларацияда баён этилган ҳуқуқлар ва эркинликларни барбод этишга қаратилган бирор-бир фаолият билан шуғулланиш ёки хатти-ҳаракат қилиш учун ҳуқуқ берувчи омил сифатида талқин этилиши мумкин эмас» деган сўзларга қатъиян риоя қилишлари шарт. Йўқса, жамиятда тартиб бўлмайди. Йўқса, турғунлик давом этаверади. Жамият тараққиётини фақат чин маънодаги ШАХС ЭРКИНЛИГИга таъминлайди, ҳолос.

И. ИВАТОВ: Шахс иқтисодий жиҳатдан ҳам эркин бўлиши керак. Ҳар бир республика республика бўлгани учун ҳам мустақил давлат ҳуқуқига эга, шунинг учун республикалараро улғуржи савдонни йўлга қўйиш зарур. Ҳар бир республика билан товарлар айирбошлаш халқаро меҳнат тақсимотига асосланган ҳолда олиб борилиши керак.

Яна бир муаммо, тўғривоғи, муаммолар занжири. Қишлоқдаги ёшларимиз саноатнинг юқори малака талаб қиладиган тармоқларида ишлаш учун тайёрланмаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Пахтадан турли маҳсулотлар олинadиган корхоналарни ўзимизда қуриш ўрнига марказга бўйсунувчи саноат корхоналарининг ҳаддан зиёд бўлиши мақсадга мувофиқмикин? Инқилобимизни онгли пролетариат синфи амалга оширганди, нима учун республикамизда малакали миллий ишчи кадрлар йўқ даражада? Энди четдан ишчи — мутахассисларни оммавий чақириш каби ўзбек халқини таққирловчи ёрдандан воз кечиш вақти келди. Пахта яккахокимлиги сабабларидан бири ҳам шу эмасми? Ўзбекистонимизда қайта қуриш эндигина қулоч ёза бошлаган бугунги кунда шу каби муаммоларни кечиктирмай ҳал этиш пайти келди.

Б. ТЎРАЕВ: Партияимизнинг раҳбари М. С. Горбачев бошлаган қайта қуриш — шахснинг камол топишига, халқларнинг ўз-ўзини англашига қулай шароит яратадиган, инсон тафаккурига эрк берадиган, ижтимоий муносабатларнинг янгича босқичга ўтишига имкон туғдирадиган сиёсатдир. Бу сиёсатнинг муваффақиятли амалга ошиши шахслар фаоллигига, яъни ҲАР БИРИМИЗГА боғлиқ.



ДАВРА СУҲБАТИ

Фаоллик ҳақида икки оғиз сўз. Карл Маркс айтгани: бир одам бошқасига нисбатан кўзгуга қарагандек қарайди. Бошқача айтганда, одам одамдан ибрат олади. Шахснинг шаклланишида бундай муносабат муҳим ўрин тутди. Қизиқ бир мисол. Инглиз фантаст-ёзувчиси Даниэл Кизнинг «Телба Маро» номли ҳикоясининг қаҳрамони Маро ҳақида ким нимани ўйласа, у шу характерга кириб кетаверган. Марони жиноятчи деб ўйлашса, у ҳақиқатан ҳам ашаддий жиноятчига айланар, уни мўмин бир банди, қўй оғзидан чўп олмаган йигит деб ўйлашса, Маро чиндан ҳам беозор, меҳрибон бир кимса бўлиб қолар, унга ишонч билдиришса, у ҳам бошқаларга ишонар, кимки ишонмаса, ҳеч кимга ишонмайдиган одамга айланарди... Асарда шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир жуда яхши тасвирлаб берилган.

Биз шахснинг фаоллиги, бир шахснинг жасорати, ғайратини қўллаб-қувватлашимиз керак, токи элнинг дардини, ташвишларини енгаллатадиганлар кўпайсин. Турғунлик даврида йиғилиб қолган муаммоларимизни ҳал қилиш учун жон куйдирадиган марди майдонлар орамизда кўплаб топилади. Зотан, хаста онамиз — Ўзбекистон ўз фарзандларидан мадад кутади.

Г. НУРУЛЛАЕВА: Она юртим... оппоқ тушларимга кирди. Мен бир ижодкор сифатида ўзбек жамиятининг эртасини шундай тасаввур қиламан: аввало республика раҳбариятини пленум, сессиялар эйлас, бутун республика аҳолисининг ўзи тўғридан-тўғри сайлайдиган бўлади. Пахта яккахокимлиги, Орол, бутуниттифоқ аҳамиятига молик корхоналар каби муаммолар референдумга — умумхалқ муҳокамасига қўйиб ҳал этилади. Ҳамма бойликларимиз ўз тасарруфимизда, республикадаги барча халқлар ихтиёрида бўлади. Иттифоқ бюджетига маълум тўловлар билан ҳисса қўшиб турилади. Бу тўлов миқдори ҳам халқларимиз томонидан белгиланади, айни пайтда мудофаа, дўстлигимиз, бирлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз учун, ялпи илм-фан, маданият, техника тараққиёти учун хизмат қилади. Ўзбекистон келгусида ҳам ҳозиргидай кўп миллатли республика сифатида яшайверади. Ҳар бир миллат ўз тили, илм-фани, маданиятини ривожлантириш имконига эга бўлади. Бундай деярканман, ўз тилида дарс ўтаётган корейсини, ўз рақсини ижро этаётган уйғурни, ўз тилида газета ўқиётган русни, ўз тилида радио тинглаётган тожикни... кўриб турибман. Айни пайтда барча маъмурий-давлат ишлари ўзбек тилида олиб борилади. Йўқса, республикамизнинг номигагина Ўзбекистон деб аталиши кулгили бир ҳолдан бўлак нарса бўлмайди. У — биз учун ягона. Бизнинг бўлак Ўзбекистонимиз йўқки, бу ерда бўлмаса, у ерда яшасак. Айни шу фикр бошқа миллат вакиллари ҳам, бошқа республикаларга ҳам тегишли. Ўзбекистоннинг тупроғини ватан билганлар унинг тилини ҳам ҳурматлашлари лозим. Тилга йўл — дилга йўл демак. Ўзбекнинг дили эса чўлу саҳросидан кенг, қорли тоғларидай юксак, пахтасидай оқ, саратон қуёшидай қизгин. У билан ҳазиллашиб бўлмайди.

С. ХУЖАЕВ: Шундай қилиб, шахснинг жамиятдаги ўрни, вазифалари, камолотимизга тўсқинлик қиладиган муаммолар, уларнинг ечими, бугун ва эртанги кунимиздан нималарни кутаётганимиз ҳақида журналхонлар имкон борича тўлароқ тасаввур ҳосил қилишларига интилдик. Уйлайманки, суҳбатимизда айтилган фикр-мулоҳазаларни ўқиган ҳар бир киши ўзининг кундалиқ ҳаётига бошқатдан назар ташлайди, ҳар бир кишида УЗЛИГИНИ ва ХАЛҚИНИ ТУШУНИШ ЭҲТИЁЖИ уйғонади, эҳтиёж эса кишини фаолиятга, ДАРДЛИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ундайди. Шу маънода, ШАХСлардан мактублар кутамиз. Бугунги давра суҳбатимиз қатнашчиларига эса кўп сонли журналхонлар номидан миннатдорчилик билдирамиз.



КАКТУС

Республикамизнинг турли бурчакларидан «Фан ва турмуш» журналы редакциясига ҳамда ЎзССР ФА Ботаника институтига кўплаб келаётган мактубларда муаллифлар кактус ҳақида маълумотлар беришимизни илтимос қилишган. Айрим мактубларда эса кактус одам ва молларни заҳарлар эмиш, шу тўғрими, деб сўрашган. Бу саволларга жавоб беришни ЎзССР ФА Ботаника институтининг директори, биология фанлари доктори Уктам ПРАТОВдан илтимос қилдик.

КАКТУС шинавандалари кун сайин кўпайиб бормоқда. Айни вақтда республикамизда кактусни кўрмаган, билмайдиган журналхонлар ҳам бор. Бизга кактуснинг иссиқхоналарда, хонадонларда, корхона ва муассасаларда дераза олдида ўстириладиган айрим турларигина маълум. Шу боис кўпчиликини умуман кактус оламига оид маълумотлар қизиқтириши табиий.

Гултувақларда ўсадиган бу ажойиб табиат мўъжизаси ўз ватанида чексиз кактусзорни ташкил этувчи оддий ўсимликлардан ҳисобланади.

Кактуснинг асл ватани Америка материгидир. Бу ўсимликлар кейинчалик қуш ва инсон орқали Ҳиндистон, Африка, Австралия ҳамда Жанубий Европада кенг тарқалди. Айрим кактус турлари Канада ва бошқа мамлакатларнинг энг соvuқ районларида ўсади. Жанубий Америка қитъасида кактусга ниҳоятда бой мамлакат Мексикадир. Бу ерда жуда қадрлангандан ҳатто давлат гербида ҳам ифодаланган.

Баъзи бир ноёб турлари давлат томонидан муҳофаза қилинади. Аргентина кактуси кўплиги жиҳатидан Мексикадан кейинги ўринда туради. Шунингдек, Боливия, Перу, Эквадор, Чили, Бразилия, Уругвай, Парагвай сингари мамлакатларнинг бир қатор районларида ҳам кактус кўп. Сўнгги йилларда Жанубий Американинг ҳатто баланд тоғларида ҳам кактуснинг фанга маълум бўлмаган айрим янги турлари борлиги аниқланди. Умуман эса, ер юзиде кактуснинг тахминан 2500 га қарин тури мавжуд.

Сувсиз жойда ҳаёт ҳам йўқ, дейди халқимиз. Табиатнинг энг оғир шароитида — тупроғи чўғдек қизиган, намлик ҳаддан зиёд камайиб кетган саҳроларга ўзига хос тароват бахш этиб ўсувчи кактусни чинакам паҳлавон деса бўлади. Миллион йиллар давомида кактус ривожланиши учун зарур миқдордаги сувни танасида сақлаб уни жуда тежамкорлик билан сарфлаган. Бу сув уларнинг иссиқ ва сувсиз шароитда узоқ муддат бемалол ўсишига ёрдам берган.

Вақт ўтиши билан кўпгина турдаги кактуснинг ясси барглари сувни кам буғлатиш эҳтиёжидан келиб чиқиб тиканга айланган. Натижада бу вазифани ўсимликнинг танаси бажарадиган бўлган. Шундай қилиб, барг чиқарадиган кактус табиатда жуда кам сақланиб қолган. Буни ажойиб мосланиш, деб аташ мумкин. Ўсимликнинг танасини ҳар томондан ўраб турган тиканли «совут» бир йўла икки вазифани бажаради: биринчидан у танасидаги сувни буғланиб кетишидан сақласа, иккинчидан эса ўтхўр ҳайвонлардан (антилопа ва бизонлардан) омон сақлайди.

Кактуснинг «қадди-қомати» кишини ҳайратда қолдиради. Масалан, Шимоллий Америкада баҳайбат қандилларга ўхшаш, тик ўсувчи бўйи 20 метрдан ошадиган улкан церцуслар, баландлиги 1,5—2 метр келадиган, ҳаддан ташқари йирик тарвузларни эслатувчи, шарсимон ва момик тук билан қопланган ҳар хил шаклдаги кактус турлари шу жумладандир.

Унинг гуллари ранги, шакли ва нафислиги билан дунёдаги энг гўзал гуллар қаторидан ўрин эгаллайди. Кўпчилик кактус гуллари оқшом пайтида очилиб, қоқ тунда юмилади. Кечқурун очилиб, эрталаб юмиладиган тун «маликалари»



ҳам кам эмас. Улар фақат чўлда эмас, Марказий Американинг сернам ўрмонларида баланд дарахтларнинг пўстлоқларига ёпишиб ўсадиган, тикансиз, поялари ясси эпифит деб номланувчи тури ҳам учрайди.

Бу ўсимлик нафосати, жозибadorлиги кишиларни асрлар оша ўзига мафтун этиб келди. Шу сабабли у Америка кашф этилгунга қадар маҳаллий халқлар санъатида ўз ифодасини топди. Бугина эмас, кактус мевасидан дори-дармон ва озик-овқат сифатида ҳам фойдаланилган.

Кактус меваларидан, шунингдек турли ичимлик, мураббо, маринад, жем ёки консервалар ҳам тайёрланади. Биз Ливия мамлакатига бўлганимизда ерли аҳоли кактусдан қандай фойдаланишини ўз кўзимиз билан кўрдик ва меваларидан ўзимиз ҳам истеъмол қилдик. Булардан ташқари, кактусдан қорамол ва паррандалар учун озуқа ва бўёқлар олишда, ҳатто қурилиш материаллари сифатида ҳам фойдаланилади.

Дарвоқе, кактуснинг заҳарли, одам ва ҳайвонот учун хавфли турлари борли, деган саволга «йўқ» деб жавоб бериш қийин. Чунки таркибида маълум миқдорда лофофорин, мескалин, аналонин деган алкалоид сақловчи кактус турлари ҳам мавжуд. Шунинг учун улардан дори-дармон тайёрлашда фойдаланилади. Аризона, Нью-Мексика ва Юта штатларидаги чўлларда ўсадиган паст бўйли кактус бошқаларига қараганда анча заҳарли ҳисобланади.

Маълумки, биз кактусни манзарали ўсимлик сифатида ўстираемиз. Шубҳасиз, кимёвий таркиби бизга аниқ бўлмаган бошқа қитъа ўсимлигининг тиканли танасидан «таиб кўриш» ҳеч кимга тавсия этилмайди. Унинг тикани ҳар қандай бошқа тиканлар сингари кирган жойини оғритади ва ачитади. Бизга ҳурматли журналхонларимиздан келган мактубларда ёзилганидек, «кесилганда танасидан қон оқади» ва «тирик мавжудотни қириб юборадиган» кактус биздагина эмас, ҳатто ўз ватанида ҳам йўқ.

ДОЛЧИН

Пазандачилигимизда турфа зирвордан фойдаланилади. Тадбиркор халқимиз зирворни ўз ўрнида ишлатиб, таомнинг лаззатли ва табиатли бўлишини таъминлайди, шунингдек уларни бир қатор хасталикларни даволашда безарар восита сифатида қўллайди. Шулардан бири — долчин. Унинг шифобахш хусусиятлари қадимдан маълум. Ибн Сино долчининг хосиятларини шундай таърифлайди: «Долчин ниҳоятда латиф, тортувчи ва очувчидир. Ҳар қандай сасишни, ҳар бир бузувчи қувватни ва бузуқ хиллардан пайдо бўлган ҳар бир зардобни тузатади... Сепкил ва яскиқсимон қора догга сирка билан қўшиб, сутли тошмаларга суртлади... Темираткилар ва яраларга ишлатилади... Долчин ёғи қалтироқ касалида ажибдур... Тумовга фойда қилади... Мияни рутубатлардан соғиш билан тозалайди. Долчин қулоқ оғригини босадиган ва унинг дорилари таркибига кирадиган нарсалардандир.



Буни ейиш, суртма қилиш кўзга тушган пардага ва кўз қоронгилашишига фойда қилади. Кўздан қуюқ рутубатни кетказди... Йўталга фойда қилади. Жигар тикилмаларини очади, жигар ва меъдани кучли қилади. Истиксога фойда беради...».

Ҳозирда долчин озиқ-овқат саноатида зирavor сифатида кенг кўламда қўлланади, турфа таом тайёрлашда фойдаланилади, меваси суюқ овқатларга қўшилади. Шунингдек, долчин турли ширинликларга, сардак, сузма ва маринадга ишлатилади.

Бўйи 10 метрга етадиган долчин дарахти барглари ялтироқ, тухумсимон, четлари текис, пўстлоқлари қорамтир-заңгсимон. Гули майда, нуқра-ранг ёки заъфарон-яшил рангда бўлиб, рўваксимон тўпгул ташкил қилади. Меваси резавор данакли.

Долчиннинг ватани Жанубий Хитой ҳисобланса-да, ҳозирда у Ява, Суматра оролларида, Вьетнам, Бирма, Шри Ланка ва яна бир қатор Жанубий Осиё мамлакатларида етиштирилади. Долчин номи билан юритиладиган зирavor ёш дарахтнинг пўстлогини ажратиб олиб, қуритиб тайёрланади.

Дарахтнинг оч жигаранг тусли юпка пўстлоқлари таркибиде 75—90 процент долчин альдегиди, қанд, маннит, 2—3 процент ошловчи, эфир мойи ва бошқа моддалар бор.

Долчин доришуносликда айрим дори-ларга яхши маза беришда фойдаланиш билан бирга, иштаҳа уйғотувчи хнна тиндирмаси таркибига қўшилади. Ундан ўпа-элик саноатда ҳам фойдаланилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

ОЛМА—ДАРМОН

МАШҲУР адиб Садриддин Айний ҳар оқшом уйқуга кетишдан аввал, тонгда эса уйғонган заҳоти биттадан олма ер экан... Дастурхоннинг зийнати, кишига лаззат инъом этувчи олманинг ер юзида 50 дан ортиқ нави бор. Туриннинг кўплиги жиҳатидан у СССРда биринчи, Хитойда иккинчи, АҚШда учинчи ўринда туради. Олма дарахти 500 йилгача яшайди. Айни ҳосилга кирган ёшида 500 килограммгача мева беради. Хушбўйлиги, ўзига хос мазаси ва нафис ранги билан борлиқча чирой бағишлайди. Хушхўр мева бўлиши билан бирга, талайгина хасталикларни даволашда ҳам қўлланади.

Олма азалдан турли касалликларга даво сифатида ишлатиб келинган. Шарқ табобатининг буюк алломаси Абу Али ибн Синонинг олма борасидаги таърифи фикримизнинг ёрқин далилидир: «Олма юракни қувватли ва хурсанд қилишда катта хусусиятга эга. Хушбўй ва ширин. Олма дори бўлиши билан бир вақтда озиқ ҳамдир. Шунинг учун руҳни озиқлантириш ва мўътадил қилиши орқали ҳам фойда беради ва хосияти билан қувват ато этади».

Табиатда оз бўлса-да, бемаза олма ҳам учраб туради, унинг инсон организм учун фойдаси кам. Ширин олма эса серсув бўлади. Унинг барги ва сиқиб олинган суви бошланаётган иссиқ шишлар ва тошмаларга, жумладан учуққа фойда қилади. Барги ва пўстлогининг ичидаги пардаси ярани битиради. У заифлашган меъдани қувватлантиради.

Хамирнинг ичида пиширилган олма иштаҳани яхшилайди, киши танасидаги зарарли иллатларни йўқотади. Шунингдек, у камқонликка, дармондори камчиллигига ажойиб малҳам ҳамдир. Хўш, нега шундай? Чунки олма таркибиде органик кислоталар, ошловчи моддалар, ҳаёт учун зарур бўлган дармондорилар — С, В₁, В₂, РР, фосфат кислотаси, темир, калий, мис, кобальт каби моддалар мавжуд.

Юрак-томир, қон, жигар, ошқозон хасталикларига чалинган беморларга олма малҳами яхши омил. Буни тайёрлаш учун 4 дона олма, бир дона тухум оқи, бир ош қошиғида шакар олинад. Олманинг мағзи эзилтириб пиширилгач, тухумнинг оқи кўпчителиб қўшилади ва аста-секин истеъмол қилинади.

Олма юрак-томир касалликлари учун ҳам шифобахш, зотан, унинг таркибиде томир деворларининг ўтказувчанлигини бошқарувчи калий ва р-актив моддалар кўплаб миқдорда мавжуд. Юрак шишганда 600—1000 грамм олма ва 300—500 грамм творогдан иборат парҳез белгиланади. Шиш кучли бўлганда эса парҳез 3—5 кунга тайинланади. Шамоллаш касалликларининг олдини олишда ҳам олма фойдали экан. Мичиган (АҚШ) университетининг 500 нафар студенти кунига 2—3 тадан олма еб юрганида улар орасида касалланиш уч марта камайди.

Қарангки, олманинг ҳатто пўстлоғи ҳам фойдали экан. У куйган терига қўйилса, ўрнида доғ қолмайди. Илдизи эса қанд касаллигига даво. Қадимги юнонлар олмани ёшлик қуввати дейишган. Ҳозирги медицинада аниқланишича эса олма парижонхотирликка қарши ажойиб дори ҳам экан. Француз кардиологлари буни исботлаш учун бир қанча тажриба ўтказишди. Врачлар турли хил ҳайвонларга кўплаб миқдорда олма бериб, уларнинг қонидаги холестерин миқдорини текширишган. Шундан кейин кузатувлар 90 нафар кишида ўтказилди, улар ҳар куни 300 грамм миқдориде олма еб боришгач, парижонхотирлик дардидан буткул фориғ бўлишди.

Олмани кўп истеъмол қилиш мумкинми, деган савол туғилиши табиий. Йўқ, чунки бу мевани, айниқса, эртагисини кўп ейиш асаб системасида оғриқлар туғдиради. Демак, олмани ҳам меъёрида истеъмол қилиш керак. Мунтазам равишда, оз-оздан еб юрилса, у кишига куч-қувват бағишлайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ
доришунос.

НАФСНИ АЛДАШ

Шимолий Каролина штати (АҚШ) университетининг биолог олими Шифман семизликни йўқоттиш учун «ҳаво» ютиб курашиш усулини тавсия қилади. Унинг фикрича шоколад, пирожиний ёки дудланган гўшт мазасини ва барча тансиқ таомлар мазасини бера оладиган хушбўй аэрозол билан қаноатланган маъқул. Чунки аэрозол пуркагичдан бир неча маротаба тилга сепилса, киши худди хушхўр овқат егандек бўладию, лекин организм бир калория ҳам озиқ ололмайди.



ЧАНГЮТГИЧ ТУФЛИ

Ихтирочи И. Пятницкий уйда кийиладиган оддий туфлининг чангютгичга айлантирди. Бунинг учун туфли тагчарми тешилиб, патак ва тагчарм оралигига мўйнадан қилинган пружинали оралиғида ҳосил бўлган бўшлиқ ичидаги ҳаво чангни ўзига тортиб олади. Оёқ қўйилганда эса чангли ҳаво филтрлаш ва чангни йиғиш учун хизмат қилувчи туфлининг пошнаси томон боради.



ДЕНГИЗДАГИ МЕҲМОНХОНА

Сингапур жуда ҳашаматли ва тўқни шаҳар. У ерда ҳамма нарса етарли, лекин орол майдонини кенгайтиришнинг имкони йўқ. Чунки атрофини чуқур денгиз ўраб олган. Бу шаҳарга янги меҳмонхона қуриш зарур бўлиб қолганда лойиҳачилар денгизда сузувчи бино макетини таклиф этишди. Ҳозир жуда соз жиҳозланган 200 ўринли, етти қаватли меҳмонхона Сингапур портида лангар ташлаб турибди.

«ТИЛ БИЛАН ЭЛ-ЖОН ИЛА ТАН»

ЖУРНАЛХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

«Фан ва турмуш»нинг 3-сонидан кейин ёзмасам бўлмайди. 1966 йилдан буён журнални сонма-сон тўплайман. 70-йилларнинг охири — 80-йилларнинг бошларида журнал сиёсий тарғибот-ташвиқот нашрига айланиб кетишига сал қолган эди, умуман, бу ҳам бўлиши керак, фақат — меъёрида. Шукурки, журнал ўз йўлини ниҳоят топиб олди. Қани эди, ҳамма сонлари мартдаги каби бўлса! Ҳар бир варағини катта қизиқиш билан ўқидим. Минг раҳмат!

А. Иброҳимовнинг «Тил билан эл — жон ила тан» мақоласида халқимизнинг дилидаги гаплар айтилибди. Ўзбек тилининг ҳозирги аҳволи ва келажаги халқимизни ўйлан-тирмоқда, баҳс ва мунозараларда ғоятда кўпчиликнинг фикри битта — ўзбек тили давлат тили бўлиши керак. Шахсан мен рус, инглиз, немис тилларини биламан, қирғиз ва қозоқчани эплайман, араб тилини ўрганмоқчиман, лекин ўз она тилим — ўзбек тилим менинг жоним билан чиқарилади!

20- ва 30-йиллар фожияларидан тўғри хулоса чиқарилмай, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолсин, қабилда иш тутилса, ундан ёмони йўқ. Уйлайманки, халқларимизга ваъзхонликнинг кераги йўқ, яъни иккитиллилик ва кўпттиллик бизда минг йиллардан бери мавжуд, араб, форс ва туркий тиллар илгари ўзаро муомалада ишлатилган. Туркистон халқлари бирга яшаб, бир-бири билан қуда-анда бўлиб келган. Эндиги вазият Урта Осиёдаги ҳар бир республика ўз тилини давлат тили деб эълон қилишни тақозо этмоқда.

Тилларнинг яхши ёки ёмони бўлмайди, билсангиз — осон, билмасангиз — қийин. Араб ёзувидаги эски ўзбек тили қийин деб, йўқ қилинган маданий ваҳшийликдир. Араб тилига қизиқанларни эса диндор деб, «Қуръон»ни ўқиш учун ҳаракат қилаётганлар деб тушунувчилар калтафаҳм одамлардир. Ахир, бу тил ва эски ёзувимизда тарихимиз яшириниб ётибди! Рус тили — дўстлар тили. Нима, арман, грузин ёки эстон билан японча гаплашармидик, албатта рус тилида муомала қиламиз-да. Бунга шак-шубҳа йўқ. Лекин она тилсиз тафаккур эркинлиги бўлмайди, тафаккур эркинлигисиз эса халқимиз турғунлик ботқоғидан чиқа олмайди.

Бобур ҲАМРОҚУЛОВ,
Андижон район, Й. Охунбобоев номли совхоз.

ЎЗБЕК ЖАРОҲАТЛАРИ

Чор атроф шармандалиг-у жиноятга тўлиқ муҳитда ҳис қилмай, кўрмай яшаш энгиллик бахш этади.

МИКЕЛАНЖЕЛО.

Ҳурматли редакция! А. Иброҳимовнинг мақоласини, тўғриси, кўзда ёш билан ўқидим. Сўнгги пайтларда «Ўзбекистон» сўзини эшитишим билан аъзои баданимда оғриқ туради — Ўзбекистоним оғир жароҳатланган муштипардек гавдаланади кўз ўнгимда. Митти юрагим унинг жароҳатларига дош беролмайдигандек туюлади, ўзим эса тобора кичрайиб бораётгандекман...

Биз шу пайтгача оғизда «Ўзбекистон — тенг ҳуқуқли, суверен давлат» деб мақтаниб келдик. Амалда эса «ўз тақдирини ўзи белгилайдиган» халқнинг Ороли қурий бошлади, ери заҳарланиб бўлди. Еяётган овқати, ичаётган суви, ҳавоси оғуға тўлди. Остонасигача пахта экилди. Боши узра йиллаб заҳар-зақум ёғдирилди. Армонларини занг бос-

ди, бола-чақаси касалга чалинди. Мени қийноққа солаётган нарса — уни жароҳатлаганлар, бунга йўл қўйиб берганлар ўзимиз.

Абдулла Қаҳҳор «Тил ҳақида нутқ»ида шундай ёзганди: «Ўзбек тили бари бир йўқолиб кетади, Конституциядан ўзбек тили — давлат тили деган гапни чиқариб ташлаш керак», деган товушлар совет кишиларининг товуши эмас, империализмнинг шалтоқ пропагандасига озиқ берадиган ифвогарларнинг товушидир». Биз бугун тилимиз қаддини тикламасак, унга ўз қонуний ҳуқуқини қайтармасак, ўтмишимизни ўрганмасак, миллий маданиятимизни тикламасак, қандай қилиб камол топамиз эртага?

Гулнора АБДУРАҲИМОВА,
ТошДУ журналистика факультетининг
5-курс талабаси.

Мақолани жуда мамнуният билан ўқидим. Тилимизга давлат тили мақоми берилиши зарур. Мен оддий бир ишчи сифатида Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг фикрларини қўллаб-қувватлайман ва у кишига ҳамкасбларим номидан миннатдорчилик билдираман.

Умида МАВЛОНОВА,
Тошкент шаҳар, Сағбон кўча,
Ҳуррият проезде, 76-уй.

БОШҚАЛАРГА НОҚУЛАЙ БЎЛМАЙДИ

Менинг миллатим тожик бўлса-да, ўзбек тилини жуда яхши ўзлаштириб олганман ва 3 ўғлим ўзбек тилида ўқимокда. А. Иброҳимовнинг мақоласидаги мулоҳаза ва таклифлар ўзбек халқи тилини тараққий эттиришга катта ҳисса қўшади. Кейинги 20—30 йил ичида Урта Осиё халқларининг тили камбағаллашиб, нурсизланиб кетаяпти. Шу ҳолда кетсак, яқин 25—30 йил ичида тилларимиздан ажраб қолмасак, деган хавотирдаман. Авваламбор зиёлилар, масъул шахслар, амалдорлар лавозимларидан ажралишдан қўрқмай, аксинча миллатининг йўқолиб бораётган сўзларини ўйлаб кўрқишса бўларди. Бундай аҳволда ўзгариш бўлмайди, пахта экиб, чопиқ қилиб, териб, заҳарланиб, касалманд бўлиб юраверамиз. Шунинг учун ўзбек тилига давлат мақоми берилишини сўрайман. Бу ҳол менинг миллатим ёки республикамиздаги бошқа миллатлар учун ноқулай шароитни юзга келтирмайди. Ишончим комилки, шунда ҳаммаси яхши бўлади. Ўзбек тилини эъзозлаб, келажак авлодларга софлигича етказиб, фахрлансак бўлади.

Ҳамро ТОШПУЛАТОВ,
Фориш районидаги уй-жойлардан
фойдаланиш бошқармаси устаси.

ХАТОЛАРНИ ТЎҒРИЛАЙЛИК

Биз журналнинг ихлосманд муштарийлариданмиз. Тил ҳақидаги мақоладан жуда мутаассир бўлдик. Жамиятимиз сталинизм таъсиридан катта маънавий талафот кўрди. Чор Россияси Туркистонни босиб олиб, бу ўлкадаги миллатларга қуллик занжирини кийдиргани каби С талин ҳам Ленин берган демократияни оёқ ости қилиб, халқларимизни қуллик асоратига солди. Бугунги қайта қуриш ва ошқоралик замонасида илгари йўл қўйилган хатоларни тўғрилайлик, ўзбек тилида иш юритишни бошламоғимиз керак. Ўзбекистонга келган одам, албатта, Ўзбекистондалигини ҳис қилиши керак. Масалан, телевидение ва радио программаларини тузишда бунга ҳисобга олиш зарур, эшиттиришлар эрталаб анъанавий карнай-сурнай ва ногора наволари билан бошлансин. Ўзбекистон гимнидаги сўзларни кўриб чиқиш зарур. Бу каби хатоларни тезда тўғри-

лайлик. Шунингдек, мактаб ислоҳотини давом эттирар эканмиз, шарқона ахлоқ-одоб дарсларини шу йилнинг сентябрь ойидан ўта бошлашни таклиф этамиз.

Андижон марказий универмаги
директори ўринбосари Дадахон АЛИХОНОВ,
радиотоварлар бўлими
сотувчиси Неймат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
ҳўжалик моллари бўлими мудирин Абдурахмон РАСУЛОВ.

ТАКЛИФИМ

Мақолани ўқиб хурсанд бўлдик. Мен бир таклиф айтмоқчиман. Муаллиф Грузия ССР Министрлар Совети ҳузурида фаолият кўрсатувчи грузин тилини равнақ эттириш комиссияси борлиги, шундай комиссияни ўзимизда тузиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ёзибди. Бу жуда яхши фикр, мен унга қўшиламан. Бироқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида бунга ташкил этилишига, очиги, ишонмайман. Яхшики, ихтиёрий равишда бир ташкилот тузиш керак, токи бу ташкилот ўзбек тилини тараққий эттириш муаммолари билан бир қаторда қоғозбозлар, бюрократлар, шароитни ҳисобга олмай буйруқ қиладиган министрлар ва бошқа-бошқа масалаларни бир бошдан ечса.

Ҳурмат билан, Гиждувон район К. Маркс
номли колхознинг 9-бригада аъзоси Р. САМАНДАРОВ.

ТИЛ ТЕНГСИЗЛИГИ ТУГАТИЛСИН

Ўзбек халқининг овози ва истаги — мақолада қўйилган муаммода акс этган. Иш жойида, жамоат жойида тил тенгсизлиги яққол кўриниб турибди. Ўзим меҳнат қилаётган ёғочсозлик заводидаги мажлисларни олсак, завод ишчи ва хизматчиларининг 90 фоизи ўзбеклар бўлса ҳам, мажлис рус тилида олиб борилади, ҳайъат аъзоларидан ўзбекча гапираверайми, деб сўраймиз. Ўзбеклар мажлисда бир ўзбек иккинчи ўзбекдан руҳсат сўраса, нима дейиш мумкин энди? Тилимизга давлат мақоми берилиши тил тенгсизликларини тугатади.

М. ҲОШИМОВ,
Марғилон шаҳри, Новоферганский кўчаси, 91-уй.

ХОЛИСОНА ҲАЛ ЭТИЛСА

Республикамизда ўзбек тили давлат тили бўлмаса, уни республика деб аташга ҳожат қоладими? Ўз она тилимизда институтларда таълим олсак, диссертациялар ёзсак, «Ўзбекфильм»да ўзбекча фильмлар яратилса, болаларимиз ўз она тилида мультфильм томоша қилса, буларнинг нимаси ёмон! А. Иброҳимов тўғри ёзган буларни.

Иккинчи масала. Республикаимиз ўз харажатларини қоплай олмайётган эмиш, деган гапларни эшитаман. Агар шундай бўлса, пахтаимиз, пиллаимиз, тиллаимиз, газимиз, қоракўлимиз, маъданларимиз ва бошқалар давлат валюта фондига қанча фойда келтираётганини билишни истардим. Пахта деб табиат ва жамиятимизга катта зиён етди. Бунга ҳеч қанча пул билан тузатиб бўлмайди. Эшитишимча, Қувайт деган араб давлати чет элларга фақат нефть маҳсулотларини сотишдан жуда бойиб кетган. Ўз халқи ҳар томонлама таъминланган! Бу ерда изоҳга ҳожат йўқ. Уйлайманки, республикамиз раҳбарлари тез орада бу номаъқул чигалликларни холисона ҳал қиладилар.

Қурувчи Субҳон УСМОНОВ,
ёшим 45 да, Бухоро шаҳрида яшайман.

БОЙ ТИЛИМИЗ

Мен тил ва адабиётдан дарс берувчи ўқитувчи ўртоқларим билан ўзбек тили бойлиги, нафосати, гўзаллиги ҳақида тез-тез баҳслашиб тураман. Дарҳақиқат, нақадар бой тилимиз бор. Мен олий маълумотли эмасман, тилчи ҳам эмасман. Лекин журналда тил ҳақида берилган мақолани ўқиб жуда таъсирландим. Мана, қўшни республика-

ХАТЛАРДАН САТРАП



ларда ҳам ўз тилларига давлат тили бериш кун тартибиде турибди. Бизнинг ўзбек тилимиз республикада давлат тили деб қабул қилиниши шарт.

Фарҳод ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон АССР, Беруний шаҳри,
Бердақ кўчаси, 12-уй.

ЭЛГА ҲУРМАТ

Менинг рус дўстларим бор — Сергей Королёв, Иван Матвеев, Владимир Волков, бу ўртоқлар ўзбек тилини шундай яхши билдиларки, қойил қоламан. Улар соф фарғонача шевада гаплаша оладилар. Мисол учун Королёв мен билан ҳар кўришганда: «Ака, бизди эшикка ҳам тушинг, доғ сув қилиб бераман» (яъни, чой қайнатиб бераман) дейди.

Менинг ўзим ҳам рус тилини жуда яхши биламан. Лекин ўғил-қизларим, невараларим билан соф ўзбек тилида гаплашаман.

Қарс икки қўлдан чиқади. Биз ҳурмат қилиб рус тилини ўрганган эканмиз, бунга жавобан рус ўртоқлар ҳам тилимизга иззат-икром кўрсатишди. Шундай бўлиши керак аслида. Ўзбек тили эса аллақачон давлат тили бўлиши зарур. Бу нарса мақолада яхши ёзилган.

Гулистонлик Д. ҚОСИМОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси,
II группа уруш инвалиди.


Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг ушбу мақоласида ўзбек тилига давлат мақоми бериш зарурияти ҳар жиҳатдан асосланган. Муаллиф ўз фикрини илмий далиллар ва мисоллар билан тасдиқлайди, ҳақиқий аҳволни кўз ўнгимизда яққол намоён этади. Шуниси қувонарлики, бу каби мақолалар матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Умуман, ўзбек тилига давлат мақоми бериш масаласи ижобий ҳал этилади, деб ишонаман. Энди, тил ҳақидаги қонун ва «Тил» комплекс программасини ишлаб чиқишдек мураккаб масалалар ечимини кутмоқда. Севимли журналимиз — «Фан ва турмуш»да ана шундай, халқ кўнглидаги гаплар ифодаланган мақолалар кўпроқ берилишини бир журналхон сифатида сўрайман.

Азим ҲОЖИЕВ, филология фанлари доктори,
ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институтининг
директор ўринбосари.

РЕДАКЦИЯДАН: Таниқли драматург ва публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимов журналимизнинг шу йил март ойи сониде «Тил билан эл — жон ила тан» номли мақоласини эълон қилгач, кўп ўтмай редакцияга мактублар ёғилиб кела бошлади. Сиз, азиз журналхонлар, юқориде ана шу мақола хусусида келган айрим мактублардаги фикр-мулоҳазалар билан танишдингиз. Мақола жуда кучли қизиқиш уйғотгани мактублар мазмунидан ҳам сезилиб турибди. Ҳар бир мактубда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши зарурлиги ўқдирилган. Тил ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар ҳақида мулоҳаза ҳамда таклифлар ҳам мактубларда ўз ниҳикосини топган.

Журналхон Р. Самандарова шуни маълум қиламизки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг тил муаммоларини ўрганиш бўйича ишчи группаси республикамизда ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Билдирилган фикрлар асосида тегишли қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Қисқаси, жумҳуриятимизда тилимиз мавқенини ошириш ва ривожлантиришга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Мухтарам журналхонларни ўзбек тили муаммоларига бағишлаб эълон қилинаётган мақолалар муҳокамасида бундан ҳам фаол бўлишга чақирамиз.

ЕМИШЛИ ЗАЁМЛАР



Ғалла заёми ҳақида биласизми, азиз журнал-хон! Қанд заёми ҳақида-чи! Заёмга бугдой, сули ёки қанд берилганини эшитганмисиз! Эшитмаган бўсангиз, ажабланманг. Мамлакатимиз тарихида шундай заёмлар ҳам бўлган. Келинг, яхшиси тарихимиз саҳифаларини бир-галикда varaқлайлик.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейинги дастлабки йилларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ёш Совет давлати олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Чунки бу пайтга келиб мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин камайиб кетган эди. Мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларини бозордан сотиб олишга аҳоли барча қатламларининг ҳам қурби етмас эди.

Муваққат ҳукумат ҳукмронлиги даврида 1917 йил февралдан ноябрга қадар муомалага жами 19574,7 миллион сўм чиқарган эдики, бу чор ҳукумати сўнги 2,5 йилда муомалага чиқарган пулдан анча кўп эди. Натижада пулнинг харид қуввати кескин тушиб кетди. Октябрь революцияси арафасида сўмнинг реал қиймати урушгача бўлган даврдаги 6—7 тийинга тенглашиб қолди. Мамлакатда молия ва пул муомаласи ниҳоятда издан чиқди. «Капиталистик жамиятдан империалистик жамиятга ўтиш чоғида қоғоз пулсиз иш кўриш ёки қисқа вақт ичида қоғоз пулларни янгилари билан алмаштириш мутлақо мумкин эмасди. Ҳозир Совет ҳокимияти олдида қийин, шунга қарамай, албатта ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турибди», деган эди В. И. Ленин.

Улкада аҳвэл қандай эди? Мана бир мисол. 1913—1914 йилларда Фарғона водийси бозорларида 1 пуд бугдойнинг нархи 1 сўм 20 тийиндан 1 сўм 50 тийингача белгиланган бўлса, 1918 йили 1 пуд бугдой 65 сўмдан 95 сўмгача сотилган. Озиқ-овқат маҳсулотларининг камайиб кетганлиги муомаладаги пулнинг қадрсизланишига олиб келиши ҳам-мамизга маълум.



ЎТМИШ ЛАВҶАЛАРИ

Совет ҳукумати пул муомаласини тартибга солиш, унинг харид қувватини ошириш учун бир қатор тадбирларни кўрди. Аввало, Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг 1918 йил январида эълон қилинган Декретига асосан мамлакатда муомалада бўлган (собиқ ҳукуматлар чиқарган) барча давлат заёмлари бекор қилинди.

Халқ Комиссарлари Совети томонидан пул бирлиги сифатида ишлатиш учун 1918 йилнинг феввалидаги Декретига биноан «Озодлик заёми» муомалага чиқарилди. Ушбу давлат заёмларининг қиймати 10 сўмдан 100 сўмгача эди. Бу заём облигацияларини пул бирлиги сифатида олишдан бош тортганлар революцион давр қонунлари асосида жазоланган. Эски давлат заёмларини бекор қилиш, қадрсизланган пул ўрнига янги «Озодлик заёми»ни чиқариш билан озиқ-овқат нархлари бир оз тартибга солинди.

1918—1920 йилларда мамлакатда ҳарбий коммунизм сиёсатининг жорий этилиши билан бозорда ғалла сотиш тақиқланиб, у давлат монополиясига айлантирилди.

Халқ хўжалигини тиклаш йилларида эса озиқ-овқат маҳсулотлари бозорда сотила бошланди. Лекин шу даврда ҳам бозорда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўтарилиб кетди, чунки мамлакатда қоғоз пуллар чиқаришнинг ортиши билан унинг харид қуввати пасайиб кетди. 1922 йили мамлакатда 300 триллион сўмлик қоғоз пул муомалада эди. Сўмнинг қувватини ошириш мақсадида совет ҳукумати ғалла заёмини жорий этишга қарор қилди. 1922 йил май ойида 8 ойга мўлжалланган биринчи ички, қисқа муддатли давлат ғалла заёми муомалага чиқарилди.

Мазкур ғалла заёмини муомалага чиқариш туфайли молия органлари катта миқдордаги пул маблағларини тўплаб олишга муваффақ бўлишди. Натижада қоғоз пул чиқариш тўхтатилди. Бу эса ўз навбатида бозор нархларининг пасайишига ва меҳнаткаш халқ турмушининг илгаригидан энгиллашишига олиб келди.

Ғалла заёми вексель сифатида чиқарилиб, истаган граждан облигацияларни давлат банкларидан сотиб олиши мумкин бўлган. 1922 йили май ойида тўланган ҳар 400 сўм пул эвазига ҳукумат 1 пуд ғалла берган. 10 миллион пуд ғалла заём облигацияларига тўлов воситаси сифатида алоҳида ажратиб қўйилган. Ғалла заёми облигациялари май ойида пулга сотилиб, декабрь ойида ғалла билан тўланган. Ушбу заём облигациялари айниқса шаҳарлик ишчи ва хизматчилар учун қулай эди. Чунки заём облигацияларида ғалланинг ёз ойларидаги нархи ўз ифодасини топган бўлиб, декабрь ойида ғалла қиммат бўлса ҳам, унга ҳақ эски нарх бўйича тўланган.

Ғалла заёми деҳқонларга ҳам энгиллик берди. Деҳқон йил охирида озиқ-овқат солиғи тўлаш вақтида ғалла ўрнига ўзида мавжуд бўлган заём облигацияларини топшириш имконига эга бўлган. Ғалла заёми бор кишилар уни сотиш, гаровга бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлишган.

1923 йилнинг март ойида 400 миллион пуд сулига мўлжалланган иккинчи давлат ғалла заёми муомалага чиқарилди. Шу йилнинг июнь ойида қўшимча тарзда 30 миллион пуд ва июль ойида 40 миллион пуд сули давлат ғалла заёми учун ажратилди. СССР Меҳнат ва мудофаа советининг қарорига мувофиқ иккинчи давлат ғалла заёмининг облигация эгаси уни 1924 йил 1 январигача молия органларига топшириб, кечи билан икки ҳафта ичида сули олган.

1923 йилнинг ноябрь ойида мамлакатимизда қисқа муддатли қанд заёми ҳам муомалага чиқарилган. Бу заём умуман 1 миллион пуд қандга мўлжалланган бўлиб, унинг облигацияларига 10 қадоқ, 1, 5 ва 25 пуд қанд олиш мумкин эди. Мазкур заём облигациялари ҳам пул муомаласида ишлатилган. Қанд заёми 1924 йилнинг 3 февралидан 30 апрелигача қанд билан, 1 майдан 30 сентябргача пул билан бозор нархида тўланган.

Қисқаси, совет ҳукумати амалга оширган бу тадбирлар натижасида 1918—1924 йилларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қадар таъминлашга эришилди.

Эгам ҚОДИРОВ,
тарих фанлари номзоди.
(Қўқон Давлат педагогика институту).

«БИТТА ЎЧОҚ—БИТТА ОИЛА»






**УЛНАМИЗ
ТАРИХИДАН**

Тарих ва этнография илмларида «битта ўчоқ — битта оила» деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, битта оилага битта ўчоқ тўғри келади. Сурхондарёдаги бронза даврига оид Сополлитепа қишлоғида шу асосда олиб борилган археологик изланишлар натижаси ўлароқ икки хил хўжалик: катта ва кичик оила борлиги аниқланди. Майдони бор-йўғи 1 гектар келадиган бу қишлоқда 30 та кичик оила яшаб улар 8 та катта оилага бириккан экан. Кичик оиланинг ҳар бири ўртача 6 кишидан иборат бўлган. Бинобарин, муайян тарихий даврда мазкур қишлоқда ҳамаси 200 киши яшаган. Шунингдек, Сурхондарёдаги Жарқўтон қароргоҳида яшаган одамлар сони ҳам 150—200 киши эканлиги маълум бўлди. Бу рақамлар ҳам археологик, ҳам антропологик маълумотлар асосида аниқлаштирилган. Кейинги тарихий даврлар — антик ва ўрта асрлар ҳусусида кўҳна Хоразмда жойлашган. Миздахқон шаҳри материаллари асосида қишлоқ ва шаҳар нуфуси ҳақида фикр юритиш мумкин. III—VI асрларда Миздахқон 8 гектар майдонни эгаллаган. Бу даврда аҳоли 250 кишини ташкил этган. Унинг баъзи қисмларида аҳоли зичлиги 1 гектар майдонда 2 нафардан 32 кишигача бўлган. Шаҳар VI—VIII асрларда анча кенгайиб, бир авлод умри давомида (дарвоқе, бир авлод умри ўртача 25 йил бўлган) 600 киши истиқомат қилган. Аҳоли зичлиги 1 гектар майдон ҳисобида 30 нафардан 50 кишигача етган. VIII—XII асрларда бир авлод умри давомида Миздахқон аҳолиси 460 кишидан иборат бўлиб, ўртача зичлиги 48 киши эди. XIII—XIV асрларда Миздахқон нуфуси кескин кўпайиб 3429 кишига етган.

Хуллас, олинган маълумотларнинг кўрсатишича, Миздахқон аҳолиси, VIII—XII асрларни истисно этганда, муттасил кўпайиб борган. Машҳур совет археологи С. П. Толстовнинг фикрича, VIII—XII асрларда ижтимоий ва сиёсий сабабларга кўра умуман шаҳар аҳолисининг камайиши ва қишлоқ аҳолисининг кескин кўпайиб бориши қайд этилган. XIII—XIV асрларда шаҳар аҳолиси сонининг кескин кўпайиши сабабларини тадқиқ этиш шунинг кўрсатдики, бу даврда мўғул ҳукмдорлари кўплаб ҳунарманд аҳолини шаҳарларга тўплаган, хатто бўш жойларда янги шаҳарлар барпо эттирган. Бу эса юқорида қайд қилинган палеодемографик изланишлар натижаларига уйғун келмоқда.

Шуни айтиш керакки, турли тарихий даврларда Ўрта Осиёда эркак ва аёллар миқдори бир-бирдан айтарли фарқ қилмаган. Аммо баъзи ёдгорликларда кузатишга эркак ва аёллар миқдоридидаги кескин тафовутни изоҳ-

лаш ҳозирча мушкул. Айни вақтда унинг аниқланиши баъзан тарихий ҳодисаларни талқин этишда муайян кўмак берган бўлур эди. Масалан, Молдавиядаги ўрта асрга оид Бранешти ёдгорлигини ўрганган антропологлар қалъа аҳолисининг 70 фоизини аёллар ташкил этганини аниқлашди. Бу маълумот антропологларни ҳайратга солди. Изланишлар давомида Ипатъевск йилномасида қайд этилган маълумотларга дуч келишди. Унда айтилишича, қалъанинг эркак аҳолиси Киев қўшинлари таркибида ўз она юртларидан олисда ҳарбий юришлар олиб борган экан. Уларнинг кўпчилиги ўша юртларда ҳалок бўлиб, ўша ерларда дафн этилган. Шу боисдан Бранешти аҳолисининг аксариятини аёллар ташкил этган экан.



Урта Осиё қадимий аҳолисининг ўртача умри [а], болалар ўлими даражаси [б] ва Миздахқон шаҳри мисолида шаҳар аҳолиси сонининг турли даврларда ўзгариши [в].

Қуйи палеолит даврига оид 20 нафар неандертал одам суяклари тадқиқ қилинди. Дунёнинг турли бурчакларида топилган барча неандертал одамларнинг ўртача умри 17 йилга тенг. Болаларнинг ярмига яқини балоғат ёшига етмай ўлган. 21—40 ёшларида қазо қилганлар ҳам 40 фоизга яқин. 50 ва ундан кўпроқ йил яшаганлар — «узоқ умр» кўрганлар 1—2 кишигина бўлган, холос.

Юқори палеолит даврида, яъни бундан 7—10 минг йил илгари одамларнинг ўртача умри 20 ёш эди. Ешларнинг ўлим даражаси ҳам аввалгидай юқори — 40 фоиз атрофида. Ўрта тош даврида, яъни бундан 8 минг йил илгари ўтган мезолитда одамларнинг ўртача умри, шунингдек, болаларнинг ўлим даражаси палеолит даври одамларидан айтарли фарқ қилмаган.

Неолит ва энеолит (5—6 минг йил муқаддам) даврларида ўртача умр 20—23 йил атрофида бўлган. Эркаклар аёлларга нисбатан ўртача 3 ёш кўпроқ яшаган. Гарчи эркаклар овчилик машғулотни туфайли аёлларга нисбатан кўпроқ, хавф-хатарга дуч келсалар ҳам, улар аҳоли истиқомат қиладиган ерлардаги ўта нохуш санитария ҳолати таъсирида нисбатан камроқ бўлганлар. Аёлларнинг камроқ умр кўрганликларига айни санитария ҳолати сабаб бўлса ажабмас. Бронза, илк темир, антик даврларда болалар ўлими жуда юқори эди. Уларнинг учдан бир қисми 7 ёшга етар-етмас ўлиб кетган. Ўртача умр эса 23—25 ёшлар атрофида бўлган.

Ўрта асрларга келиб ўртача умр давомийлиги 35—40 ёшларга етган, болалар ўлими 25—30 процентни ташкил этиб, аёллар эркакларга нисбатан 4—5 йил узоқроқ яшаган. Бундан 3—4 минг йил илгари қизлар 11—12 ёшида турмушга берилган, 15—16 ёшдан фарзанд кўришган. Эр-хотин орасидаги ёш тафовути 7—10 ёш бўлган. Баъзи ҳолларда 35—40 ёшли эркаклар 14—15 ёшдаги қизларга уйланишган. Ҳа бир аёл ўртача 6 фарзанд кўрган. Шулардан 2—3 нафари 7 ёшга етар-етмас ўлиб кетган.

Хуллас, бундан 2700 йил муқаддам яшаган юнон шоири Гесиод таърифланган қадимги аждодларимизнинг нознеъматларга фарқ, ташвишсиз ҳаёти, бошқача айтганда, «олтин аср»и афсона эди, холос.

Тельман ҲОЖАЙОВ,
УзССР ФА Археология институти этник проблемалар бўлими мудирини, тарих фанлари докторини, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатини.

ИСЛОМ—ИЛМ ДЕМАҚДИР

ЎРТА ОСИЕ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ БОШҚАРМАСИ
ҲАЙЪАТИНИНГ РАИСИ, МУФТИЙ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ ҲОЖИ
ЎҒЛИ БИЛАН МАХСУС МУХБИРИМИЗ РУСТАМ ОБИДОВНИНГ СУҲБАТИ

— Муфтий ҳазратлари! Узингизга аён, ҳозир шундай бир пайтда яшаймизки, ҳаётимизда йиғилиб қолган кўплаб чигал ва мавҳум муаммолар хусусида рўй-рост, ошкора гапиршни, халқимизнинг ўтмишдаги ҳаётига, умуман, тарихга муносабатимизни ўзгартиришни даврнинг ўзи тақозо этаётир. Масалан, кенг омма учун ханузгача ноаниқ қолиб келаётган шундай муаммолардан бири диннинг илмга муносабати масаласидир. Шу мавзуда Сизга ўзимни кўпдан ўйлатиб юрган бир қанча саволлар билан мурожаат қилмоқчи эдим, ўйлайманки, улар кўп сонли журналхонларимизни ҳам қизиқтиради.

— Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим! Аввало, «Фан ва турмуш» журналхонларини биринчи диний суҳбат муносабати ила чин қалбдан табрик этишга ижозат бергайсиз. Уйлаймизки, бу суҳбат келгусидаги шу хил чиқишларнинг дебочаси, холос.

— Суҳбатимизни ҳозирги мадрасаларда таълим қандайлигидан бошлашам. Мадрасаларга ўқишга кириш учун конкурс катта дейишди, шу тўғрими! Уларда дунёвий илмлар қай даражада ўқитилади? Мадрасада таҳсил кўрганлар араб тилини шарқшунос олимлардан мукамалроқ билишди, бунинг сирини нимада? Мадрасаларда диний арбобларгина эмас, балки илмий ходимлар ҳам тайёрлаш кўзда тутилганми! Усмон Қуръони қайтарилиши билан Сиз орқали дин аҳлини муборакбод этар эканмиз, Диний бошқарма ва мадрасалар кутубхонасида қайси илмларга онд китоблар сақланиши, уларни ўрганиш қай аҳволда эканлигини ҳам билишни истардик. Қолаверса, илмо ўзгаравериши оқибатида бутун халқимиз ўтмиш меросидан маҳрум бўлиб қолган, олимларимиз беҳисоб қўлэмаларини ўрганиб улгуролмаётган ҳозирги даврда бу ишга дин аҳллари қандай ҳисса қўшаётирлар!

— Ҳа, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам маъҳади ва Бухородаги Мир Араб мадрасасига ўқишга кириш учун конкурс катта. Бунинг бир неча сабаблари бор, шулардан бирига кўра, бу иккала мадраса ўз бобида Ватанимиздаги ягона ўқув юрлари бўлиб, уларда таҳсил олувчиларнинг сони чегараланган. Мазкур ўқув юрларида фақат диний арбоблар тайёрлаш кўзда тутилган, лекин диний илмлар билан бир қаторда жуғрофия, тарих, давлат ва ҳуқуқ каби дунёвий илмлар ҳам ўқитилади.

Мадрасада таҳсил кўрганлар араб тилини шарқшунос олимлардан мукамалроқ билишларининг сирини келсак, бизда араб тили асл манбалардан, муфассал ўрганилади. Айниқса Қуръони карим ва Ҳадиси шарифни ўрганиш жараёни катта ижобий таъсир кўрсатади. Шарқшуносларда эса ундоқ эмас, улар асосан сўзлашувга катта эътибор беришади, араб тилини рус тилида ёзилган ўзига хос манбалар, араб тили қондалари руҳидан йироқ қондалар асосида ўрганишади.

Диний бошқарма ва мадрасалар кутубхонасида асосан Қуръон, Тафсир, Ҳадис, Усул ал-фиҳр, Фиҳр, Ислам тарихи ва бошқа табаррук китоблар сақланади. Шу билан бирга китоблар орасида араб, форс, ўзбек ва тожик адабиётига онд, тиб, жуғрофия, илми фалак, фалсафа ва бошқа илмларга доир асарлар ҳам мавжуд. Уларни ўрганиш эса, афсуски, яхши аҳволда эмас. 4-қурултойдан аввал ўтказилган тафтиш ишлари Диний идора кутубхонасининг фаолиятини қониқарсиз деб топди. Кўплаб китоблар исзис йўқолган, борларини сақлаш талаб даражасида эмас. Ҳозирда бу нуқсонларни бартараф этиш тадбирлари кўриляптир.

Олимларимиз беҳисоб қўлэмаларини ўрганиб улгуролмаётган ҳозирги даврда бу ишга дин аҳллари қўшаётган ҳисса ҳақида гапириб жуда оғир. Чунки кўзга кўринарли ҳеч нарса қилинмаган десам ёлгончи бўлмасман. Қани, менга айтинг-чи, агар бирон диний ходим илмий иш қилса, уни ким қабул этади-ю ким нашр қилади? Бироқ айни вақтда, дин аҳллари бу ишга мутлақо ҳисса қўшишмаган десак ҳам инсофдан бўлмас. Ҳисса қўшишган — шарқшунос олимлар улардан биров билмаслиги шарт билан ёрдам олиб туришган. Лекин ҳозирда, қайта қуриш ва ошкоралик даврида Қуръонни таржима қилаётган олимлар диндорлардан ёрдам олмаётганлиги таажжубланарлидир.

— Ҳозирдаки аҳвол шундай бўлса, демак, тарихимиз бузиб кўрсатиб келинганига ажабланмаслик ҳам керак экан-да. Масалан, Хўжа Аҳрор раҳнамолигидаги мутаассиб руҳонийлар доираси шоху олим Мирзо Улуғбекни бир умр таъқиб этгани, пировардида уни ўлдириб, расадхонасини вайрон этиб, шогирдларини қувғин

қилгани ҳақида кўп гапирилади. Бу тўғрида мактабда, олий ўқув юртида талабалар қулоғига қуйилаверади. Нафақат дарсликлар, балки бадий асарлар, фильмларда ҳам айнан шу нарса тарор этилаверади. Кўп қатори мен ҳам шу вақтгача бунга ишонардим, жоҳил Хўжа Аҳрордан газабланиб, жаҳолат қурбони Улуғбекка ачинардим. Бироқ кутилмаганда шарқшунос олим Бўриной Аҳмедов бултур «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган бир мақоласи билан бу тўғридаги жамики тасаввурларимни ўзгартириб юборди.

Аслида Хўжа Аҳрор жоҳил руҳоний эмас, балки ўз даврининг уламои киromo экан. Улуғбекни таъқиб этиш у ёқда турсин, ҳатто ўзаро таниш бўлмаган, унинг ўлимига ҳам заррача алоқаси йўқ экан. Расадхона Улуғбек ўлимидан сўнг яна 50 йил турган. Дарвоқе, бу ҳақда бошқа манбалардан ҳам ёзилган-ку! Масалан, Улуғбек 1449 йили ўлдирилган бўлса, Бобур «Бобуринома»сида расадхонани 1500 йили бус-бутун кўрганини айтади. Қолаверса, Улуғбекнинг шогирдларини ҳам ҳеч ким таъқиб этмаган. Али Қушчи устодидан кейин Самарқандда узоқ вақт яшаб, сўнг Истамбул сафарини ихтиёр этган экан.

Муфтий ҳазратлари! Бу ўринда тарих кўпол равишда бузиб кўрсатилгани яққол аён бўлиб турибди. Бу ёлгон кимларга ва нима учун керак бўлгани менга қоронғу. Лекин Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим: Хўжа Аҳрор мисолида дин ноҳақ қораланган экан, бу масалани нечун сизлар, дин арбоблари кўтариб чиқмадингиз! То шарқшунос олим ажрим қилиб бермагунча, манфаатдор томон бўлатуриб, бу масалада четда турдингизлар!

— Журналингизнинг биринчи сонидан бошлаб то ҳозирги кунгача ушбу суҳбатни уюштириш учун сизга тўсиқ бўлган нарса бизни ҳам бу масалада четда туришга мажбур қилган. Ҳурматли олимимиз Бўриной Аҳмедовнинг мазкур мақоласи кўпчилик учун кутилмаган бўлса бўлгандир, лекин биз учун қачонлардир айтилиши зарур ҳақиқатнинг юзага чиқиши бўлди, холос. Мен Бўриной оғанинг бу мақоласини илмий жасорат деб аташдан ҳеч тортинмайман.

Шу билан бирга таъкидлаб айтмоқчиманки, бу масала фақат Улуғбек ва Хўжа Аҳрор шахслари билангина чекланиб қолмайди. Ибн Сино, Форобий, Беруний ва бошқа буюк шахсларнинг ҳам ўз «Хўжа Аҳрор»и бор. Фақат воқелик (реализм)гагина асосланувчи ижодкорларимиз ва «ҳақиқатгўй» олим тарихчиларимиз бу хил тўқима «Хўжа Аҳрор»лар орқали қандай ниятга эришмоқчи бўлганларини ўзларидан сўрайлик, жавоб берсинлар.

Юқорида номлари зикр этилган алломалар ўз даврининг фарзанди бўлган. Лекин, нима учундир, улар бугунги кун бўёғи билан бўялади. Ҳаммалари аввало даҳрий деб эълон қилинади, сўнг баъзи асарлари шу руҳда ўргана бошланади. Ҳақиқатда эса алломаларнинг ўзлари муслмонликларини билан фахрланиб ўтишган. Ибн Синога «Шайх ур-раис», Форобийга «Устоди соний» унвонлари ислом фалсафаси бўйича берилган-ку ахир!

Аминманки, «Ибн Сино ким бўлган ва унинг қандай асарларини биласиз?» деган саволга журналхонлар «Ибн Сино машҳур табиб бўлган, у «Тиб қонунлари» китобининг муаллифи» деган жавобдан нарига ўта олмайдилар. «Ибн Сино машҳур ислом файласуфи бўлган, Оллоҳнинг мавжудлигини, расулнинг ҳақлигини, Қуръоннинг илоҳий китоблигини ва бошқа ислом ақидаларини фалсафий йўл билан баён қилган ўнлаб муҳим китобларини муаллифи», деб жавоб берадиганлар эса кам бўлса керак. Мазкур буюк алломаларнинг илмий меросидан узук-юлуқ иқтибослар келтириб, мана, Ибн Сино ҳам, Беруний ҳам, бошқа барча буюк алломалар ҳам ўзимизга ўхшаш даҳрий бўлган дейиш илмий омонатнинг қайси ботиба қиришини билолмай ақли лол қолади кишининг.

Хуллас, бу борада қанча гапирсак, шунча оз. Лекин яна бир мисол келтирмай иложим йўқ. Улуғ шoirимиз Алишер Навоийни ҳам исломдан жудо қилишга уринишган. Ваҳоланки, унинг маърифатпарварлиги, инсонпарварлиги ва бошқа фазилатлари исломдан келиб чиққан бўлмаса, қаердан келиб чиққан? Унинг жамики асарлари ислом руҳи билан йўғрилган-ку ахир! Аҳвол шу даражага бориб етганки, Навоийнинг пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларидан қилган таржима байтлари ҳам шoirнинг ўзи айтган ҳикматлар дейлади, ҳалигача нашр этилмаган.

Башарти Навоий ёхуд бошқа шoir бидъат, хурофотга қарш

МУҲАММАД СОДИҚ МАҲАММАД ЮСУФ ҲОЖИ ўғли 1952 йили Андижон областининг Булоқбоши қишлоғида, диндор оилада туғилган. Отаси Муҳаммад Юсуф ҳожи ҳозирда ҳам имомлик қилади. Муҳаммад Содиқ ёшлигидан отасининг қўлида диний илмлар бўйича сабоқ олди. Куръонни ўрганди, араб тилини эгаллади.

Урта мактабни битирганидан кейин Бухородаги Мир Араб мадрасасида, сўнгра Тошкентдаги Ислам институтини таҳсил олди. Уни битирганидан кейин «Совет Шарқи мусулмонлари» журналида ишлади. Сўнгра Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг йўлланмаси билан Ливиядаги Ислам даъвати факультетини (институт ҳисобланади) ўқиди.

1980 йили уни имтиёзли диплом билан битирганидан кейин Диний бошқармага қайтиб, унинг халқаро бўлимида ишлаб боради. 1982 йили Тошкент Ислам институтининг проректори, 1987 йили эса ректори этиб тайинланди. Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг шу йил баҳоринида бўлиб ўтган 4-қурултойида эса Диний бошқарма раиси қилиб сайланди.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳожи ўғли 1984 йили ҳаж сафаринида бўлган. 1986 йили Жазоирда ўтган Ислам фикри халқаро конференциясида, 1988 йили Ливияда ўтган Ислам даъвати конференциясида иштирок этган.

Яқинда СССР халқ депутатлигига сайланди.



фикр айтган, байт битган бўлса, исломнинг поклиги учун сабоқ иш қилган. Дин нимаю хурфот нималигини ажрата олмайдиган баъзи бир «доно»лар ўйлаганидек динга қарши чиққан бўлмайдиган асло.

Ҳозирги ошкоралик ва ҳар нарсани ўз номи билан аташ даврида ҳақларига зулм бўлган бобокалонларимиз устидан бу зулмни кўтариш учун ҳаракат қилиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Биз, дин аҳллари ҳам бу масалада бутунлай четда турганимиз йўқ, имкониятимиз доирасида иш олиб бораёلمиз, халққа ҳақиқатни қўлимиздан келганча тушунтираёلمиз.

— Муфтий ҳазратлари, динни ноҳақ қоралаш йўлида тарихни бузиш билангина кифояланган эмас, ҳатто унинг илмга муносабати ҳам бузиб кўрсатилган. Боя айтганимдек, дин илму урфонга, фозил кишиларга ҳаммаша қарши бўлган, деб болаликдан оқ қулғимизга қўйиб келишади. Далиллар эса мутлақо аксини кўрсатади. Масалан, тарихчи олим В. Масальскийнинг «Туркистон ўлкаси» асарини айтилишича, инқилоб арафасидаги Тошкентнинг ҳар бир даҳасида учтадан мадраса бўлган экан. Бу — шаҳар бўйича 12 та олий ўқув юрти бор демак. Мактаблар-ку ҳар бир маҳаллада бир қанчадан бўлган. Бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Модомики шундай экан, ислом илмга тўққинлик қилган, деган даъвога қандай ишонил мумкин!

Билъанс, исломшуносликка оид адабиётларда ислом ҳаммаша илмга даъват этиб келгани кўрсатилади. Масалан, хорижий машҳур шарқшунос олим Франц Роузентал ислом ва илм муносабатларига бағишланган «Илм таънаси» номли йирик асарини ислом дини мағиз-мағзигача илм олишга даъватдан иборат деб таъкидлайди. Каттагина бир қисмга «Илм — исломдир» деган ном берилган, умуман «Ислом — илм демакдир» деган фикр асарининг бошидан охиригача сингдириб юборилган. Қолаверса, муаллиф шуни алоҳида таъкидлаб ўтадики, Куръонда жами 78000 га яқин сўз бўлса, «илм» сўзи уларнинг 1 фоизга яқинини ташкил этар, бошқача айтганда, «оллоҳ», «раб», «бўлмоқ» ва «айтмоқ» каби энг кўп такрорланувчи сўзлардан кейин бешинчи ўринда тураркан. Бу ўринда олим диний илмни назарда тутаяптими ё дунёвий илмни! Умуман, исломнинг илмга муносабати ҳусусида нималар дея оласиз!

— Араб тилшунослари илмнинг моҳиятини «Нарсаларни худди воқеликдагидек идрок этиш» деб таърифлашади. «Ислом дини илмга қарши бўлган» деган фикр эса «Дин — илмга қарши» деган гарбий фикрнинг умумлаштирилган кўриниши, холос. Бошқа динлар илмга қарши бўлган бўлса эҳтимол, лекин ислом ҳеч қачон илмга қарши бўлган эмас. Ислом — илм динидур. Сиз Тошкентда 12 та мадраса бўлган экан дедингиз, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари марказларда юзлаб шу хил олий ўқув юртлари бўлган. Қолаверса, гап илм масканларининг сонидангина эмас, балки уларда этишиб чиққан Бухорий, Замахшарий, Термизий, Насавий, Шоший, Ибн Сино, Беруний, Форобий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Улугбек, Жомий, Навоий ва бошқа алломалар ҳақида ҳамдир.

Энди бир ўйлаб кўрайлик: нима учун шундоқ мўътабар зотлар

ислом маданияти гуллаб яшнаган бир пайтдагина этишиб чиқди, ундан аввал ҳам эмас, кейин ҳам эмас? Ислом илмга қарши деганлар, қани, шуни бир тушунтириб берсинлар-чи! Келинг, тарафқашликни бир четга қўйиб, исломнинг асосий масдари бўлмиш Куръони карим ва Ҳадиси шарифга мурожаат этайлик, илм ҳақидаги баъзи таълимотларга назар солайлик.

Авалло шуни айтиш лозимки, исломнинг бош китоби Куръоннинг луғавий маъноси «қироат», яъни «ўқиш»дир. Оллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга Жаброил фаришта орқали юборган биринчи оят «Икра!» — «Уқи!» деб бошланади. Бу китоб биринчи бор янграганда аслида саводсиз бўлган Муҳаммад алайҳиссалом «Уқиёлмайман» деганлар, лекин «Уқи!» хитоби уч қарра такрорланган ва, ниҳоят, «Сени яратган раббинг (тарбиячинг) номи билан ўқи, у инсонни алақ (уюган қон)дан бунёд этган. Уқи, сенинг қарамли раббинг қалам билан таълим берган. Инсонга билмаганини ўргатган» деган оятлар келган.

Куръонда «илм» сўзи турли ҳолларда 765 марта такрорланади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётлари ва айтган сўзлари ҳам илмга даъват билан тўла. Биргина мисол келтирайлик. Бадр деган жойда мушриклар билан урушдан сўнг Муҳаммад алайҳиссалом ҳар бир асирга озод бўлиши учун 10 та мусулмонга ўқиш, ёзишни ўргатиб қўйишни шарт қилганлар. Уша ўринда пул, мол ёки хоҳланган бошқа нарса сўралиши мумкин эди, лекин исломда илм ҳамма нарсадан устун тургани учун шу сўралган. Бу масалада қанча гапирилса шунча оз, ўнлаб китоблар битилган бўлса ҳам бари бир оз.

Сиз Франц Роузентал ҳақида гапирдингиз, бу борада у ёлғиз эмас, Фарбдаги кўплаб инсофли олимлар ислом илм дини эканлигини очик-ойдин, ҳужжат ва далиллар билан исботлаб беришган. Шулардан бири, немис шарқшунос олимаси Зигфрид Хенке «Араб қўёши фарбга зиё сочади» номли йирик асарини атрофлича ёритган. Хусусан, китобнинг «Мадрасага қатнаётган халқ» деб аталувчи бобида Фарб аҳолисининг 95 фоизи саводсиз бўлган, буюк Шарл қариган чоғида ўқиш, ёзишни қийнаиб ўрганаётган, Фарбдаги ҳукмдорлар ўз саводсизликларини эътироф қилаётган, ҳатто ибодатхоналарда қалам тутишни биладиганлар нодир бўлган IX—XII асрларда ислом оламнинг шаҳару қишлоқларидаги минглаб мадрасалар миллионлаб ўғил-қизларни кутиб олаётгани, улар ислом талабига асосан илмни рағбат билан ўрганаётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Исломда илм тўғрисида сўз юритилар экан, унинг том маъноси назарда тутилади. Башарти фақат диний илм назарда тутилган бўлса, бу алоҳида қайд этилиб, таъкидланар эди. Шунини унутмаслик керакки, исломда дин ва дунё алоҳида-алоҳида тушунчалар эмас, балки бир-бири билан боғлиқ нарсалардир. Сиз дунёвий деб атаётган илмларда мусулмонлар пешқадам бўлишган, бунга эса уларни Куръони карим ва ислом таълимотлари чорлаган.

Шуниг учун ҳам барча илмларнинг диний туси бўлган. Ривоят қилишларича, фалакиёт соҳасидаги икки мусулмон олими юнон олими Батлимуснинг фалак илмига оид китобини ўқиб ўтиришган экан, диний уламолар ўтиб кетаётди «Нима қилиб ўтирибсизлар!»

деб сўрашди. Шунда фалак илми соҳиблари «Туя қандай яратилганига ва осмон қандай кўтарилганига назар солмайдиларми?» деган оятнинг шарҳини ўқиб ўтирибмиз», деб жавоб беришган экан. Худди шу фикрни барча илмлар ҳақида Қуръон ва суннатдан далиллар келтириб қувватлаш мумкин.

Ислום илм талаб қилишни ибодат даражасига кўтарган, ҳаттоки ихтиёрий ибодатдан илм талабини устун қўйган. Шунинг учун ҳам авваллари илм ўргатганларга ҳақ берилмаган, илм ўргатиш — ибодат, ибодатга эса ҳақ олинмайди дейилган. Турли илм ва ҳунарлар бўйича ўз эҳтиёжига етарли кишиларни тайёрлаш мусулмон жамиятига фарзидир. Агар бу борада камчилик бўлса, жамиятнинг барча аъзолари Оллоҳнинг ҳузурда гуноҳкор бўлажаклар. Галнинг хулосасини айтганда, ислום — илмдир, илм — ислוםдир.

— Маълумки, араблар дунёнинг ярмини эгаллашган, ислום дини Атлантика океани соҳилларида Тинч океан соҳилларига қадар кенг ёйилган. Айни вақтда улар истило этган жойларида илму урфон ҳам тарқатишган. Натижада босиб олинган мамлакатларнинг фани ва маданияти ҳам дунёга араб фани ва маданияти номида маълум бўлди. Пировадидга эса араблар Қадимги Юнонистондан, шунингдек, босиб олган мамлакатларидан, айниқса Урта Осиёдан тўплаган жамики илмларини Испаниянинг ўша давр Андалусияси — Қуртуба халифалиги ва Ғарнат амирлиги орқали Европага узатиб, Уйғониш даврининг тамал тошини қўйишди.

Мисол учун, Буюк географик кашфиётлар даврида Васко да Гама Африкани айланиб ўтиб, Ҳиндистонга бориш мумкинлигини қаердан билган! Берунининг Африка жанубида Атлантика ва Ҳинд океанлари ўзаро туташ деган фикри етиб бормаганмикин унга! Сафарининг маълум қисмида португал сайёҳига машҳур араб денгизчиси Аҳмад ибн Маъжид йўлбошловчилик қилгани ҳам бежиз эмасдир балки! Еники Америка қитъасини кашф этмишда Христофор Колумбга Берунининг юзлаб йил аввал айтилган, даҳоларга хос башорати илҳом бермаганмикин! Умуман, Шарқнинг Ғарбга таъсири ва бу борада ана шу илмларни олиб борган ислוםнинг роли ҳақида нималар дея оласиз!

— Саволингиздан кўриниб турибдики, бу тўғридаги маълумотларни Ғарб шарқшуносларидан олгансиз. Зотан, араб фани, араб маданияти каби тушунчалар уларга хос. Аслида эса ислום фани, ислום маданияти дейилиши керак. Негаки, араблар тарихга фақат ислום орқали киришган. Аввалги мусулмонлар орасида эса арабмаслар ҳам бўлган, шунингдек, илму фан ва маданият арбобларининг кўпчилиги ҳам араб эмас. Ибн Сино, Форобий, Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Фароний каби алломаларнинг ўзиёқ гувоҳ бунга. Уларнинг бари мусулмон, ислום фани ва маданиятининг йирик намояндалари бўлишган.

«Босиб олиш» ибораси ҳам шарқшуносларники, биз эса «фатҳ» (очиш) сўзини ишлатамиз. Чунки мусулмонлар қаерга боришган бўлса, фақат динни тарқатиш, яъни бошқа халқларнинг ҳам онгини очиш учун боришган, холос. «Босиб олиш» маъноси бўлмаган мутлақо. Тарих шохид, улар қаерга боришса, ўша ернинг туб аҳолиси билан ака-ука, дўст-биродарларга айланишган. Уларни билган нарсаларни ўргатиб, билмаганларини ўрганишган. Ҳозирги кунга қадар барча халқлар уларни ҳурмат-эҳтиром билан эсга олади.

Маълумки, Қадимги Юнонистон ва Римнинг фани ҳамда маданияти таназулға учраган даврдан то ислום борғунига қадар Европа кўп асрлик зулмат қўйнида қолган эди. Ислום ҳадсиз-ҳисобсиз илмларни олиб бориб, Европа халқларини ғафлат уйқусидан уйғотди, Уйғониш даврини бошлаб берди. Масалан, мусулмонлар Андалусияга ҳисоб илмини беришди, «алгебра», «алгоритм» сўзлари буюк бобомиз Ал-Хоразмий номи билан боғлиқлигини бутун дунё эътироф этади. Ҳатто Рим папаларидан бири санокни арабчада ўргангани тарихдан маълум. Мусулмонлар Европага техника, астрономия, ҳарбий ишга оид илмларни олиб боришди, порох ва компас совға қилишди. Пахтанинг инглизча номи «коттон» арабча «қутун» сўзидан, «кофе» арабча «қаҳва» сўзидан олинган. Мусулмонлар Европага жуғрофий, кemasозлик, денгизчилик илмларини олиб боришди, бу эса Буюк жуғрофий кашфиётларга олиб келди. «Капитан» сўзи ҳам арабча «қубтон»дан олинган.

Ислום табобати европаликларга беморларни даволашни, шифохоналар қуришни ўргатди. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари Европа дорилфунунларида 600 йил мобайнида талабалар учун табобат бўйича ягона қўлланма бўлиб келгани бутун дунё эътироф этади. У ёғина сўрасангиз, Европа ислוםдан ҳатто

меъморчиликни ўрганган жойлари бор. Ислום адабиёти таъсирида яратилган асарлар-ку Ғарбда жуда кўп. Биргина Боккаччонинг «Декамерон»ини олайлик, бу «Минг бир кеча»нинг айнан ўзи-ку ахир!

— Муфтий ҳазратлари, ислום фани ва маданияти қадимги дунё илмларини асраб қолиб ва кўпайтириб, янги дунё ривожини учун тақдир этгани башарият тарихида бағоят улғувор иш бўлгани тўғрисида айниқса Ғарбнинг ўзида кўп ёзилади. Масалан, француз файласуфи Жан Кондорсе «Инсон тафаккури тараққиётининг тарихий манзараси чизгилари» номли асарида «Урта асрлар мусулмон оламида тўплаган илмий билимлар Ғарбда Уйғониш даврини тайёрлаш учун хизмат қилмаганида инсоният учун бесамар йўқолиб кетарди», деб ёзган.

Замонамизнинг йирик фантаст-ёзувчиларидан бири, атоқли олим Артур Кларк эса ислוםнинг Ғарб оламига, умуман, башарият тарихига жаҳоншумул улкан таъсир кўрсатганини янада юқори баҳолайди. Унинг фикрича, ислום Андалусия билан чекланиб қолмай, бутун Европага тарқалганида ер юзюда тараққиёт 1000 йил олға кетар ва ҳозирда инсоният сайёралар у ёқда турсин, юлдузларга етиб борган бўлар экан. Бу баҳоларга қандай қарайсиз!

— Шу саволингизга мухтасар жавоб қилсам, боиси — аввалги гапларимда қисман жавоб бор. Француз файласуфининг ислום тўғрисидаги фикрига қўшиламан. Энди фантаст-ёзувчининг тасаввурига келсак, унда ҳеч қандай янгилик йўқ. Бу гап Ғарбнинг ўзида 1000 йил аввал айтилган.

— Ислוםнинг илмга муносабатида гоҳ ҳайратомуз ҳодисаларга дуч келиш мумкин. Масалан, илм олишда миллат ажратмаслик, нанки мусулмонлар, балки ғайридинлар ҳам бемалол таҳсил кўриши учун кенг имконият яратиб бериш ҳолларини учратамиз тарихда.

Чунончи, араблар даврида Искандария дорилфунунда баъзан 14000 талаба ўқиган. Кутубхонасида 700000 жилд китоб бўлган. Бу ажабланарли эмас, мисол учун халифалардан бирининг кутубхонасидаги китоблар каталогининг ўзи 40 жилд эди. Ажабланарлиси шуки, ҳайвонот ва наботот боғлари, расадхонаси, жарроҳхонаси ва ҳоказолари ҳам бўлган ушбу дорилфунунда илм-фанининг барча соҳаларида исталган диндаги кишилар ўқиши мумкин бўлган.

Мана бу қизиқарли маълумот эса ислום илм бобида ҳар қандай диний қарашлардан устун турганини яна бир бор тасдиқлайди. Халифа Ал-Маъмун математик Лев Шарқ пойтахтига келишига ижозат беришини сўраб, Византия императоридан шундай илтимос қилган эди: «Динимиз ёҳуд мамлакатларимиз ўртасидаги тафовутлар боис ўтинчимни рад этмағайсиз. Дўстлик удулларига мувофиқ иш тутайсиз, деган умидим бор. Эвазига мен сизга юз қадоқ тилла, абадий иттифоқ ва сулҳни таклиф этурман».

— Ҳадислардан бирини Муҳаммад алайҳиссалом «Илми Чин мамлакатидан бўлса ҳам талаб қилинган» деганлар. Ислום ҳар қандай илмини ўрганишга даъват этади, у диний ақидани бузмаса бас. «Илм — мўминларнинг ахтариб юривчи нарсасидир, топган жойидан олади» деган ҳадис ҳам бор. «Имкони борича ва қаерда қодир бўлсанг илм ўрган ва маърифатингни зиёда қил», бу — мусулмонларнинг доний шiori бўлган.

Халифа Ҳорун ар-Рашид ва Маъмун даврларида Бағдодда ўша давр академияси — «Байтул ҳикма» («Донишмандлик уйи») ташкил этилиб, қадимги юнонларнинг жамики илмларга оид асарлари таржима қилинган. Шунингдек, бошқа халқлар тилидан ўғирлаб таржималарга ҳам эътибор катта бўлган, масалан, Ҳиндларнинг «Калила ва Димна» асари қадимги санскрит тилидан ўғирилган эди, замонлар ўтиши билан асл нусхаси йўқолигандан кейин арабча таржима энг қадимий матн бўлиб қолди.

— Илм бобида миллату динин ажратмагани каби ислום эрқагу аёлни ҳам тенг қўрган. «Илм олмакка интилиш муслим ва муслималар учун бирдек қарзу фарз» деган ҳадис бунга яққол мисолдир. Дарвоқе, суҳбатимиз аввалда тилга олинган олим шох Улуғбек бу ҳадиси Бухородаги мадрасаси эшикларига ёздирган эди. Шунинг ўзиёқ ислום аёл кишини асло камситмаганини кўрсатмайдими!

У ҳолда нима учун дин хотин-қизларни ҳамisha таҳқирлаган, ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб қўйган, деб ёшларимизнинг қўлоғига қўйиб келишди! Бу нима ўзи — бир замонлар динга қарши кўр-кўрона бошланган курашнинг ҳанузгача судралиб келаётган асоратики! Зотан, ислום аёлни камситиши ва айни вақтнинг ўзида илм олишга даъват қилиши мумкин эмас-ку ахир!

— Ислום хотин-қизларни ҳеч қачон камситмаган, билъакс, уларни ҳамisha улғулаб келган. На Қуръони каримдаю на Ҳадиси шарифда аёл кишига паст назар билан қаралмаган, бунга қуруқ даъво қилувчилар, қани, бирон манадан ислום-далил келтириб кўрсинлар-чи!

Ислוםнинг илк давридаёқ хотин-қизлар эъзоэланган, уларнинг эҳтиёжларига ҳамisha диққат-эътибор билан қараб келинган. Масалан, аёллар кўп жиҳатдан эркаклар биздан ўтиб кетишяпти, деб шикоят қилишганида Муҳаммад алайҳиссалом улар учун махсус мажлислар тайин этганлар.



ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР



Чет эллик меҳмонлар Усмон қуръони билан танишишмоқда.

Онани-ку ислом мўтабар зот деб билади. Ҳадислардан бирида айтилишича, бир киши «Кимга яхшилик қилишим керак?» деб сўраганида Муҳаммад алайҳиссалом «Онанга!» деб жавоб берганлар. Савол уч марта такрорланганда ҳам жавоби шу бўлган. Фақат тўртинчи мартадагина пайгамбаримиз «Отанга!» деган эканлар. Яъни исломда онанинг ҳақи отаникидан уч баравар улуг деб билинади. «Жаннат — оналар оёғи остидадир» деганлар пайгамбаримиз.

Ислом хотин-қизларга шу қадар иззат-икром кўрсатгани боис ҳам тарихда кўлаб фозила аёллар етишиб чиққан. Маълумки, ҳадисларни йиғувчи, шарҳловчи ва тарғиб этувчи шахслар муҳаддис деб аталган. Абу Ҳурайра энг кўп ҳадис ривоят қилган киши ҳисобланади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг хотинлари Биби Ойша эса у кишидан сўнг иккинчи ўриндадилар. Пайгамбаримизнинг қизлари Биби Фотима ҳам илми, фозила аёл бўлиб, ижтимоий ишларда фаол иштирок этган, араб халифаларининг бутун бошли бир сулоласи — фотимийлар ўзларини Биби Фотиманинг авлоди деб ҳисоблайдилар.

Самарқандлик аллома Имом Косоний фикҳ илмида устозининг китобига шарҳ тарзида «бадоеул саное» номли ажойиб асар битган. Миннатдор устод эса шогирдига илмда беназир қизи Фотимани берган. Уша вақтларда бу уч машҳур фақиҳнинг имзолари қўйилмагунча фатволар кучга кирмаган. Шунингдек, аёллар орасида атоқли шоирлар ҳам бўлган.

Энди ислом аёлларининг ҳақ-ҳуқуқини чеклаганига келсак, фақат уларнинг манфаатини кўзлаган. Масалан, аёллар урушда ҳамширалик этишига ижозат бергани ҳолда оғир меҳнат қилишига рухсат бермаган. Узингиз қиёслаб кўринг: ҳозир қаерда оғир иш бўлса, аёл кишини албатта учратасиз. Хотин-қизларимиз саратон тифида кун бўйи кетмон чопишади, қурилишда ишлашади, кўчага асфальт ётқиришади, завод-фабрикаларда мураккаб машиналарни бошқаришади, завод-фабрикаларда мураккаб машина эса аёл кишини илм олишга даъват қилади-ю лекин қўлига кетмон бермайди асло. У жамики оғир ишларни эркаклар зиммасига юклаб, аёлларни бундан халос этади.

Аёл киши аввало аёллигини — бор нафосатию назокатини, одобу ибосини сақлаб қолиши керак, деб билади ислом. Зеро, у она сифатида саломатлигини фарзандлари учун асрамоғи шарт. Зурёдлари соғлом бўлишини истовчи эркак эса аёлни эъзозламоқ учун бурчлидир. Хулласи калом, ислом хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ёлғизгина бир нарсада — оғир меҳнат қилишда чеклаган, халос.

— Муфтий ҳазратлари, бир вақтлари динга қарши кўр-кўрона бошланган кураш қандай салбий оқибатларга олиб келганини қисқача бўлса-да кўриб ўтдик. Шу кураш ниқоби остида диний-мистик шоирлар деган тамга ёпиштирилган талай ижодкорлар вақти-соати келиб дунёвий адабиётга қайтарилди. Лекин узоқ ва бой тарихимизда уларга ўхшаш олимлар ҳам кўп. Умуман, ислом тараққиётига Урта Осиёдан етишиб чиққан алломалар жуда катта ҳисса қўшгани жумлаи жаҳонга аён. Иккитагина мисол келтирай.

Хожа Исмоил Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» деб ҳам юритилган, минглаб ҳадислар жам этилган «Ал-жомий ас-саҳиҳ» — «Ишонарли тўплам» номли асари мусулмон мамлакатларида улуг шухрат топиб, қайта-қайта нашр этилган. Атоқли фақиҳ Бурҳониддин Марғиновнинг фикҳ илмига оид «Бидоят ал-мубтади» — «Илмга киришувчи учун биринчи асос» номли кўп жилдли асари эса Шарқ мамлакатларидаги мадрасаларда ҳанузгача асосий қўланма бўлиб келаётир, форс, инглиз, рус тилларига таржима қилинган.

Юқоридаги шоирлар ижоди сингари бу олимлар ижоди ҳам диний аҳамиятидан ташқари катта дунёвий аҳамиятга эга. Зеро, мазкур асарларда халқимизнинг тарихи, ўтмишдаги ҳаёти, маросимлари, урф-одатлари, ахлоққа оид қарашлари ва ҳоказолар бўйича қимматли маълумотлар мавжуд. Бинобарин, хоржий тилларга аллақачон ўгирилган бу хил асарларни ниҳоят ўзбек тилига ҳам таржима қилиб, халқимизнинг ўзига таништириш фурсати етмадимикан! Масалан, Қуръони!

— Фурсат етганда қандай! Бироқ қани ушбу савоб, аммо оғир юмушга бел боғловчилар? Қани бунга имкон ва шароит? Ҳолбуки, ҳануз диний ҳисобланувчи, лекин дунёвий илмга ҳам бой бўлган бундай асарлар жуда кўп. Қуръоннинг ўзи хусусидагина мухтасар сўзлаб ўтсам.

Қуръони карим мусулмонларнинг асосий муқаддас китобигина эмас, балки қимматли тарихий-этнографик асар ҳамдир. Масалан, унда инсониятнинг этник бўлиниши, ижтимоий-иқтисодий табақланиши инкор этилади. Бундан ташқари, Қуръон мусулмон халқларнинг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлари тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Унда географик, этнографик, тарихий маълумотлар мавжуд. Айни вақтда Қуръон араб насрининг илк ёзма ёдгорлиги сифатида умуман Шарқ адабиётига катта таъсир кўрсатган.

Турфа хил жиҳатлардан беқиёс аҳамиятга эгалиги боис ҳам Қуръони карим XII асрданоқ дунё халқлари тилларига таржима қилина бошланган. Ҳозирги даврда, Қуръони бутун дунё бемалол ўқиб турган бир пайтда, қолаверса, рус тилига бир неча марта таржима қилингани ҳолда биз, мусулмонлар ўз тилимизда ўқий олмастимиз ҳам тўғри эмас. Қолаверса, эндиликда айрим кишилар Қуръонни ўқиган ҳамма одам диндор бўлиб кетади, деб кўрққан пайтлар эмас-ку! Қуръонни ҳатто сиз, зиёлилар ҳам билмаслигингиз уят эмасми ахир?

Оллоҳга шукурким, сўхбатимиз аввалида айтиб ўтганимиздек Қуръон ўзбек тилига таржима этилган. Умид қиламизки, бошқа диний асарлар ҳам холсанлилло баҳосини олиб, таржима этилади, кечроқ бўлса-да, халқимизнинг ўзига қайтарилди.

— Бошқа диндагилар, масалан, христианлар ўзининг ўтмишига нисбатан бундай нотўғри муносабатда бўлмаётганини жаҳон афкор оммаси кўриб турибди-ку ахир! Русь чўқинтирилганининг 1000 йиллиги кенг нишонланди, Библия миллионлаб нусхада нашр этиляпти. «Социалистик Татаристон» газетасининг 1988 йилги 18 декабрь сонида муҳбиринг Маржоний масжиди жомесининг имоми Закий ҳазрат Сафиуллин билан сўхбати эълон қилинди. Унда ҳазратнинг айтишича, бу йили Волгабўйи халқлари исломни қабул этганининг 1000 йиллиги нишонланар, шу муносабат билан Қуръон татар тилида 50000 нусхада чоп этилар экан.

Урта Осиёда ислом қачон қабул қилинган! Бирон санаси нишонлангани! Турли-туман халқларни бирлаштира олишдек қудратли кучга эга бўлган динга нисбатан бу хил лоқайд муносабат бизда тоқайгача давом этади!

— Ислом 22-ҳижрий йилда Марв шаҳрига кириб келган, унинг Урта Осиёда тарқалиши шу санадан бошланади. 1974 йили Бухорийнинг 1200 йиллиги, 1980 йили ҳижрий сананинг 1500 йиллиги нишонланган. Келгуси йили Имом Термизийнинг таваллудига 1200 йил тўлади. Ва ниҳоят, оллоҳ насиб этса, яқин келажақда Урта Осиёда ислом қабул этилганининг 1400 йиллигини нишонлаш ниятимиз бор. Сўнгги саволингизга мен жавоб бермасам, уни исломга ҳануз лоқайд муносабатда бўлиб келаётганларнинг ўзларига ҳавола этсак. Зеро, эътиқод эркинлиги сўзда эмас, амалда бўлмоғи лозим.

— Муфтий ҳазратлари! Мазмуни сўхбатингиз учун юз минглаб муштарийларимиз номидан Сизга ташаккур билдириш борда-бариди сўнгги сўзни ўзингизга берсам. Нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Урта Осиёда ягона бўлган илмий-оммабоп журналистик орқали кенг оммага айтадиган дилдаги гапларингиз, айниқса ёшларга билдирадиган тилақларингиз бордир.

— «Фан ва турмуш» журналхонларига оллоҳ таолодан аввало сўхат-саломатлик, имон-эътиқод бутунлигини тилаймиз, бахт-саодат ҳамisha ёр бўлсин сизларга. Ешларга ҳам бир оғизгина гапим бор. Одам оламни фақат илм орқалигина англай олади.

Одамдан юқори тураркан олам, Билим оширмоққа муҳтождир одам, деган эдилар Абу Абдулло Рудакий ҳам. Минг йил бўлибдики, ушбу ҳикмат ҳануз эсимрмайди.

Қуръони карим ҳам «Икра!» яъни «Ўқи!» деган сўздан бошланган ва бу китоб уч бора такрорланади. Менинг ҳам сизларга тилагим шу: «Урганинг ва илмли бўлинг, зеро, куч — илмдадир!»

ФИРИБГАРЛИК НА ҚИЛСИН

Мухтарам журналхон, сизларга яхши маълумки, «Фан ва турмуш» кўп йиллардан буён ўз саҳифаларида одам жисмининг мавҳум хусусиятларидан хабардор қилиб келади. Масалан, «Бармоқдаги кўз» (1963 йилги 6-сон) ва «Чирчиқлик қизнинг бармоқлари» (1964 йилги 3-сон) каби мақолаларда Нижний Тагиль шаҳрида яшовчи Роза Кулешова билан чирчиқлик Галянинг кўзи маҳкам бойлаб қўйилган ҳолда бармоқлари ёрдамида рангларни ажрата олиши ва ёзувларни шариллатиб ўқиши ҳақида ҳикоя қилинган эди. «Инсон нималарга қодир?» (1986 йилги 10-сон) мақоласини ўқигач, евпаториялик Юрий Новиковнинг ноёб хотираси-ю, шиша синиқлари устида пинагини бузмай ётавериши, грознийлик инженер Илёс Абдулҳакимовнинг олов устида ялангоёқ юриши сирларидан хабардор бўлган эдингиз. Яқинда эса грузин аёли Жуна Давиташвилининг мўъжизалари билан танишдингиз (1989 йил 3-, 4-сонлар). Жунанинг ўз вужудидан чиқадиган биотоклар ёрдамида бармоқлари билан турли касалликларни муолажа этишидан хабардор бўлдингиз.

Журналнинг ушбу сонидан яна бир ноёб хислат соҳибаси — ленинградлик уй бекаси Нинель Кулагинанинг мўъжизалари билан танишасиз.

Дарвоқе, янгиланинг ўзига йўл очиши ҳар вақт ҳам осон кўчавермайди. Қуйида сўз юритадиганимиз Нинель Кулагина ҳам бундан мустасно эмас. У шўрликнинг бошига не кунларни солмадилар. Ажабланарли ери шундаки, адолатни тарғиб этиши лозим бўлган бир журнал эса, бир эмас, икки бора уни бадном қилди: учига чиққан фирибгар деб айблаб, ҳатто жазолаш керак, дейишни ҳам унутмади. Келинг, яхшиси, бир бошдан бошлайқолайлик.

... Нинель Сергеевнага бешинчи бор ичга операция қилинганидан кейин шифокорлар оғир жароҳат туфайли ошқозон қисмида чандиқ ҳосил бўлганлигидан, энди бундан буён операция қилиш мумкин эмаслигини айтиб, неврология диспансерида ўзича машқ қилдириш билан шўгулланувчи доктор Беляева учрашишни таклиф қилишди. Кунларнинг бирида шундай хасталикка дучор бўлган ўн бир нафар бемор қаторида ўз-ўзини ишонтириш йўли билан даволаш машқларини бажариш вақтида Кулагинанинг ошқозони бирдан чидаб бўлмас даражада ачишиб кетганидан, беихтиёр додлаб юборди. Беляев келиб қараса, қорин териси бамисоли устидан ҳозиргина оловли ҳокандоз олингандек луволарди. «Биринчи даражада куйиш», деди у ҳайратдан ёқа ушлаб. Шундан кейин ленинградлик профессор Васильев Нинель Сергеевна билан илк тажрибалар ўткази бошлади.

Касаллик асорати Кулагинанинг хат-

ти-ҳаракатларига ҳам таъсир этмай қолмагани: у бир одамдан пул олиб бошқасига берар, баъзан 100 сўмга олган бирон буюмни бошқа бировга 10 сўмга сотарди. У ўзи қилаётган бундай ҳаракатларнинг моҳиятини тушуниб етолмайдиган даражага келгач, мушкул аҳволга тушиб қолганлигини пайқайди. Шунда эридан ёрдам сўраганида: «Яхшиси, бор гапни милицияга айта қолайлик», — деди эри. Милицияда эса ишни дарҳол прокуратурага ошириб, ҳатто жиноий иш ҳам кўзгашиди... «Человек и закон» журналининг 1986 йилги 9-ҳамда 1987 йилги 6-сонларида берилган мақолаларда Н. Кулагина ашаддий фирибгар, совет олимларини бадном қилган товламачи сифатида қораланди. Нинель Сергеевна ҳам қараб ўтиргани йўқ. СССР Адлия министрлигининг ана шу нашри устидан судга шикоят қилди. Москва шаҳар Дзержинский районининг халқ суди 1987 йил 14 декабрида бу ишни кўриб чиқишга киришди. Уч фарзанднинг онаси, саккиз неваранинг бувиси, даъвогар Н. Кулагинанинг ўзи бетоблиги учун судга келолмади. Шу сабабли собиқ ҳарбий прокурор, пенсионер Р. Платов унинг ишончли вакили сифатида қатнашди. Судда СССР Фанлар академияси Радиотехника ва электроника институтининг директори академик Ю. Гуляев, радиолокация таълимотининг асосчиси академик Ю. Кобзарев ва бошқалар гувоҳлик беришди.

Суд бу ишни ҳар томонлама таҳлил этиб, журналда босилган мақолалар



Лазер нуруни ўчириш Н. Кулагина учун ҳеч гап эмас.

гражданининг обрўси ва кадр-қимматига путур етказадиган тўхматдан иборатлигини аниқлади ҳамда «Человек и закон» журнали редакциясига Кулагинадан журнал орқали узр сўраб, бир ой ичида раддия беришни юкледи. 1988 йил 26 январидан Москва шаҳар суди ўша журналдаги мақолалар муаллифи В. Стрелковнинг шикоят аризасини кўриб чиқиб, район халқ судининг қарорини тасдиқлади. Шундай қилиб, ҳақ жойида қарор топди.

Ҳўш, шунча шов-шувга сабаб бўлган Нинель Сергеевнанинг ғалати хусусиятлари нимадан иборат! Жаҳонга таниқли олимларнинг судда гувоҳлик қилиши бежизми! Йўқ, бежиз эмас. Зеро, улар Нинель Сергеевна мўъжизаларини бевосита кузатиб илмий таҳлил этишган.

Мана, академик Ю. Кобзарев уйидаги катта хона. Бу ерга йиғилганлар ўртасида Кулагина ўз «каромат»ларини кўрсата бошлади. Дастлабига Нинель Сергеевна оддий компасни столга қўйиб, қўлларини ёзганча унинг тепасида юргиза бошлади. Дам ўтмай, компас миллари жунбишга кирди. Одатда у қўлининг «чигили»ни ёзиш учун шундай қилади. Сўнг столдаги авторучка қопқоғи устида ҳам бириники муаллақ қўл юритиб, унияма ҳаракатга келтирди, қўл қаёққа чўзилса, бамисоли магнитга интилгандек, қопқоқча ҳам унинг орқасидан эргашаверди. Шуниси эътиборга сазоворки, Кулагина то ўзини ўта даражада зўриқтирмагунча буюм жойидан қилт

этмайди. Нинель Сергеевнанинг на ўзини тутиши ва на тажриба кечаётган муҳит кузатувчида бу тажрибаларнинг фибрибгарликдан ниҳоятда узоқлигига бирон шубҳа туғдирмайди.

Журналхонда шундай ҳақли савол туғилиши мумкин: буюм клиёнканинг нишқаланиш қаршилигини енгиб, жойидан қўзғалиши учун озмунча куч керакми! Бундай механик кучни келтириб чиқаришга қодир электростатик майдон кучланиши-чи! Академик Ю. Кобзарев ҳамда профессор Б. Кацеленбаумнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бундай кучланиш юзлаб киловольтни ташкил этади. Бу нейлон кўйлаки ечаётганингиздаги ёки баъзан холодильникка қўл теккизганингизда бамисоли нина санчилгандек туюладиган кезлардаги кучланишлар билан баробардир.

— Навбатдаги тажрибани ўтказишдан олдин,— деб ёзади Ю. Кобзарев,— электростатик вольтметр тайёрлаб, уни узун ингичка сим ёрдамида авторучка қалпоқчасига туташтирдим, симни эса ип билан қандилга осиб қўйдим. Столнинг бир бурчагида электрометр, қарама-қарши бурчагида эса авторучка қалпоқчаси турарди. Тароғимни олиб жун аёлга роса нишқадим—да, авторучка қалпоқчасига яқинлаштиргандим, электрометр миллилари ҳаракатга келди. Кулагина авторучка қалпоқчаси устида қўллари у ёқдан бу ёққа ҳаракатлантириб, уни столда роса «сайр» қилдирди, лекин, буни қараинки, электрометр миллилари ҳечам жилмади. Демак, бу ҳодисани оддий электростатик ўзаро таъсир воситасида изоҳлаб бўлмас экан.

Мазкур тажрибани мутахассислар иштирокида кенг қўламда таҳлил қилиш учун В. Трапезников, А. Тихонов, Ю. Гуляев сингари бир қанча йирик олимлар таклиф қилинди. Хуллас, навбатдаги тажриба академик И. Киконин ўйининг катта хонасида ўтказиладиган бўлди. Бу ерда ҳамма нафасини ичига ютганича тажрибани синчковлик билан кузатиб турарди. Мана, Нинель Сергеевна катта стол ўртасига қўйилган қадаҳни «ғойибона куч» билан анча нарига сурди. Ҳа, бу мўъжизада бирон-бир найрағи йўқлигига ҳеч кимда шубҳа қолмади.

Кулагина атрофдаги одамларга мурожаат қилиб, истовчиларга масофадан туриб қўллари ёрдамида терини қиздиришини айтди. Бир неча киши ўзида шундай тажриба ўтказилишига бажонидил розилик берди. Айниқса Москва давлат университетининг профессори Брагинский бу тажрибага шу қадар берилиб кетдики, ҳатто Нинель

Бир маҳал бўйни боду хуруж қилиб қолса бўладими. Дарҳол Кулагинадан бўйинини қиздиришни илтимос қилдим. У қафтларини бўйини яқинида пича тутиб турган эди бўйини ачишиб, қизиб кетди. Нега бундай бўлгани эди менга аён. Унинг қўлларидан ўзига тос органик моддалар ажралиб чиқиб, улар бемор терисига қўзғатувчи, асабий таъсир кўрсатади. Бўйи бамисоли «психологик хантал» дейиш мумкин.

Академик Ю. КОБЗАРЕВ.

Сергеевна қўллари тапти терисини куйдириб юборганини ҳам сезмай қолди, ҳосил бўлган қора қўтири эса анча вақтгача кетмай турди.

Қизиқ, буюмларни қўл теккизмай жилдиришни қандай изоҳлаш мумкин! Тажрибаларнинг кўрсатишича, бунда электр қувватининг роли йўқ, унда, эҳтимол, биз пайқамайдиган даражадаги товуш ёки титраш сабабчидир! Ахир стол устида турган ингилроқ бирон нимага баланд овоз чиқарётган радиоканрай яқинлаштирилса, у товуш таъсирида жилиши маълум-ку. Бу саволларга жавоб топиш учун яна тажрибалар ўтказиш керак эди. Шу мақсадда лаборатория шароитида махсус митти конденсаторли ва керамик микрофонлар тайёрланиб, гугурт қутичаларига жойлаштирилди, кучайтиргич ҳамда электрон нурли осциллографга уланди. Академиклар Ю. Кобзарев ҳамда Ю. Гуляев ана шу

асбобларни Кулагина яшаётган Ленинградга олиб боришди.

Меҳмонхонада ўтказилган тажрибада анча сезгир бўлган конденсаторли микрофондан иш бошланди. Кулагина қўллари гугурт қутичасига яқинлаштириб, ўзини бир зўриқтирган эди осциллограф экранида бирдан импульслар кўринди—ю дарҳол ғойиб бўлди—қолди. Микрофон ишдан чиқди чоғи. Мутахассислар очиб кўришса, мембранаси аппарат асосига ёпишиб кетибди. Созланганидан кейин ҳам фойдаси бўлмади: товуш импульслари ниҳоятда кучлилигидан конденсаторли микрофон унга бардош беролмади. Керамик микрофон эса қилт этмай ишлайверди. Нинель Сергеевна қўл ҳаракатлари таъсирида гугурт қутичасини жилдирар экан, микрофон бетартиб импульслар чиқарарди. Ҳа, хулоса битта: Кулагинанинг қўллари ультратовуш чиқараркан! Бу — олим-



Бир гуруҳ атоқли олимлар Нинель Сергеевнанинг «каромати»ни синчковлик билан кузатишгач, унда бирон-бир қаллоблик йўқлигига ишонч ҳосил қилишди.

лан кузатишгач, унда бирон-бир қаллоблик йўқлигига ишонч ҳосил қилишди.

лар ақлини лол қолдирувчи катта кашфиёт эди!

Қўлдан чиқаётган ультратовушни ҳатто эшитиш ҳам мумкин бўлди: Кулагина академик Ю. Гуляев қулоғига қафтнинг яқинлаштириб, бир зўриққан эди — бетартиб шиқирлаш овози эшитилди. Лекин бу импульсларнинг табиати мавҳумлигича қолмоқда.

Яна бир ажабланарли ери шундаки, зўриқиш вақтида Кулагинанинг нафтдан нур ҳам чиқар экан. Бу борадаги тажриба Москвада, Ю. Кобзаревнинг уйида ўтказилди. Хонага фотоэлектронли кучайтиргич ва унга бўладиган таъсирларни қайд этувчи рақамли индикатор ўрнатилди. Кучайтиргич ҳам, Нинель Сергеевнанинг қўллари ҳам ёруғлик ўтказмайдиган материал билан ўраб ташланди. Кулагина фото-

электронли кучайтиргич объективига қафтни қўйди. Кўп ўтмай, қафтин тер босди. Аппарат эса ҳеч нимани кўрсатмасди. Қизиқ, нега бундай бўлди экан. Нинель Сергеевна ноқулай аҳволда қолиб, ҳадеб ўзини зўриқтиришга интилаверарди. Ниҳоят, индикаторда рақамлар пайдо бўлиб, катталашаверди. Рақам 9 га етгач, навбатдаги разряд бошланди, кўз очиб-юмгунча учинчи разряд рақамлари кўринди. Кулагинанинг тиника-мадори қуриганлиги шундоққина сезилиб турарди. Бундан саросимага тушган Ю. Кобзарев Нинель Сергеевнадан зўриқини бас қилишини талаб этарди. Лекин унинг аҳволи тўхтатиб бўлмайдиган даражада эди. Ниҳоят, Юрий Борисовичнинг тоқати тоқ бўлиб, Кулагинанинг қўлини фотоэлектрон кучайтиргичдан базур юлқиб олди. Нинель Сергеевна талмовсираб, чопганича ўзини ташқарига отади, кўнгли айнаб, қайт қилади...

Кулагина қўлдан чиқаётган нурларнинг спектрал таркибини аниқлаш учун тадқиқотчилар асбоб ойнасини

Бир одамнинг физик майдонини бошқасиникидан қандай фарқланади! Уни тадқиқ этиш учун 1983 йили биологик объектларнинг физик майдонларини ўрганиш лабораториясини ташкил этдик. Лабораторияга ўзини элистрасенс деб ҳисоблаган бир қанча ишларини, шу жумладан Нинель Сергеевнани ҳам таклиф этдик. Мақсад уларнинг физик майдонлари ва нурланишларининг кўчлилигиникидан фарқини аниқлаш эди. Кузатишлардан, хусусан, Кулагинада бундай майдонларнинг кучли экани маълум бўлди.

Академик Ю. ГУЛЯЕВ.

Давоми 27-бетда

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ УФҚЛАРИ

Елқин ТУРАҚУЛОВ,
УзССР ФАнинг ҳақиқий аъзоси,
УзССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
Эндокринология институтининг директори.

Шу йил бошида СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Ўзбекистон ССР Улка медицина институтининг Эндокринология институтига айлантириш тўғрисида фармон чиқарди. Ниҳоят, ўзбек эндокринологларининг орзуси амалга ошди.

Айни вақтда мазкур институт учун кўп йиллардан бери қурилаётган муҳташам клиника биноси ҳам битиш арафасида. Мазкур бино ишга тушгач бир йўла 420 нафар бемор даволашиш имконига эга бўлади. Замонавий диагностик лабораториялар, консультация поликлиникаси, кундузги стационар, эндокринология кафедраси замонавий асбоблар билан жиҳозланади.

Яна бир қувончли воқеа шуки, шу йил май ойида Эндокринологларнинг 3-Бутуниттифоқ съезди ҳам Тошкентда ўтказилди. Бу анжуман олимлар ва врачларнинг кўп йиллар давомида олиб борган катта ижодий ва ташкилий ишларининг самараси сифатида намоён бўлади. Буни аниқроқ тасаввур қилиш учун, аввало республикада эндокринология фанининг унчалик узоқ бўлмаган тарихига назар ташлайлик.

Улка медицина институти 1957 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси таркибида тузилган эди. Республика учун ниҳоятда зарур бўлган медицина муаммоларини тадқиқот қилиб амалий медицинага тезда жорий этиш билан шуғулланадиган институтнинг Фанлар академияси қошида ташкил қилинишининг ўзи галати туюларди. Уша йиллари бу ниятни амалга оширувчи шахслардан ўзига хос жасорат талаб қилинган. Бу ишларнинг илҳомлантирувчиси, ташкилотчиси ва жонқуяри атоқли олим ва ўзбек халқининг улуг фарзанди республика Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаев эди.

Улка медицина институтининг асосий илмий йўналиши минг-минглаб юртдошларимизни, айниқса Фарғона водийсида кенг тарқалган бедаво буқоқ дардидан фориғ этиш эди. Яна энг муҳими буқоқнинг олдини олишда йод профилактикасини ҳамма ерда оммавий равишда ўтказиш йўли билан ўтмишининг уятли қолдиги бўлмиш буқоқни бутунлай тугатиш, шунингдек қалқонсимон безнинг кенг тарқалган бошқа ҳавфли касалликларини ўрганиш, умуман ички секреция безининг физиологияси, биохимияси ва паталогияси устида чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш вазифаси турар эди.

Булардан ташқари, ўша йиллари кўп тарқалган ошқозон-ичак касалликлари (гастроэнтерология) соҳасида ҳам кенг тадқиқотлар олиб бориш, шарқ медицинасининг бой илмий мероси ва амалий тажрибаларини ўрганиш, ўлкада ўсадиган доривор ўсимликларни тадқиқ этиб уни амалиётга жорий қилиш ҳам институт зиммасида эди.

Қисқа вақт ичида институт ўзининг илмий тадқиқотлари билан на фақат фан оламига, балки кенг жамоатчиликка ҳам танилди. Айниқса қалқонсимон без гормонларининг физиологияси ва биохимияси, радиоактив йоднинг без касалликларини текшириш ва даволаш учун қўлланиши устидаги тадқиқотлари юксак баҳоланди. Икки нафар ўзбек олими 1964 йили Ленин мукофотиغا сазовор бўлди. Мана шу йиллардан бошлаб Улка медицина институти, умуман Тошкент шаҳри қалқонсимон без гормонлари, эндемик буқоқни ўрганиш маркази сифатида мамлакатга танилди. 1970 йилларгача институтда 20 дан зиёд фан докторлари, 100 дан ортиқ фан кандидатлари тайёрланди. Айни вақтда бир қатор соҳаларни тадқиқ этиш кўлами кенгайди ва 1967 йили Улка медицина институтидан Биохимия институти кейинроқ Физиология институтлари ажралиб чиқди.

Лекин, афсуски институтнинг фармакология лабораторияси ўша даврдаги раҳбарларнинг зўри билан Усимлик моддалари химияси институтини ихтиёрига ўтказиб юборил-

ди. Институтнинг ўзи эса бир неча марта бор онангга, бор отангга, деганларидек гоҳ республика Фанлар академиясига, гоҳ, СССР Медицина фанлар академияси ихтиёрига ўтаверди, ниҳоят 1970 йилдан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қарамоғига ўтди.


Мана шундай дарбадарликларга қарамай институт фанда ўз йўналиши ва мавқеини йўқотмади. Янги малакали кадрлар тайёрлади, замон ва фан тараққиёти талабига жавоб берадиган янги илмий йўналишлар ва муаммолар билан шуғулланди. Шу туйғайли бу илмий ва амалий маскан эндокринологиянинг айрим соҳаларида Иттифоқимизда танилган марказлардан бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда Эндокринология институтининг ташкил этилиши ва эндокринологларнинг III Бутуниттифоқ съездини Тошкентда ўтказилиши ҳар томонлама асослидир.

Хўш, нима учун республикадагина эмас, Иттифоққа ҳам машҳур бўлган Улка медицина институти эндиликда Эндокринология деб атала бошланди, деган ҳақли савол туйғилиши мумкин.

Аввало шунини айтиш керакки, ҳозир республикада бир замонлар фақат ўлкамизга хос бўлиб, кенг тарқалган касалликлар деярли батамом тугатилган.

Одам организмда бирон бир жараён йўқки, унда эндокрин ва нерв системаси иштирок этмасин. Шу боисдан бу системалардан қайси бири муҳим, етакчи эканлигини аниқлаш мумкин эмас, чунки улар бир-бири билан чамбарчас узвий боғлиқ.

Эндокринология эса ички секреция безлар тузилиши ва вазифаси, гормонларнинг физиологик ва шифобахш таъсирини, касалликни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш масалалари билан шуғулланади.



Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Эндокринология илмий-тадқиқот институтининг янги шифохонаси.

Ҳозирги даврда эндокринологлар олдида турган энг муҳим вазифа кейинги бир неча ўн йиллар давомида тобора кўпайиб бораётган қанд диабетни касаллигининг олдини олиш, даволаш ва оғирлашишига йўл қўймастик чораларини ишлаб чиқишдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ер юзи аҳолисининг ҳар бир йигирманчиси мана шу оғир дардга дучор бўлмоқда. Бу сурункали дарднинг яна бир ташвишли томони шундаки, у бир қатор жиддий оғирлашишларга, юрак-томир касалликларига сабаб бўлади. Бахтга қарши бу соҳада эришилган илмий ва амалий ютуқлар ҳали касаллик келиб чиқилишининг асосий сабабларини эрта аниқлаш имконини бермайди, уни самарали даволаш усуллари ҳам яратилганича йўқ. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда асосий эътибор касаллик ривожланишини ва унинг оғирлашишининг олдини олишга-соғлом турмушни жорий қилишга, беморларни эса ўз-ўзини назорат қилишга ўргатишга қаратилган.

ёруглик филтрлари билан беркитишди. Қаранг, Нинель Сергеевнанинг қўл ҳаракатлари таъсирида шиша пластинкалар хиралашиб, сиртида юпқа қатлам ҳосил бўлди. Кузатишлардан шу нарса равшанлашдики, терини масофадан туриб қиздириш жараёнида тери устида йилтироқ зарралар ҳосил бўлади, тери бамисоли майда кристаллар билан қопланади. Далилларга мурожаат қилайлик. Кулагина бир кун академик Ю. Гуляевни бел оғригидан фориг этиш учун қўлларини муаллақ тутиб, унинг белини қиздиради. Муолажа тугагач, терининг ана шу ўта қиздирилган еридан ярим чой қошиқча туз сидириб олишди. Маълум бўлишича, у инсон организмиде учрайдиган натрий ва калий тузлари экан.

Нинель Сергеевнанинг қўлларидан чиқадиган зарралар ё электр зарядига эга, ёки улар ҳавони ионлаштиради. Шу зарралар шиша юзасига тушиб, уни хиралаштиради, тери юзасига тушганида эса майда кристаллар ҳосил қилади, улар нерв учларини қитқилаб, қоннинг бу ерга кўп оқиб келишига, терини ўткир ханталдек куйдиришига сабаб бўлади.

Бугина эмас. Агар Нинель Сергеевна сув солинган банка устида бир қанча муддат қўлини тутиб туриб, ўзини зўриқтирса, сув таъми нордонлашади. Тўғри, усти берк банкадаги сувни «нордонлаштириш» учун бирмунча кўпроқ вақт талаб этилади. Бинобарин, кафт терисидаги тешикчалардан отилиб чиқаётган зарралар осон ютилувчан ва сувда эрувчандир.

Мўҳтарам журналхон бу гапларни ўқигач, Кулагина намоийш этаётган тажрибалар найранг эмас, балки физик ҳақиқат экан-да, деган ҳаққоний фикрга келиши табиий.

Олимларнинг қатъий фикрича, Нинель Сергеевна қўллари терисидан зарралар оқими чиқишини инкор этиб бўлмайди. Аммо Кулагина жисмида



Академиклар Ю. Гуляев ва Ю. Кобзаров (ўнгда) шиша куб остида буюмин ҳаракатлантириш тажрибасини ўтказишга ҳозирлик кўришяпти.

рўй бераётган бундай ғалати жараёнлар илмий тадқиқи учун, аввало ундан чиқаётган зарядлар миқдорини ўлчаш, электр майдонларини ҳисоблаб чиқиш ҳамда уларнинг қуввати куч майдонида муайян оғирликдаги предметларнинг силжиши учун етарли куч ҳосил бўлишини таъминлай олишини

исботлаш зарур. Ҳатто учиб чиқаётган зарраларнинг механик урилиши ҳам муайян аҳамият касб этишини назардан қочириб бўлмайди. Шуниси ҳам борки, бундай зарралар ҳаво қаршилигини енгиб, анчагина йўл босишига эътибор берсак, демак улар Кулагинанинг қўлларидан анчагина катта тезликда чиқаётганлиги аён бўлади.

Баъзилар, жумладан академик Я. Зельдович ҳам Кулагина тажрибасидан шубҳаланиб, бунда ип ёки магнитдан фойдаланса керак, деган фикрини билдирди. Кузатувчилар бунни текшириб кўриш мақсадида плексигласдан куб ясаб, унинг ичига картондан ишланган ўқ жойлаштиришди. Уқни кўзгатиш учун Нинель Сергеевна шу қадар кўп куч сарфладикки, асти қўяверинг. Уқ сурилиб бориб куб деворига тақалгани ҳамоно унинг аҳволи ёмонлашди. Қон босими ўлчанганда тонометр 230-у 200 мм қўрсатарди! Врачларнинг айтишича, бундай тажрибалар, эҳтиёт чораси кўрилмаса, кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Ахир, куб ичида турган ўқни жилдириш учун куб устида ниҳоятда кўп миқдорда зарядланган зарралар тўпланиши керак-да. Бунча зарраларни чиқаришнинг ўзи бўладими?

Лазер нурынни ўчириш бўйича ўтказилган тажриба ҳам журналхонларни қизиқтирса керак. Бунда темир цилиндр ўқи бўйлаб нур ўтказилиб, цилиндрнинг тепаси тешиб қўйилади. Дастлаб нур экранда кичикроқ ёруғ доғ ҳосил қилди. Кулагина цилиндр тешигига кафтини яқинлаштириши билан экрандаги ана шу доғ йўқолди, бинобарин лазер нури сўниб, цилиндр ичи қизғин туман билан қопланди...

Бундан ўн бир йил муқаддам япон киночилари Кулагина ҳақида «Кишиларнинг ноёб қобилиятлари» номли телевизион фильм яратилганди. Унда Нинель Сергеевна «энса билан ўқиш» маҳоратини намоийш этганди.

Гап шундаки, оператор рақамлар ёзилган жадвални Нинель Сергеевнанинг орқасида тутиб турган эди, у ҳар бир рақамни дон-дона қилиб айтиб берди. Яқинда бундай тажриба яна такрорланди. Бу гал картонни тўрт энлик-тўрт энлик қилиб қирқиб, ҳар бирига тўғри келган учта рақамли сон ёзилди. Картонлар ютуб жавонига жойлаштирилгач, Кулагина кўзи боғланган ҳолда шкафга орқасини ўгириб турди-да, ўн секундлар ўтгач, рақамни тўғри айтди. Кейин картонлар дамбадам алмаштирилди. Шу алпозда ўнта картон бўлагидеги рақамларнинг барини тўғри топди.

Хуллас, Ленинградда Нинель Сергеевна Кулагинанинг бу ноёб қобилиятини тадқиқ қилиш ишлари ҳозир ҳам давом этапти. Шояд, яна қизиқ-қизиқ натижалар олинса, улардан албатта, сиз, мўҳтарам журналхонларни ҳам воқиф этамин.

Хусниддин НУРМУҲАМЕДОВ,
журналист.

БЕНЗИНДАГИ ҚУРҒОШИН

Кейинги пайтларда америкалик олимлар кўрғошиннинг киши саломатлигига, асосан болаларга зарарли таъсир қилаётганлигидан ташвишланмоқдалар. Бунинг учун Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги билан бирга яқин вақт ичида унинг бензиндаги миқдорини 91 процентга камайитиришни, тўқсонинчи йил ўрталарига бориб эса бутунлай кўрғошинсиз бензин ишлаб чиқаришни таклиф этишмоқда. Гап шундаки, двигател ичидаги бензин ўт олдирилганда 80 процент кўрғошин ҳавога тарқалади. Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўрғошиннинг ҳаво таркибидаги озгина қисми ҳам болаларнинг ақли ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин.



ЯНГИ ОРОЛЧА

Голубицкий қишлоғига яқин бўлган Азов денгизи қирғоғидан уч юз метр ичкарида бир неча соат ичидаёқ орол ўсиб чиқди. Бу ҳодисани кузатган кишиларнинг айтишича, тунда денгиз тарафдан гувиллаган ғалати овоз келган. Сўнгра сув юзида бурқираб чиққан буг ва тутун орасидан сув ости кемасини эслатувчи қора нарса пайдо бўлган. Эрталаб одамлар янги оролчани ўлчаб кўришди; унинг узунлиги 40 метрлар атрофида бўлиб, сув сатҳидан тахминан икки ярим метр кўтарилиб турган эди. Ҳозир оролча анча ўсиб қолган бўлса ажаб эмас.



ВОЛЬТЕР ва УЛУҒБЕК

Буюк француз маърифатпарвари ва инсонпарвар мутафаккири Вольтер (Мари Франсуа Аруз, 1694—1778 йиллар) фикр доираси ниҳоятда кенг, фаннинг турли соҳалари бўйича билимдон одам эди. Мушоҳада кўламини фан тарихи, жумладан Шарқ фани тарихи масалаларини ҳам қамраб олганди. Унинг қадимги давр ва ўрта аср илм-фани тарихидан хабардорлиги ҳайратланарли даражада чуқур бўлган. Шунинг ҳам айтиш керакки, умуман, XVII—XVIII асрлардаги француз маърифатпарварлигида Шарқ мавзуси жуда сезиларли бўлиб, ўша даврда кўплаб одамлар, маданият арбоблари, ёзувчилар ва композиторлар унга катта эътибор беришарди. Улар яратган асарларда албатта бирор «турк», «араб» ёки «форс» иштирок этар ва бу халқлар яшайдиган табиат манзаралари ёки уларга хос мусиқий оқимлар акс эттирилар эди.

Француз маърифатпарварлигининг буюк намояндalarидан бири бўлмиш Вольтер ҳам ўзининг қатор асарларида Шарқ мавзусига аҳамият берган. Бу жиҳатдан унинг «Задиг ёки Тақдир» номли фалсафий асаридаги «Саъдийнинг султон-бека Шераага аталган рисоласи» диққатга сазовордир. Вольтернинг бу «рисола»си ҳижрий 837 йилнинг 18 шавволи, яъни милодий 1434 йилнинг 28 майи билан саналган. «Рисола»да Улуғбек номи тўрт марта эслатилади: уларда «Саъдий» Улуғбекни «машҳур султон Улуғбек», «Улуғбекка кўпроқ «Задиг» ёқарди», «доно Улуғ» ва «ҳақиқий Улуғ» дейди. «Рисола»нинг санасига келсак, албатта, буни ҳақиқий Улуғбекнинг ҳаётидаги бирор аниқ ҳодиса билан боғлаб бўлмайди. 1434 йилнинг май ойида Улуғбек укаси Бойсунқур мирзонинг вафоти муносабати билан Ҳиротда бўлади ва 30 майда Самарқандга қайтиб келади. Уша йили эса қоларлик бошқа ҳодиса рўй бермаган эди. «Султон-бека Шераа»ни ҳам Улуғбек ҳарамига алоқадор бирор аёл билан боғлаб бўлмайди. Бироқ «Саъдий» га келсак, Вольтер яратган бу образ учун Шарқнинг буюк шоири Саъдий Шерозий (1203—1292) прототип бўлгани эҳтимол.

Вольтер қиссасининг ўзи эса бизни Қадимги Бобил ва Эронга олиб кетади ва ҳаётий Улуғбекка тўғридан-тўғри алоқадор эмас. Аммо қиссанинг деярли бошдан-оёғи астрономик мотивлар билан йўғрилган. Чунончи, асарнинг бошида унинг асосий қаҳрамони Задиг «йил уч юз олтин беш-у чорак кундан иборат ва қуёш — олам марказида» эканлигидан хабардор деб таърифланади, яъни Задиг гелиоцентрик дунёқараш тарафдори эканлиги таъкидланади. Яна бир ерда Задиг ўз йўлини юлдузларга қараб танлайди ва Орион юлдузи (Шарқда Жаббор — ред.) туркуми билан «ярқираб турган Сириус (Шуъра) ёриткичи» уни тўғридан-тўғри Каноус (Суҳайл) юлдузига йўналтиради; бошқа жойда юлдузларнинг бош хоҳини «Катта Айиқнинг катта ўғли Саврининг акаси, Катта Итнинг холаваччаси» деб таърифланади ва ҳоказо. Ана шу тарзда Вольтер асарнинг сюжетида ўзига хос юмор ва маҳорат билан астрономик мотивларни киритади.

Албатта, Вольтер астрономик мавзуларни Қадимги Бобил фани тарихини ўрганишда XVIII асрда эришилган ютуқлардан руҳланиб олган бўлиши мумкин. Бироқ, шундай бўлса ҳам, бу қиссадаги «Задиг тарихи»ни қадимги холидий тилидан «машҳур султон Улуғбекнинг хурсандчилиги учун араб тилига» таржима этилиши тасодифий бўлмаса керак. «Машҳур султон Улуғбек»нинг астрономияга интилишлари нима сабабдан Вольтернинг диққатини ўзига жалб қилганлигини аниқлаш учун эса «Задиг» қиссасини тарихий ва илмий фактлар асосида таҳлил этиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Маълумки, VIII аср бошларида араблар Европага ўтган,

Пиреней ярим оролининг деярли ҳаммасини босиб олиб, тасарруфларидаги ерларни Андалусия деб атаб бошлашган. Кейинчалик Кўртуба (ҳозирги Испаниянинг Кордова шаҳри)ни марказ қилиб олган мустақил халифалик ҳам вужудга келди. Лекин XI асрнинг охири чорагида Кастилия ва Леон қироллари бирлашиб, Испаниянинг мусулмон ҳокимиятига қарши кураш бошлашди. Ана шу тариқа реконкиста (испанча сўз бўлиб, «аксилитило» маъносини англатади) ҳаракати туғилди. (Мусулмонларнинг Андалусиядаги 800 йиллик ҳукмронлиги XV аср охирида Ғарнат (ҳозирги Гренада шаҳри) амирлиги емирилиши билан барҳам топди.)

1085 йили араблардан дастлабки шаҳар Тулайтила (Толедо) тортиб олинди. Шундан кейин Пиреней ярим оролидаги мусулмон мулклари бирин-кетин Кастилия ва Леон қироллари қўлга ўтаверди. Лекин бу даврга келиб Кастилия ва Леон қиролларини Шарқда пайдо бўлган хавфли рақиб — Усмонли турк салтанати ташвишга сола бошлаган. Уша пайтга келиб таназулга юз тутган Византия империяси ва Болқон ярим оролидаги мамлакатларнинг усмонлилар томонидан босиб олиншидек даҳшатли бир хавф юзага келди. Усмонлилар салтанати айниқса султон Боязид Йилдирим (1389—1402) даврида ниҳоятда тажовузкор давлатга айланиб, Болқон ярим оролидаги кўпгина ерларни ўз мулкига қўшиб олган эди.

Боязиднинг Ғарбга интилиши очикдан очик эди. Ундан қўрққан Венгрия қироли Сигизмунд усмонлиларга қарши салиб юришини уюштириш мақсадида Европа пойтахтларини беҳуда кезиб юрарди. Шарқ масаласи Кастилия ва Леон қироли Генрих III (Эрико) ни (1390—1407) қаттиқ ташвишга соларди. Боязиднинг келажакдаги режалари, юришини Европада давом эттириши ёки Африкага кўчириши масалалари уни ниҳоятда қизиқтирарди. Чунки буларнинг ҳаммаси қирол Генрих III нинг шахсий режаларига бевосита боғлиқ эди. Унда Пиреней ярим оролида реконкистанга тезда тугатиб, Африкага ўтишга интилиш бўлганини ҳозирги Европа тарихчиларининг кўпчилиги тан олишади. Рим папаси ҳам реконкиста давом эттирилишининг қатъий тарафдори эди. Шунинг айтиш керакки, испан қиролларининг юришларида Франция, Италия ва Германиядан кўплаб кўнгилли рицарлар иштирок этишарди. Ундан ташқари, генуялик ва венециялик қароқчилар Урта денгизнинг шарқида босқинчилик билан шуғулланишар, испан қироли эса уларнинг бу ҳаракати йирик ғалабага айланишидан ҳамда унинг режаларини бузиб юборишидан хавфсизларди.

Мана шунинг учун ҳам Шарқда амир Темурдек янада хавфлироқ жаҳонгир пайдо бўлиб, Боязидга қарши чиққанида Генрих III бу икки шарқлик ҳокимнинг ўзаро курашини катта диққат билан кузатиб борди. 1402 йили Анқара жангини кузатиш ва ғолиб билан дипломатик муносабат ўрнатиш учун Генрих икки элчини юборди. Боязид устидан ғалаба қозонганидан сўнг Темур элчиларни қабул қилади ва Руи Гонзалес де Клавихонинг айтишича, «буюк ҳоким Кастилия қиролига ҳурмати туфайли уларга катта илтифот билдиради» ва улар билан Испанияга ўз элчиси Муҳаммад ал-Қозини юборди. Қирол Генрихга Темурнинг бу илтифоти жуда кўл келади, чунки унга Боязиднинг ғолиби ўз дўстлигини билдираётган эди. Энди Генрих Шарқ масаласи бобида бир оз хотиржам бўлса ҳам бутунлай таскин топа олмайди. Шунинг учун у фурсатдан фойдаланиб, хавфли жаҳонгир билан дипломатик муносабат ўрнатиш мақсадида Темурнинг пойтахти Самарқандга ўз элчиси Руи Гонзалес де Клавихони юборди. Маълум бўлишича, Клавихо Самарқандга фақат элчи сифатидагина эмас,



балки «Темурбек ҳақида бирор маълумот тўплаш ва унинг истаги қандай эканлигини текшириб кўрмоқ мақсадида», яъни жосус сифатида ҳам келади.

Шундай қилиб, Испаниядаги реконкиста кўп тарафдан Олд Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятга боғлиқ бўлиб, ўша даврда бу вазиятни Темурнинг фаолияти белгиларди. Лекин, ҳар ҳолда, шуниси шубҳасизки, Темурнинг Анқара остонасидаги ғалабаси турклар Болқон ярим ороли халқларини қулликка солишини бир неча ўн йилларга кечиктирди ва Европада реконкистани тезлаштирди. Бу муддат мобайнида эса Ғарб мамлакатлари турк юришига қарши тура оладиган даражада кучайдики, кейинчалик турклар Болқон ярим оролидан ғарбга ўтишолмади.

Клавихонинг Пиреней ярим ороли жанубидаги Кадис шаҳридан Самарқандгача саёҳати уч йил давом этди. У кўрган ва эшитганларини кундалик дафтарида ёзиб қолди.

Анқара жанги ва унда Темурнинг Боязид Йилдирим устидан қозонган ғалабаси ҳақидаги хабар тезда Европа бўйлаб тарқалиб кетди. Клавихонинг кундалик дафтари тўғрисида эса «Буюк Темурбек»нинг номи Европа мамлакатларида донг таратди. Натижада кундаликка қизиқиш ниҳоятда кучаяди ва у 1582 йили Ишбилля (Севилья) да Молина Гонзало де Арготе томонидан нашр этилади. Уз навбатида бу нашр тарихий ва адабий изланишларга катта туртки берди, мазкур йўналишлардаги асарларнинг муаллифлари Темурнинг ўзигагина эмас, балки унинг атрофидаги кишиларга, оила аъзоларига, хусусан, Улуғбекка ҳам аҳамият бера бошлашди.

1607 йили Парижда нашр этилган «Буюк Темурлангнинг тарихи» мана шундай асарлардан бири бўлиб, унда Темур ва унинг авлодлари ҳақида ўша давр учун тўлиқ маълумот берилади. Худди шундай ном билан 1678 йили Амстердамда Де Санкционнинг китоби нашр этилади. Саккиз бобдан иборат бу асарда Мовароуннаҳр ва Эроннинг XIV аср ўртасидан то XV аср ўртасигача бўлган тарихи муфассал баён этилади. Унда Улуғбекка давлат арбоби ва олим сифатида катта аҳамият берилади.

Мустафо ибн Хусайн ал-Жанобийнинг 1680 йили Венада лотин тилида нашр этилган «Темурланг ғалабалари» номли асарида ҳам Темур жанглари ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф аслида турк бўлиб, араб, форс тилларидаги тарихий асарлардан яхши хабардор эди. У Улуғбек тўғрисида, унинг илмий ва сиёсий фаолияти ҳамда фожияли ҳалокати ҳақида муфассал баён қилади.

Ва ниҳоят, 1739 йили Парижда «Темурлангнинг тарихи» номли икки жилдлик китоб нашр этилди. Бу асарда Улуғбек ҳақида шундай жумла бор: «Мирзо Улуғбек Темурнинг Хитойга юришидан олдиноқ Тошкент, Сайрам ша-

ҳарларининг ва бутун ўзбеклар ерининг ҳокими бўлди».

Юқорида эслатилган барча асарларнинг муаллифлари шарқшуносликка алоқадор бўлиб, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сидан ҳам фойдаланишган. «Зафарнома» эса 1722 йили Парижда Пети де ла Круа томонидан тўрт жилдда нашр этилган эди. Бинобарин, Ғарбий Европада яратилган тарихий асарлар тўғрисида Улуғбекнинг номи олим ва давлат арбоби сифатида Вольтердан анча илгарироқ кўпчилиikka маълум бўлган.

Улардан ташқари, XVII асрнинг охириги чорагида Францияда иккита драматик асар пайдо бўлди: биринчиси — Жан Расиннинг (1639—1699) 1674 йили ёзилган «Боязид» номли беш акти фожияси, иккинчиси — Никола Прудоннинг (1632—1698) 1679 йили яратилган «Темурланг ёки Боязиднинг ҳалокати» номли фожияси эди. Вольтер даврида бу асарлар Париж саҳналарида қўйиларди. Темурга бағишланган тарихий асарларда ҳам, саҳна асарларида ҳам Улуғбек уларнинг қаҳрамони сифатида иштирок этар эди. Ана шу боис Вольтер тасавурида Улуғбек Мовароуннаҳрнинг ҳокими сифатида гавдаланар эди.

Энди Вольтернинг Улуғбекни астроном сифатида билишига келсак, бу асосан Улуғбек «Зиж»нинг Европадаги тарихи билан боғлиқ. 1648 йили инглиз астрономи Жон Гривс Улуғбек «Зиж»нинг юлдузлар каталогини ўз ичига олган «Каникулярия» номли асарини нашр этади. Бу китобнинг номида «бир неча машҳур юлдузларнинг узунлама ва кенг-ламалари буюк Темурлангнинг набираси Улуғбекнинг астрономик кузатишларидан олинганлиги» таъкидланган. Уша йили Гривс «Икки географик жадвал, бири Насриддин форсники, иккинчиси Улуғбек татарники» номли яна бир асарини нашр этади. У Ғарбий Европада ўша даврда ҳукм сурган, барча туркий халқларни татар деган аънамага кўра Улуғбекни татар деб биларди.

1650 йили Гривс Улуғбекнинг «Зиж»и асосида «Хитой, сурён-юнон, араб, хоразмлик астрономлар ва солномачилар томонидан умумий тарзда қабул қилинган энг муҳим саналар. Гангнинг бу тарафидаги ерларнинг ҳокими Улуғбекнинг аънарасига кўра, Жон Гривс томонидан биринчи марта нашр этилган, таҳрир қилинган ва изоҳлар билан баён этилган» номли учинчи асарини нашр этади. Бу уч асардан кейинги иккитаси икки йилдан сўнг қайта чоп қилинади.

Бошқа бир инглиз олими Томас Хайд 1665 йили Улуғбек «Зиж»идаги юлдузлар каталогини нашр этади. Бу нашрнинг номида «Жайхуннинг у ёқ ва бу ёғининг қудратли ҳокими, буюк Темурлангнинг набираси Улуғбекнинг кузатишлари асосида» дейилган.

Бундан кўринадики, ҳатто XVII асрда нашр этилган астрономик асарларнинг номида ҳам Улуғбек астроном ва Темурнинг набираси бўлиб, Мовароуннаҳрнинг ҳокими эканлиги тасдиқланган.

Хуллас, Улуғбек Вольтерни «Задиг» қиссасини ёзишга руҳлантириб, XVIII асрнинг гениал мутафаккири ижодида муҳим роль ўйнаган.

Шунингдек, Петербург олимларининг илмий ишлари ҳам Вольтер учун Улуғбек ва унинг «Зиж»и ҳақидаги манба бўлиб хизмат этган. Вольтер XVIII асрнинг биринчи ярмидаги таниқли астроном Ж. Н. Делил (1688—1768) билан шахсан таниш эди. Бу олим Петербургга ишга таклиф этилади ва 1726 йили Париждан Россияга келади. У «Зиж» билан жиддий қизиқади ва 1711 йилдан бошлаб Улуғбек «Зиж»ининг Петербургда грузин тилига таржима этилишига раҳбарлик қилади. Кейинчалик у «Зиж»ни чуқурроқ таҳлил қилишга киришар экан, айни вақтда Париж билан, хусусан Вольтер билан узвий алоқада бўлади ва икковлари ўзаро фикр алмашиб туришади.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, Улуғбек ўзининг машҳур астрономик асари «Зиж» тўғрисида фақат Шарқда эмас, Ғарбда ҳам катта шухрат қозонган ва Европанинг Вольтер каби йирик мутафаккирлари ижодида чуқур из қолдирган.



ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

5-топшириқ. **ت** (те) ҳарфининг турлича ёзилиш шакллари уч қатордан ёзиб чиқинг.

6-топшириқ. Мазкур бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

تا، آت، آتا، ات، اتا، اتاب، تاب، تباب، تاپ، تاپا، پات، پاتا، پت، تب، تپا، بت
ث (се) ҳарфи арабча сўзларга хос. Тиш оралиғи -с

товушини ифодалайди. Ҳар иккала томондан келувчи ҳарфлар билан боғланади.

ث اب ات ← ثهد، مات ← ثبات -сабот
 ن اش ر ← نهد، شر ← نشر -наср
 ب اع ث ← بر، ما، ع، م ← بعامث -боис
 م اش ال ← مهد، مل ← مثل -масал

Се ҳарфининг уч нуқтаси қуйидагича тарзда ҳам ифодаланади. **ث، ث، ث، ث، ث**

7-топшириқ. **ث** (се) ҳарфининг турлича кўринишларини уч қатордан ёзиб чиқинг.

8-топшириқ. Ушбу бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчиринг.

تا، آت، ثب، ثاب، ثبات، اثبات، ثبات، بات

9-топшириқ. **پ** (пе) билан **ت** (те) ҳамда **ا** (алиф) билан **ث** (се) ҳарфларини ўзаро боғлаган ҳолда уч қатордан ёзиб чиқинг.

УЧИНЧИ САБОҚ

ح хилидаги ҳарфлар шаклан ўхшаш бўлса-да нуқталарининг ўрни ва сони билан фарқланади. Бу хил ҳарфлар тўртта. Шу нарсага эътибор қилиш керакки, бу хил ҳарфларнинг алоҳида ва сўз охиридаги кўринишлари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. Қолган икки шакли эса сатр чизигининг ўзида ёзилади.

ح (жим) ўзбек тилидаги -ж ҳарфи ўрнида келади. У ҳар иккала томондан қўшиб ёзилади. «Жим» ҳарфининг нуқтаси алоҳида ҳамда сўз охиридаги кўринишларида ичига қўйилса, сўз боши ва ўртасида остига қўйилади.

ح ا ه ان ← حهد، ما، ن ← جهان، جھان -жаҳон
 ن اج ات ← نه، يو، مات ← نجات -нажот
 ك ان ج ← كهد، نهد، ج ← گنج -ганж
 ع ل اج ← عهد، مل، ما، ج ← علاج -илож

«Жим» хилидаги ҳарфларнинг сўз ўртасидаги кўриниши ёзма ва босма шаклларда бир оз фарқ қилади. Босма ҳарф **ح**, ёзма ҳарф **ح** тарзида ёзилади.

1-топшириқ. **ح** (жим) ҳарфининг турли ўринлардаги шакллари уч қатордан ёзинг.

2-топшириқ. Тубандаги бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчиринг.

جا، اج، اجا، اجاب، اجابت، باج، تاج، بجا، جبا
چ (чим) араб алифбосига форслар томонидан

қўшилган ҳарфларнинг иккинчисидир. У ўзбек тилидаги -ч ҳарфига мос келади. «Чим» ҳарфининг нуқталари учта, улар ҳарфнинг сўз боши ва ўртасидаги кўринишларида остига алоҳида ҳамда сўз охирида ёзилганда ичига қўйилади.

چ ي راى ← چهد، را، ي ← چىراى -чирой
 ب اغ چ ه ← به، ما، غ، پ، ه ← باغچه -боғча
 ك ي چ ← كه، يهد، چ ← كىچ -кеч
 آم اىچ ← آمد، ما، چ ← املاچ -омоч

«Чим» нуқталари ёзма шаклда қуйидагича шаклларда ҳам келади: **ح، ح، ح، ح** Шуни ҳам айтиш керакки, қадимий қўлёзма асарларда, эски ўзбек имлосига биноан **ح** (жим) ҳарфи ўрнига асосан **چ** (чим) ҳарфи ишлатилган.

3-топшириқ. **ح** (чим) ҳарфининг тўрт хил шаклини уч қатордан кўчириб ёзинг.

4-топшириқ. Қуйидаги бўғин ҳамда сўзларни ўқинг ва кўчиринг

چا، چاپ، آچ، آچا، اچ، اچا، پاچا، چاچ، چاپا، چات، چپ
ح (ҳойи ҳуттий, ҳе) ҳарфи ўзбек тилидаги -ҳ товушига яқин келади. Кўпинча араб сўзларида учрайдиган бу ҳарф иккала томонидан қўшиб ёзилади, нуқтаси йўқ.

ح اك مى م ← حهد، ما، كهد، م ← حاكم -ҳоким
 م و ح اب ب ات ← مه، يو، بد، ت ← محبت -муҳаббат
 س ط ح ← سه، طهد، ح ← سطح -сатҳ
 روح ← رهد، وهد ← روح -руҳ

Қўлёзма китобларда ҳойи ҳуттий ҳарфининг тагига белгиси қўйилади. Бу уни шу шаклдаги ҳарфлардан фарқлаш ва юмшоқ талаффуз этилиши зарурлигини англа-

тади. Мазкур белги ҳойи ҳуттий ҳарфининг ҳамма кўри-нишларида эмас, балки сўз бошида ҳамда ўртасидаги шаклларида учрайди.

«Майин», «юмшоқ» маъноларидаги «ҳилм» сўзининг ёзилишига диққат қилайлик: **هلم** Ушбу ҳарфнинг ана шу белгисидан беҳабар ўқувчи уни «чилиим» деб ўқиб юбориши ва сўз маъносига путур етиши мумкин.

5-топшириқ. **ح** (ҳойи ҳуттий) ҳарфининг турли ўринлардаги шакллари уч қатордан ёзиб чиқинг.

6-топшириқ. Мазкур бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

ح، حاج، حاجت، حج، حجا، حجاب، حجاب، حجاب، حجت، حجت

ح (he) ҳарфи ўзбек тилидаги -х товушини ифодалайди

ди ва ҳар иккала томондан қўшиб ёзилади. Унинг нуқтаси битта бўлиб, барча кўринишларда ҳарф устига қўйилади.

Мисоллар: **خ** - халқ

م - махлуқ

ت - талх (аччиқ)

ش - шох

«Хе» ҳарфининг ёзма ва босма шакллари орасида айтарли фарқ сезилмайди. Илк ўрганувчи-бошловчилар ушбу ҳарфнинг сўз охирида келадиган шаклини кўпинча **خ** (ғайн) ҳарфининг сўз охиридаги шаклига ўхшатиб ёзишади.

Ҳар иккала ҳарфнинг кўринишларини фарқлаш керак:

خ - Хе, **غ** - ғайн.

7-топшириқ. **خ** (he) ҳарфини уч қатордан ёзиб чиқинг.

8-топшириқ. Ушбу бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

خا، خات، خاپا، خنت، تحت، تاخا، پخت

9-топшириқ. Қуйидаги бўғин ва сўзларни эски ўзбек имлосига ўғиринг: чо, со, ҳо, то, оч, бож, тож, бажо, исбот, собит, чоп, чоч, поча, ҳожат, бахт.

10-топшириқ. **ح** (жим) ва **خ** (хе) ҳарфларини **ا** (алиф), **ب** (бе), **ت** (те) ва **ح** (ҳойи ҳуттий) ҳарфлари билан боғланган ҳолда бир неча қатордан ёзиб чиқинг.

Дарсларни УзССР ФА Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ олиб борапти.

ҚУШНИНГ ПАТИ НЕЧТА!

Одамлар ҳам эринмаганда, бўлмаса қушларнинг патини санаб чиқишармиди! Аниқланишича, оққуш пати 25 мингга яқин, ёввойи ўрдакики эса ундан икки ҳисса кам, сайроқи қушларнинг аксариятида 1500 тадан то 4000 тагача пат бор. Ҳар бир қуш тури учун муайян ўртача миқдор хосдир, бироқ конкрет тарзда ҳар бир қуш патининг миқдори ана шу кўрсаткичдан бирмунча фарқ қилади. Қушлар патининг сонини фасллар бўйича ҳам ўзгартириб туради. Масалан, сариқ чумчуқнинг пати қишда саналганда 2710 дона бўлса, ёзда атғи 1503 дона чиққан.



ЖОНГА ОРА КИРДИ

Техас (АҚШ) штатидаги шаҳарлардан бирининг полицияси шу ерлик бадавлат кишиникига ўғри тушишидан хабардор қилинганга қарамай, талончиларни қўлга тушира олмади. Агар хонадондаги Бейби лақабли тўти бўлмаганида қидирув ишларининг қанчага чўзилиши номаълум эди. Буни қараганки, тўти ўғирлик содир бўлаётган ерда талончилар бир-бирига мурожаат қилаётганларида уларнинг исмини эслаб қолган экан. У бу тўғрида полицияга дарҳол «маълум қилди».



ЖУНАНИ СЎРАГАНЛАР ДИҚҚАТИГА

Журнализмизнинг 3—4-сонларида Жуна Давиташвилининг «Қўлларимни тинглайман» қиссасидан парча берилганидан кейин идорамизга унинг тураржойини сўраб кўплаб кишилар кела бошлашди, хатлару телеграммалар ёғилиб кетди. Биз Москва билан боғланиб ахволни тушунтирганимизда Жунанинг кооперативи ҳали ишга тушмаганини, ишга тушганда ҳам жуда узоқ навбат кутишга тўғри келишини, зотан, унинг ҳузурига беморлар бутун дунёдан келадиганини айтиб, кўпроқ маҳаллий «жуналар» ёрдамидан фойдаланишни таклиф этишди.

Урганча Муяссар Шариповага кооператив очиб берилганидан хабарингиз бор [Богдан Хмельницкий кўчаси, 9-уй]. Яқинда Мирзакарим Норбеков беморларни қўл тегизмай даволаш учун расмий рухсат олиб, Навоий шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими биносига, хўжалик ҳисобидаги тиббий муассасада иш бошлади, ҳозир унинг қабулига шу йил охиригача ёзилиш мумкин. Журнализмизнинг кейинги сонларида Мирзакарим ва бошқа шифобахш кишилар, Ўзбекистонда биоэнергетика масалалари қай аҳволдалиги ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 6 (416) 1989 г. На узбекском языке.

Қўлёзма ва расмлар қайтарилмайди Техмұҳаррир Абдувоҳид ТУРАЕВ Бадийи мұҳаррир Уста ВАЛИ

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти

Унвонимиз: 700000, Тошкент, ГСП(П) Гоголь кўчаси, 70-уй. Телефонлар: 33-07-05; 39-04-11; 39-04-12; 39-04-84; 39-03-88. Теришга 14.04.1989 йилда берилди. Босишга 19.05.1989 йилда рухсат этилди. Р—08723. Қоғоз 60×90¹/₈. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Нашриёт ҳисоб т. 5,0. Шартли намуналари 10. Тиражи 373271 нусха. Буюртма № 741. Нашр № 13. Баҳоси 40 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан ташриф қилди. Тошкент шаҳри. ГСП. Ленин проспекти, 41-уй. © «Фан ва турмуш»



● Хид нималигини биласизми? У модда молекуласини ўқиши, яъни «буғланиши»дир. Модда бу тарзда таъмом бўлиши учун шу қадар узок муддат керакки, уни тасаввур қилиш ҳам қийин. Масалан, атиги бир миллиграмм мушк буткул «ҳидланиб» кетиши учун оз эмас, кўп эмас, нақ 100000 йил зарур экан! Бунга Эроннинг Табриз шаҳрида қурилган дунёда яққая ягона хушбўй масжид яққол гувоҳдир. Унинг деворини кўтаришда лойга кўшилган мушк 600 йилдан буён муаттар бўй таратиб турибди.

Она Ер оғушига қайтган бир гуруҳ фазогирлардан «Дастлаб нимани ҳис этдингиз?» деб сўрашганида ҳаммаси бир оғиздан «Турли-туман ҳидларни!» деб жавоб беришди. Бунда улар табиий ҳидларни назарда тутишган, албатта. Лекин сунъий усулда яратиладиган, яъни табиатга тақлидан ижод этиладиган анвойи ҳидлар ҳам бор. Атир-упа фабрикаларида ишлаб чиқариладиган хилма-хил атирлар турмушимизга ўзгача бир гўзаллик бағишлаб, кайфиятимизни кўтаради. Ушбу саҳифадаги суратларда Тошкент атир-упа фабрикасида тайёрланувчи ана шу хил маҳсулотлардан айрим намуналарни кўриб турибсиз.

С. ДАВИДОВ суратлари.





ФАНАДА ТУРМУШ

АФРИКА ҚИТЪАСИ УЗИГА ХОС БОИ ВА РАНГ-БАРАНГ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ЭГА. БИР ЗАМОНЛАР БУНДАИ ЖОНИВОРЛАР БИЗНИНГ УЛКАДА ҲАМ ЯШАГАН. АФСУСКИ, БИЗ ТАБИАТГА ЧЕКСИЗ ОЗОРЛАР ЕТКАЗДИК, ЭНДИ ЭСА ТАБИАТ БИЛАН БИРГА МАНА БУ ҚОНДОШЛАРИМИЗНИ ҲАМ АСРАБАВАЙЛАМОҒИМИЗ ДАРКОР. БУ — БИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ.

ISSN 0134—4560

индекс 75421

Баҳоси 40 тийин

